"Я совершенно отрицаю современные переводческие воззрения..., - писал известный русский переводчик Борис Пастернак. - Я стою на точке зрения прошлого столетия, когда в переводе видели задачу литературную, по высоте понимания не оставлявшую места увлечениям языковедческим". Аналогичная мысль была высказана Кашкиным: "Для лингвистов изучения проблемы языковых соответствий хватит не на одно поколение исследователей, тогда как нескольких хороших и конкретных литературоведческих статей о переводе было бы достаточно, чтобы оживить и поставить на ноги литературный подход, который явно отстаёт от лингвистических увлечений. Нам необходима серия опытов, которая проверила бы сегодняшние возможности литературного анализа перевода" [Кашкин 1977:501].



Как известно, до сих пор среди исследователей нет единого мнения в том, что следует считать главным критерием оценки качества художественного перевода и мастерства переводчика.

Трудно исследовать целый комплекс, довольно точно поставленных вопросов рассматривая каждый из них в отдельности, не имея, так сказать, сквозного стержня, "оси". Такой "осью", которая позволит воспользоваться выигрышными сторонами стилового, лингвистического анализа и некоторых других подходов к рассмотрению перевода, может стать, как нам представляется, сопоставление оригинала с его художественным переводом под углом зрения адекватности передачи в последнем воссозданных автором национальных характеров.

Проблема национального характера, будучи предметом исследования различных общественных наук: социологии, философии, истории, психологии, этнографии, этнопсихологии, особый принципиальный интерес представляет для литературоведения. И это предопределено тем, что именно в художественной литературе находит отражение вся многогранная внутренняя и внешняя жизнь человека - духовная и физическая, личная и общественная, скрытая и явная, иначе говоря весь его характер.

Любое истинно художественное произведение несет на себе при этом отпечаток характерных черт определенной нации, печать национального своеобразия, обусловленного языком, историей и всей культурой народа, его обычаями и традициями. Вне национального нет художественного творения.

Любой литературно-художественный характер не может не быть национальным. "Даже в произведениях, написанных на искусственных языках (например, на языке эсперанто), считает исследователь

Ф.Х.Фатхулин, очевидно, проявляется национальная черта характера персонажа, вышедшего из определенного народа, ведь на земном шаре нет безнациональных территорий! К тому же даже писатель-эсперантист имеет какую-то национальную принадлежность [Фатхулин 1973:137].

Тем не менее теоретическая значимость данного вопроса, думается, не оценивается должным образом. Так, до сих пор, как уже отмечалось, среди исследователей нет единого мнения в том, что следует считать главным критерием оценки качества художественного перевода и мастерства переводчика. Отдельные работы, посвященные вопросам художественного перевода, имеют нередко лишь односторонне-прагматическую направленность.

Для многих исследователей перевода началом и завершающим этапов их научных поисков является выявление каких-то закономерностей в пределах одной пары языков, участвующих в процессе перевода. Допустим: если в мире насчитывается более 2000 языков, то нам необходимо минимум 1000 переводческих теорий.

Если сконцентрировать основной пафос этих научных поисков, то все они так или иначе сводятся к одному вопросу - выработке критериев оценки качества перевода.

Однако выявление критериев оценки качества перевода еще не стал объектом специальных научных исследований. По всей вероятности, решение этой важной, ключевой проблемы науки о переводе невозможно без скорейшего преодоления методологических и методических недостатков при изучении художественного перевода. Теорию художественного перевода невозможно построить без знания объективных закономерностей художественного перевода как особого типа искусства.



При этом, как нам кажется, надо исходить из того, что переводное художественное произведение подчиняется тем же объективным закономерностям, каким - и оригинальное художественное произведение.

"Как сравнительно-лингвистическая характеристика языковых пар и общая теория коммуникации являются предпосылками лингвистической теории перевода, - пишет Иржи Левый в своей монографии «Искусство перевода», - так и сравнительно-историческая поэтика и анализ творческого вклада переводчика в переведенное произведение стали предпосылками литературоведческой теории перевода" [Левый 1974:40].

В поисках путей определения объективных критериев исследования переводческого труда важным источником и незаменимым подспорьем являются собой исключительные достижения последнего сорокалетия в области современной науки литературоведения. В их потоке стоит особо выделить коллективные труды "Историко-литературный процесс. Проблемы и методы изучения" (Л., "Наука", 1974), "Современная литературно-художественная критика" (Л., "Наука", 1975), "Методологические проблемы современной литературной критики" (М., "Мысль", 1976), "Актуальные проблемы сравнительного изучения литератур социалистических стран" (М., "Наука", 1978), "Методология современного литературоведения. Проблемы историзма" (М., "Наука", 1978), "Проблемы теории литературной критики. Сб. статей" (М., МГУ, 1980) и мн. др.

И в ряде литературно-критических удач - книги и статьи, где все чаще раздаются призывы к созданию принципов целостного и системного анализа художественных произведений [Храченко 1975-1977:37-58, Кожин 1973-1974: 189].

В правильности таких призывов не может быть сомнений. Ибо, как справедливо отмечает Г.Н.Поспелов, "произведения, обладающие высоким уровнем творческого совершенства, всегда являются художественными системами. А изучая их научно, конечно, надо приходить к пониманию всей целостности таких систем. Произведение, рассматриваемое не целостно, а односторонне, частично, не обнаружит тем самым своей системности - закономерного единства всех своих сторон, частей, элементов. А при бессистемном рассмотрении произведения его целостность всегда окажется только внешней и мнимой" [Поспелов 1982:139].

Иначе говоря, для определения литературно-критической методологии существенны вопросы: *зачем, что и как исследовать художественный текст.*

Аналогично можно ставить вопрос и в отношении к художественному переводу. Именно данное триединство: **зачем, что и как исследовать художественный перевод** ключ к решению множества сложных вопросов теории современного переводоведения.

Отвечая на первый вопрос "*зачем?*", можно утверждать, что целью анализа художественного перевода является активное воздействие на все звенья переводческого процесса; выработка научных принципов критериев оценки качества перевода и мастерства переводчика; "прочтение" и интерпретация переведенного произведения с точки зрения адекватного соответствия с оригиналом; помочь иноязычному читателю в восприятии переводного произведения, т.е. формирование вкуса читателей и ориентация читательских интересов.

Второй вопрос "*что?*" имеет так же свою сложность. Действительно, что исследует литературно-критический анализ художественного перевода: форму?, художественную концепцию? и



т.д. Видимо, все эти аспекты важны в разной степени в анализе художественного перевода и для внимательного восприятия и правильной трактовки. Тем не менее в художественном произведении есть центральное звено, связывающее вокруг себя все перечисленные выше частные вопросы.

Это характер литературного героя. Неслучайно было отмечено, что реализм подразумевает, помимо правдивости деталей, правдивость воспроизведения типических характеров в типических обстоятельствах.

Богата опытом анализа характеров история русской классической критики. Ее лучшие образцы созданы революционными демократами: Б.Г.Белинским, А.И. Герценом, Н. Г Чернышевским, Н. А. Добролюбовым, Д.И.Писаревым. Они исходили из того, что именно изображение характеров показывает, насколько идея и форма сливается в произведении воедино. Анализируя характеры, они в то же время анализировали и различные вопросы формы. Анализируя изобразительные средства (язык, портрет, пейзаж) и вопросы, относящиеся к сюжету, конфликту и композиции, невозможно достигнуть желаемого успеха, не связав все это с изображением характеров, - отмечает М.Кошчанов [Кошчанов 1959:6]

С этой точки зрения особый интерес представляет расшифровка понятия "литературный характер". "Образ - это содержательная форма отражения действительности и, как форма, обладает наглядностью изобразительного. Характер - это категория, относящаяся к содержанию образа, представляющая собой один из определяющих искомым результатов художественного освоения действительности".

Еще: всякий художественный образ, независимо от того, является ли он отражением и изображением человека, природы, мира, социальных явлений,

способствует так или иначе раскрытию человеческих характеров [Драгомерецкая 1958:152].

Как было отмечено выше, методологическую значимость категории "характер" для изучения теории художественного перевода переоценить трудно. Значит, особую актуальность приобретает проблема воссоздания национального характера в художественном переводе.

Отвечая на вопросы "зачем" и "что" исследовать в художественном переводе, мы тем самым говорим невольно и о том, "как" его исследовать, ибо третий вопрос является производным от первых двух.

Анализ художественного перевода по необходимости и возможности должен быть: 1) **все охватно - многоаспектным**, т.е. захватывающим в свою сферу и язык, и стиль, идейно-художественные особенности, национальный колорит, передачу образов и т.д. и т.п., 2) **системно-целостным**, т.е. сплавливающимся на монистической основе в единое прочтение, в единую интерпретацию - оценку того или иного художественного переводного произведения.

Приятно отметить, что в настоящее время теория художественного перевода достигла такого уровня, что большинство исследователей художественного перевода в своих поисках вплотную подошли первому вопросу: **зачем исследовать художественный перевод**, т.е. цель исследования это выявление оптимальных критериев оценки качества перевода и мастерства перевода, разработка научных принципов переводческого процесса.

Однако по второму вопросу, т.е. **что исследовать в художественном переводе**: язык, стиль, национальный колорит, передачу образов и т.д. наблюдаются разногласия. Большинство исследователей перевода строят свои научные поиски по принципу "от частей



к целому, от конкретного к абстрактному, от частного к общему", т.е. считают правомерным использовать индуктивный метод. Никак не пренебрегая этим принципом, который играет немалую роль в ходе становления и роста любой науки, все же считаем, что в настоящее время в области теории художественного перевода нужен и обратный процесс: использование дедуктивного метода исследования, т.е. настала пора изучения художественного перевода по схеме: "от общего к частному, от целого к частям".

Такой подход к исследованию художественного перевода необходим для того, чтобы правильно ответить на вышеуказанное триединство **зачем, что и как исследовать художественный перевод**. Теперь еще более конкретизируется цель наших поисков - выявление критериев оценки качества перевода. Однако без правильного выявления что исследовать в художественном переводе невозможно обосновать эти критерии. Более того, без этого невозможно строить анализ художественного перевода таким образом, чтобы он был всеохватно-многоаспектным и системно-целостным.

Кроме того, такой подход нужен нам еще по двум причинам, которые также связаны с вышеизложенным.

Во-первых, в настоящее время у нас - в республике и за рубежом накоплено большое количество научной продукции по вопросам художественного перевода, в которых имеются все предпосылки (богатый эмпирический материал) для создания серьезных теоретических работ. Еще древняя китайская пословица утверждала: "Ты можешь стать умным тремя путями: путем опыта - это самый горький путь; путем подражания - это самый легкий путь; путем размышления - это самый благородный".

И на сегодняшний день можно было бы смело утверждать, что для теории художественного перевода первый

путь - путь горьких опытов и заблуждений - является пройденным.

Однако возникла другая нежелательная крайность: некоторые исследователи всячески стремятся обосновать ложную мысль о том, что изучаемый ими тот или иной вопрос - единственно верный путь истине. И при этом исследователи не имеют перед собой ясно поставленной цели, не задумываются по-настоящему о том, к каким теоретическим выводам может привести, допустим, изучение передачи стиля или образа при переводе с одного языка на другой язык.

В теории художественного перевода, как известно, образцов так называемой научной беллетристики немало. Здесь уместно вспомнить слова И. Левого о том, что "литература о переводе только частью рассматривает перевод в теоретической плоскости, авторы большинства статей и книг, в особенности о художественном переводе, до последнего времени оставались в пределах эмпирических наблюдений, либо эссеистических афоризмов" [Левый 1974:27].

Главная причина возникновения так называемой научной беллетристики в теории художественного перевода - это, пожалуй, незнание общих объективных законов науки о литературе. Ведь художественный перевод (точнее переводное художественное произведение) - литературное произведение. И чтобы понять и анализировать художественный перевод, так же необходимо исходить из понимания общих законов, управляющих развитием литературы. Поскольку главным предметом художественного изображения литературы является человеческая жизнь в различных ее аспектах и проявлениях, есть полное основание считать, что *"первейшим предметом исследования литературоведа и критика должен быть вопрос о характерах героев художественных произведений"* [Кошчанов 1959:6].



Поэтому в теоретических исследованиях последних лет много внимание уделено проблеме литературного характера.

Следует отметить, что в настоящее время научные поиски идут по правильному пути, предполагающем ясное понимание того, что "национальный характер является ключом решения проблемы национального и интернационального в литературе и искусстве".

С развитием эстетики, теории литературы, в связи с углубленным изучением опыта мировой литературы исследователи все больше говорят и пишут о национальной специфике и национальном проявлении характера, о национальной окрашенности внутренних, внешних качеств человека, изображенного в высокохудожественном, идейно богатом, истинно народном произведении.

В настоящее время все серьезные работы по эстетике и литературе уже не обходятся без определения категории национального характера и это научное понятие получило право на постоянную "прописку" даже в некоторых учебниках по литературоведению.

"Национальный характер - миф или реальность?" – полемически остро звучит статья социолога И.С. Кона. Опираясь на труды философов, социологов, на опыт искусства, автор приходит к выводу о правомерности этого понятия.

Немалую роль в прояснении проблемы национального характера сыграли литературоведческие работы последних лет.

В этой связи интересно высказывание Б.Бурсова, который считает, что национальный характер историческая категория, что он может иметь сходные черты с характерами представителей других наций и народностей, так как история человечества - это единый диалектический процесс.

Б.Бурсов учитывает также историческую эволюцию и социально-

классовую природу национального характера.

Еще дальше в определении границ и особенностей понятия "национальный характер" идет Д.С.Лихачев. Он пишет: "Нация, национальность проявляется разнообразно и не единообразно. Правильно говорить не о национальном характере народа, а о сочетании в нем различных характеров, каждый из которых в той или иной мере национален..."

Как видно, Д.С.Лихачев дифференцирует понятие "национальный характер". Такая дифференциация означает, что национальный характер существует и проявляется в жизни и искусстве гораздо более сложно, чем это выглядит в отдельных критических и социо логических схемах.

По мнению И.О.Кона, образы художественной литературы охватывают национально-типические черты глубже и многограннее, нежели научные формулы. Исследование этих образов в их динамике, в социально-историческом аспекте дает много.

Большая склонность к признанию существования национального характера и конкретный подход к его изучению у литературоведов вполне объяснимы его весьма и весьма весомой ролью в сфере искусства.

В литературоведении утвердилось в основном и то верное методологическое положение, что национальный характер и национальная психология не есть совокупность одних только неповторимых особенностей духовного облика народа, что в содержании этих понятий отражена диалектика особенного и общего. Однако, как справедливо отмечает Н.П.Утехин, хотя общие принципы подхода к изучению национального характера уже выяснены исследователями, результаты конкретного анализа его содержания в отношении того или иного народа и его литературы еще не всегда оказываются удовлетворительным.



Вполне правомерно, что во многих теоретических работах все настойчивее звучит мысль о неплототворности чисто описательного подхода к изучению проблемы и необходимости строго научного исследования структуры

национального характера на том богатейшем материале, который дает нам для осмысления как положительных, так и отрицательных его черт художественная литература.

Литература

1. Россельс В. Опыт теории художественного перевода. Предисловие к книге И. Левого «Искусство перевода». - М.: Прогресс, 1974, с.5.
2. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. (Лингвистические проблемы). - Издание четвертое, переработанное и дополненное. - М: Высшая школа, 1983, с.18.
3. Цвилинг М.Я., Туровер Г.Я. О критериях оценки перевода. -Сб.:Тетради переводчика. - М.:Международные отношения, 1978, с.3-9.
4. Федоров А.В. Цит. работа, с.122-130.
5. Кашкин И. В борьбе за реалистический перевод. - В кн.: Для читателя-современника. - М.: Советский писатель, 1977, с.501.
6. Фатхулин Ф.Х. Проблемы воспроизведения национального своеобразия подлинника в переводе. - Дисс. ... канд.филол. наук. -Алма-Ата, 1973, с.137.
7. Левый И., Искусство перевода. - М.: Прогресс, 1974, с.40.
8. Об этом подробнее см.: Храпченко М.Б. Размышления о системном анализе литературы. - В кн.: Контекст-1975. Литературно-теоретические исследования. - М.: Наука, 1977, с.37-58; его же. Жизнь в веках. Внутренние свойства и функция литературных произведений. - Знамя, 1974, №1, с.230-246; Кожин В. Зачем изучать литературное произведение? - В кн.: Контекст-1973. -М.: Наука, 1974, с.189 и др.
9. Пospelов Г. Целостно-системное понимание литературных произведений. - Вопросы литературы, 1982, № 3, с.139.
10. Кошчанов М. Мастерство изображения характеров в романах Айбека. - Ташкент: ГИХЛ УзССР, 1959, с.6.
11. Драгомерецкая Н. Характер в художественной литературе. - В кн.: - Проблемы теории литературы. - М.: Изд-во АН СССР, 1958,с.152.
12. Левый И. Цит. работа, с.27.
13. Кошчанов М. Цит. работа, с.6.

Раҳимов Ғ., Хайитов С. Умумий бадий таржима назариясини яратиш имкони мавжудми? Мақолада умумий бадий таржима назарияси яратиш муаммоси кўтарилган ва, шунингдек, бадий таржима сифати ва таржимон маҳорати ҳақида баҳс юритилган.

Rakhimov G., Hayitov S. Is there a general theory of translation? Urgent problems of the translation theory are discussed in the article. There were given some advices to create the general theory of thranlation/



ГУЛ МАРОСИМЛАРИГА АЛОҚАДОР ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

*Касимова Раъно Рахматуллоевна,
БухДУ катта илмий ходим-изланувчиси*

Калит сўзлар: бойчечак маросими, "Қизил гул сайли", "Сайли гули сурх", "Лола сайли", "Сунбула сайли", "Тунафша сайли", ритуал, удум этнографизмлар, қиёсий таржима.

Халқимизнинг энг қадимий маънавий анъаналарини ўзида мужассам этган маросимларнинг бир қисми маълум бир гул турлари (бойчечак, кизил гул, яъни лола, лолақизғалдоқ, сунбула, бинафша кабилар)га алоқадорлиги билан эътиборни тортади. Улар халқимизнинг қадимий тотемистик мифологик тасаввур-тушунчаларини ўзида намоён этиб, ажодларимизнинг гуллар билан боғлиқ эътиқодий қарашларини ўрганишда, улар ҳақида ҳозирги ёшларга маълумот беришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Наврўзи оламини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги фармони қабул қилингандан бери унинг таркибига кирувчи гул билан алоқадор удумларимизни ҳам тиклашга кенг эътибор берилмоқда. Айниқса, улар билан боғлиқ вербал компонентларнинг бадиияти ва ижро хусусиятларини ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий объектларни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Наврўз таркибига кирувчи гул билан алоқадор "Қизил гул сайли" удуми мамлакатимизнинг турли жойларида кенг кўламда нишонланиши таъминланди.

Таниқли ўзбек фольклоршуноси М.Жўраев "Қизил гул" сайли ҳақида, унинг этнофольклористик таҳлили хусусида бир қатор муҳим илмий-назарий қарашларни илгари сурган [2,13-19; 3,48-

56]. О.Сафаров ва М.Маҳмудовлар [5, 106] ҳам Бухорода анъанавий ўтказиб келинган "Сайли гули сурх" маросимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим муҳим маълумотларни билдириб ўтишган. 2010 йилда эса Д.Ураева ва Д.Ражабовлар томонидан тўплаб чоп этирилган "Бухор элда гул сайли" китобида илк марта "Қизил гул сайли"да оммавий ижро қилиниб келинган халқ қўшиқлари эълон қилинган [1,127-134]. У ҳақда яна этнографлардан Маҳмуд Сатторнинг "Ўзбек удумлари" [4,28-32], У.Қорабоевнинг "Ўзбекистон байрамлари" китобларида айрим зарур маълумотлар келтирилган.

Ажодларимизнинг табиат, унинг кузда хазон бўлиб, баҳорда қайта уйғониши, биринчи гулнинг униши билан боғлиқ қадимий қарашлари асосида ўтказиб келинган бу удум республикамизнинг Бухоро, Фарғона, Наманган, Чуст туманларида турлича кўриниш касб этади. Шунингдек, улар номланиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ҳатто "Қизил гул сайли" маросими қўшиқларининг хорижликлар томонидан инглиз тилига ўгирилиши унга бўлган эътиборнинг янада ортганлигидан далолат беради. Жумладан, америкалик олима Мерилин Питерсеннинг "A Treasury of Uzbek Legends and Lore" китобидаги "Forgotten Traditions" ("Унутилган анъаналар") номли бобда шу маросим ҳақида фикр юритилиб, олима томонидан мазкур удумнинг ўтказилиши инглиз тилида изоҳлаб ўтилган ҳамда удумга алоқадор халқ қўшиқлари инглизчага таржима қилинган.

Китобда "Қизил гул сайли"нинг ўзига хос томонлари, у орқали



халқимизнинг моддий ва маънавий маданияти, ақлу заковати, меҳнатсеварлик, фазилати ёрқин намоен бўлиши баён этилган. Бунда таржимоннинг: *"The restoration of the traditions and holidays, which were practiced and appreciated for many centuries, and which had a great educational significance, will be a balm to the stifled and stricken hearts of the people who have suffered oppression for many years in this ancient land"*, яъни *"Асрлар давомида нишонланиб, қадрланиб келинган ва ўзига хос таълимий аҳамиятга эга бўлган анъаналар ва миллий қадриятлар ситам кўрган қадимий диёр аҳлининг юрагига малҳам бўлди"*, -деб ёзиши алоҳида таҳсинга сазовор.

Бойчечак маросими қиш ва баҳор фаслларида ўзаро алмашишини ўзида ифодалаб, Наврўз келгунича ўтказилса, Қизил гул сайли Наврўз байрамидан кейин, март ойининг охирида, лола ва лолақизғалдоқ каби қизил тусли гуллар очилган пайтда ўтказилган. У бир ҳафтадан бир ойгача давом этган. Наврўзда унувчи бу гуллар табиатнинг мўъжизаси сифатида алоҳида эъзозланган. Уларни мадҳ этувчи, олқишловчи кўшиқлар ҳам яратилган.

Қизил гул сайлининг Наврўз билан боғланиши бежиз эмас. Чунки унинг қадимий асослари баҳорий тенгқунликни, эзгуликнинг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилган кунини байрам қилиш анъанаси билан бевосита боғлиқдир. Таниқли фольклоршунос М.Жўраевнинг фикрича, бу анъанавий халқ сайлининг келиб чиқиш тарихи қадимги Хоразм маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган *"Авесто"* мифологияси билан боғлиқ. Бу алоқадорликни исботлайдиган муҳим деталлардан бири мазкур сайл ўтказилган жойнинг номи, яъни Баворис бобо некронимидир. Бу мазор номини англатувчи некронимнинг келиб чиқиши эса *"Авесто"*даги мифологик персонажлардан бири - Ажидахака ва у

хукм сурган афсонавий юрт номи -Баврига алоқадор [2, 13-19].

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг экспертлари ва ташкилий ишчи гуруҳлари томонидан 2012 йил апрель ойида Фарғона водийсига уюштирилган экспедиция натижасида мазкур марказ ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида тайёрланган *"Intangible Cultural Heritage Elements of Ferghana Valley"* (*Фарғона водийсининг номоддий маданий мероси намуналари*) китобида яна бир гул сайли удуми ҳақида маълумот берилган. Унда таъкидланишича, Фарғона водийсининг Олтиариқ туманида жойлашган *"Дўсти худо"* мазорида ҳар йили Арғувонгул сайли анъанавий тарзда ўтказилиб келинган. Маҳаллий халқ тилида у *"Гули арғувон"* деб аталган [8,58-59].

Китобда бу маросим апрель ойининг биринчи ярмида уч кунгача очилиб турадиган бутасимон ўсимлик - арғувонгул очилган пайтда ўтказилиши ва у Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ўтказиладиган *"Қизил гул"*, *"Гули сурх"*, *"Лола сайли"*, *"Сунбула сайли"*, *"Тунафша сайли"* сингари анъанавий гул сайллари тизимига мансуб қадимий тақвимий маросим ҳисобланиши ҳақида маълумот берилган.

Фарғона водийсининг Чуст туманида май ойида нишонладиган Сунбул сайли ҳам ана шундай маросимлар сирасига қиради. Унга, асосан, XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб алоҳида эътибор қаратилган.

"Intangible Cultural Heritage Elements of Ferghana Valley" китоби ҳам ўзбек, ҳам инглиз тилларида чоп этилган бўлиб, унда ўзбекча маълумотларнинг, ўзбек маросимлари ва ритуллари билан боғлиқ этнографизмларнинг инглиз тилида ёритилиши хорижликларда бу маросимлар ҳақида тасаввур ва қизиқиш



уйғотишда муҳим аҳамият касб этиши табиий.

"The holiday is connected with the blossoming of arghuvon flowers in early April, which grow in front of the mausoleum in the graveyard and stay in bloom for three days. While this event is not celebrated in other parts of the republic, similar events have found the way onto traditional calendars in different regions with such names as *Qizil Gul or Gull Surkh* (Red Flower), *Lola Sayli* (Tulip Festivity), *Sunbul Sayli* (Hyacinth Festivity), and *Gunafsha Sayli* (Viola Festivity). Because farming has been central to Uzbek culture since ancient times, many traditions are related to praising natural plants and nature itself, - дея маълумот келтирилган китобда [9, 20-21].

Инглиз тилидаги бу матнда гул номларининг қавс ичида асл ҳолатда берилиши уларнинг ҳар бири Ўзбекистон флорасида ўз ўрнига эгаллигини англата олса-да, бироқ ҳар қайсисининг ўзига хос кўринишга эгаллигини тўлиқ тасвирлай олмайди. Уларни кўрган инсонгина тасаввурга эга бўла олади. Шунинг учун таржима жараёнида бу гулларнинг кўринишига ҳам изоҳ бериб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, сунбула ҳақида унинг пиёзгуллилар оиласига мансублиги, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон декоратив ўсимлик эканлиги, ғуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли бу гул [6,84] турли рангларда бўлишини айтиб ўтиш мумкин эди. Ёки арғувонгулнинг арғувон, яъни тўқ қизил тусли гул эканлиги билдирилиши мумкин.

Гул байрамларида айнан қизил рангли гулларнинг қадрланиши бежиз эмас. Халқнинг эътиқодига биноан, улар ўлиб-тирилувчи табиат рамзи, ўтган йилда вафот этган аждодларнинг тупроққа сингган қони тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун "Қизил гул" сайлини, асосан, зиёратгоҳларда ёки унга яқин жойларда ўтказганлар. Айтайлик, Бухорода бу маросим, асосан, Баҳоуддин Балогардон зиёратгоҳида ташкил этилган. Бунга, бизнингча, гул билан боғлиқ

эътиқодии қарашларнинг илдизи бир томондан, "аждодлар култи" тушунчаси билан боғланиши сабабдир. Сайл термаларида шаҳар аҳолисининг ўша кунларда Намозгоҳ майдонидан то Ширбудуну Баҳоуддингача сайлга чиқиши ҳақида маълумот берилади:

Ширбудунда мажнунтол,
Мажнунтолга пайванд сол.
Сайлга келган қизларнинг
Сулувини танлаб ол [1,27].

Бухорода қадим замонлардан "*Қизил гул*" сайли нишонланган. "Сайли гули сурх" маросимининг ўз тартиб-қоидалари бўлган. Ҳар бир иштирокчи унинг тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиши шарт ҳисобланган. Акс ҳолда, тартибни бузганлар сайлдан четлатилган. Унда халқ ҳунармандлари ўз маҳоратларини намойиш этишган. Балоғат ёшидаги йигит-қизлар олма отиш, гул узатиш, анор отиш каби ўйинларни ўйнашган. Янги келинчақлар келин салом кўшиқлари остида одамларга таъзим қилишган. Ёшлар учун бу сайл ҳақиқий севги, дил изҳори қилиш байрамига айланган. Йигитлар қизларга ўз севгисини билдириш учун майиз, ҳолва, хўрозқанд каби ширинликлар тортиқ қилишган. Агар қиз рози бўлса, у ҳам ширинлик тортиқ қилган йигитга жавобан ё ширинлик, ё ўзи тиккан дастурмолми, белбоғми берган. Бундай ошкорасиз, ҳаёли дил изҳори ўзбек қиз-йигитларининг уятчан ва андишалилигидан далолат беришини Мерилин Питерсен алоҳида эътироф этиб ўтади.

Бухорода минора,
With a tower in Bukhara,
Шофирконда чикора.
In Shafrikon what will I do.
Гул сайлига борганда,
When I go to the flower feast,
Севиклим кўрсам зора.
I hope to see my love so true.
Анори дона-дона,
Like the seeds of the pomegranate,
Ишқингда мен девона.



With your love I'm dizzy.
Гул сайлига келганда,
When you come to the flower feast,
Қилма мени бегона.

Don't make a stranger out of me [10,128].

Маросим Ўзбекистоннинг турли худудларида, зиёратгоҳларда ўтказилиши билан умумийлик касб этса-да, унинг ўтказилиш тартиби, удумлари фарқ қилади. Бухорода Гул сайли қиз-йигитларнинг, хунармандларнинг байрами ҳисобланиб, унда ҳамма: эркаклар, аёллар, қиз-жувонлар, йигитлар иштирок этишган. Фарғона водийсининг Олтиариқ туманида бу маросим аёллар томонидан ўтказилиши, унда Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Хувайдо ғазаллари ҳамда панд-насихат мазмунидаги шеърлар айтилиши, тўқма - ҳар ким уйдан олиб келган нарсалардан чўзма-чалпак, шўрва, ош тайёрланиши билан фарқланади. Чуст туманида ўтказиладиган Сунбула сайлида иштирокчилар, асосан, хунармандлар, ёш йигит-қизларни ташкил этиши, турли байрам таомлари пиширилиб истеъмол қилиниши, касб-корларга барака сўралиши жиҳатидан Бухорода нишонланадиган Гул сайлига ўхшаб кетади.

Мерилин Питерсен таржималарида таржимоннинг маҳорати, таржима санъатидан хабардорлиги, ўзбек халқи менталитетидан бохабарлиги сезилиб туради. Зеро, у келтирган ҳар бир маълумотда этнографизмларнинг айнан сақлангани кузатилади. Олима бухоролик тарихчи Суннатилло Наимов ҳамда Нусратилло Наимовларнинг Гул сайли ҳақидаги болалик хотираларини баён этаётиб, чодир, шойи, атлас, халиса, мошоба, кочи, шовла, шинни, новвот ва холва каби этнографизмларни айнан, асл ҳолида сақлаган ва уларга изоҳ беришга уринган: "On one side were the apricot trees blooming with beautiful flowers, and in each corner of the garden a *chodir* was built. The cheerful voices of boys and girls, the sound of toys, and the voices of the

mullahs' incantations, created a festive atmosphere. The people who made *shot* and *atlas*, potters, carpet makers, and the people who made the national sweets performed their skills. Until evening we moved from one *chodir* to another and sat among my father's relatives. We ate delicious food, such as *halisa*, *moshoba*, *kochi*, and *shovla*. We drank a lot of soft , drinks, such as *shim* made from mulberries, and sometimes mixed it with tea. Then we filled our pouches with *novvot* and *holva*, and returned to our home in high spirits" [10,129].

Таржимоннинг китобида чодир - a small pavillion; шойи - material made of silk; атлас - silk material, Khan Atlas is multi-colored; ҳалим - mutton cooked with wheat; кочи - a food made corn flower; шовла - a rice dish sometimes made with pumpkin; шинни - the nectar of the mulberry; новвот - an amber colored hard sugar candy; холва - a candy made with sugar and flour, may be colored red, different kinds of candy тарзида берилиб, китобхонни ўзбек тилида учрайдиган бу сўзлар билан таништиришга ҳаракат қилингани кузатилади.

Бухорода "Гули сурх" сайлида худди тўй тантаналаридаги каби келинларга бағишланган "Хуш келибсиз", "Ёр-ёр", "Келин салом" кўшиқлари куйланган. М.Питерсен ана шундай кўшиқларни ҳам инглиз тилига ўгирган.

Қоши камон хуш келибсиз
Welcome, the girl with the brows arching.

Кўзи мунчоқ хуш келибсиз
Welcome the girl with black eyes beguiling

Лаби хандон хуш келибсиз
Welcome the girl with lips laughing.

Тиши маржон хуш келибсиз
Welcome the girl with pearly teeth smiling.

Офатижон хуш келибсиз
Welcome the girl with charm so fair.

Сочи сунбул хуш келибсиз
Welcome the girl with long hair.

Ўзи бир гул хуш келибсиз
Welcome the girl, like a flower rare [10,130].

Қизил гул сайлида ҳатто никоҳ тўйида келинни кувёникига кузатиб



боришда куйланадиган ёр-ёр кўшиқлари ҳам куйланган:

Бизлар келдик йироқдан, ёр-ёр-ёронен,
Юрак ўртар фироқдан, ёр-ёр-ёронен,
Доира-думбак овози, ёр-ёр-ёронен,
Хўжайижаҳон ёқдан, ёр-ёр-ёронен.

We came to you from a far away land,
yor yor yoroni.

Our hearts are stung from parting, yor
yor yoroni.

The sound of the drum and band, yor
yor yoroni.

From the sight of Hojaijahon yor, yor,
yoroni [10,130].

Мазкур икки кўшиқнинг ўзбек ва инглиз тилидаги ўгирмалари солиштирилганда, "хуш келибсиз" ва "ёр-ёр-ёронен" сўзларининг транслитерация усулида берилгани ҳамда ушбу этнографизмларнинг мисраларда жойлашишига кўра таҳлил қилинганда эса ўзбек тилидаги бадий ифода воситасининг, яъни радифнинг инглиз тилидаги бошқа бир ифода воситасига, яъни такрорнинг анафора турига кўчгани намоён бўлади.

Қизил гул сайли давомида, шунингдек, ўтганларни ёд этиш, етим-есирларга ғамхўрлик қилиш, ёшларга хушмуомала, ҳақиқатгўй бўлишни ўргатиш, курашчилар ва хунармандларни ҳурмат қилиш туркумидаги кўшиқлар куйланган. Уларнинг намуналари ҳам М.Питерсен томонидан инглиз тилига таржима қилинган:

Чалинмоқда ноғора

The *Noghora* is sounding,

Тандирларда зоғора

Bread is in the *tandir* baking.

Полвонлар курашмоқда

The athletes are wrestling.

Бизники ютса зора.

That ours will win, a bet we're making.

Ҳадисларда ўқилсин

Read it in the *Hadithes*.

Шодон ғазал тўқилсин

We compose poems of good cheer.

Гул сайлига келганда

When we come to the holiday of flowers,
Ғаму андух тўқилсин.

Let all our sorrows disappear [10,132].

Назмий таржимада олима ноғора, тандир, хадис этнографизмларини аслиятдагидек сақлаб, ўзбек тилидаги **а-а-б-а** қофияли мисраларни инглиз тилида **а-а-а-а**; **а-б-а-б** қофияли сўзлар орқали ифодалашга муваффақ бўлган. Бироқ таржимада зоғорани умумий ном билан *bread* деб бергани аёнлашади. Аслида, зоғора нон турларидан бири бўлиб, асосан, маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган [6, 310] нондир. У бугдой унидан ёпиладиган нонлардан таъми билан фарқланади.

Бу байрам халқни ҳамжиҳатликка, тинч-тотув ва аҳил-иноқ бўлиб яшашга даъват этгани билан ҳам кадрлидир. Гул сайларида халқнинг турфа сеvimли таомлари тайёрланган. Ҳатто халқ томонидан уларнинг таърифи келтирилган кўшиқлар ҳам яратилган. Куйидаги кўшиқда ҳар бир таомнинг халқ тилидаги сифати акс этган:

Кочи - полвонларнинг оши,

Kochi - is the food of wrestlers,

Мошоба - эшонларнинг оши,

Moshoba - the food of the mullah,

Ҳалиса - ҳалолларнинг оши,

Halisa - the food of honest folk,

Шўла - шодмонларнинг оши,

The food of happiness is Shula.

Ҳалим - ҳакимларнинг оши,

Halim - is the food of leaders,

Пиёба - етимларнинг оши,

Pioba - the food **orphans**,

Софи - султонларнинг оши,

Sofi osh - is the food of sultans,

Кабоб - хонларнинг оши.

Kabob - is the food of all the Khans

[10,133].

Умуман олганда, гул билан алоқадор "Қизил гул сайли" удуми халқимизнинг қадимий эътиқодий қарашларини, гул билан боғлиқ мифологик тасаввур-тушунчаларини ўзида ифода этади. Худудларнинг



географик жойлашувига кўра, бу удум турлича ном олган ҳамда турли кўринишлардаги ўзига хос ритуаллари билан фарқ қилади. Шунингдек, удумга хос айрим маълумотлар, кўшиқларнинг

инглиз тилига таржима қилиниб, чоп этилгани Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тобора танилиб бораётганидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ кўшиқлари ва термалари. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифлари: Ураева Д., Ражабов Д. - Т.: Мухаррир, 2010.-190 б.
2. Жўраев М. "Қизил гул" сайлининг этнофольклористик таҳлилига доир. –Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент. -2003. -№ 4. — Б. 13-19.
3. Жўраев М. Наврўз байрами. - Т.: Фан, 2009. - 230 б.
4. Маҳмуд Саттор.Ўзбек удумлари. - Т.: Фан, 1993. - 220 б.
5. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. - Т.: Маънавият, 1998. -110 б.
- 6.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.1-жилд. З.М.Маъруфов таҳрири остида. - М.: Русский язык, 1981. - 632 б.; 2-жилд. - 717 б.
7. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: Ўқитувчи, 1991. - 190 б.
8. Farg'ona vodiysining nomoddiy madaniy merosi namunalari, 2012. - 40 b.
9. Intangible Cultural Heritage Elements of Ferghana Valley, 2012. - 40 p.
10. Petersen M. A Treasury of Uzbek Legends and Lore. - Т.: Qatortol-kamolot.2000.-180 p.

Касимова Р. Узбекские традиционные песни, связанные с ритуалами цветов и их перевод на английский язык. В статье посредством сопоставления анализированы английские переводы и выражение этнографизмов в узбекских обрядах и песнях, связанные с цветами. В исследовании темы применялись сопоставительный и описательный методы исследованию.

Kasimava R. Conveying Uzbek traditional songs, connected with flower traditions, in to English. English translations and use of ethnographisms in Uzbek rituals and songs connected with flowers are comparatively analyzed in the article. The theme is analyzed in comparative analytical and descriptive method.



ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ГИПЕРБОЛЕМАНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ, ПСИХОЛИНГВИСТИК, СОЦИОЛИНГВИСТИК ВА БОШҚА АСПЕКТЛАРИ ХУСУСИДА

Қорабоев Жасурбек Баҳодирович,

Андижон давлат университети илмий тадқиқот-изланувчиси

Калим сўзлар: *концептуалитет, фрейм, лингвалитет, лингвабилитет, коммуникабилитет, гиперлингвосфера, гиперлингвалитет, культуросфера.*

Маълумки, тил энг яхши ва қулай мулоқот воситаси сифатида тилда сўзлашувчи /ёзувчилар/га сидқидилдан хизмат қилиб келади, объектив дунё манзараси ҳақидаги билимларнинг шаклланиши, бойиши ва кундалик мулоқотда фикр алмашиб, ўзлаштирилган билимларни онгли қўллашлари учун пухта замин яратади.

Тил бир вақтнинг ўзида мулоқот қуроли сифатида ҳам индивидуал, ҳам умумий тавсифга эга. У мазкур тилда сўзлашувчи /ёзувчи/ жамоа учун, бир томондан, умумий бўлса-да, иккинчи томондан, ўзининг ҳар бир сўзлашувчи /ёзувчи/ вакили учун индивидуал-хусусий жиҳатлари борлиги билан фарқланиб туради. Бунинг сабаби шундаки, тилда сўзлашувчи /ёзувчи/нинг у ёки бу тилдан фойдаланиш лаёқати субъектив асосда бўлиб, идиолектал табиатга эга. Демак, бундай лаёқат, авваламбор, унинг тилдаги билимлари қамрови(яъни *лингвосфераси-linguosphere*)га, унинг тил бўйича билимлари мажмуаси, (яъни *лингвалитети - linguality*), шундай билимларни қўллаш билиш лаёқати (яъни *лингвабилитети – linguability*), шунингдек, унинг мулоқот олиб бориш бўйича билимлари мажмуаси(яъни *коммуникалитети- communicability*), қолаверса, мазкур билимлардан мулоқотда онгли ва тўғри фойдалана олишлик ва мулоқотни адекват олиб бора олишлик лаёқати (яъни *коммуникабилитети- communicability*) (Ҳошимов 2015; 214-218) билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Ҳар бир тилда сўзлашувчи/ёзувчи объектив (ёки субъектив) борлиқ ҳақида ўзгалар билан мулоқотга киришиш олдидан ўзининг тафаккуридаги шу борлиқни инъикос қилишга асос бўлган, *фреймлашган*¹ концептлар йиғиндиси, яъни концептосфераси, шунингдек, концептуал билимлари мажмуаси, яъни **“концептуалитети”**(Ҳошимов 2010, 68-69) имкониятларини инобатга олади. Ўзининг у ёки бу концептуал воқеликка дахлдор рухий кечинмалари ва туйғуларига асосланган ҳолда уларни тилда воқелантиришга ҳаракат қилади. Ўзининг лингвосфераси ва лингвалитети ва лингвабилитетини ишга солади, шу йўсинда сўзловчи ёки ёзувчининг нутқи мураккаб психоллингвистик жараён натижаси сифатида шаклланади ва коммуникантга қараб йўналтирилади. Шундай усулда нутқ акти амалга оширилади.

Демак, ўзбек тили кўпчилик учун умумий тил ҳисобланса-да, мазкур тилда сўзловчи /ёзувчилар/да керакли мулоқотлар олиб бориш имкониятлари ҳар хил бўлиши табиийдир. Ҳар бир тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг у ёки бу тилда мулоқот олиб бориш лаёқати унинг концептосфераси ва концептуалитетининг тор ёки кенглигига, шунингдек, унинг коммуникабилитетига ҳам бевосита боғлиқ. Бундай омилларнинг барчаси ҳар бир тилда сўзлашувчи/ёзувчи/нинг идиолектини ташкил этади.

¹ Фреймлар ва фреймлашув жараёни ҳақида батафсилроқ қаранг: Филлм



Шу нуқтаи назардан олганда, бир тилда сўзлашувчи /ёзувчи/лар ундан фойдаланаётганларида унинг индивидуал ва умумий жиҳатларини келтириб чиқарувчи икки муҳим омил, яъни лингвистик ва нолингвистик омиллар борлигини эътироф этишлари жоиз.

Бир томондан олиб қараганда, лингвистик омиллар тилда сўзлашувчиларнинг тил бўйича (хусусан, гиперболемалар ² бўйича) билимлари камрови, яъни лингвосфераси (тўғрироғи, *гиперлингвосферасу-hyperlinguosphere*), қолаверса, мазкур билимлар йиғиндиси, мажмуаси, яъни лингвалитети (тўғрироғи, *гиперлингвалитети -hyperlinguality*) ва уни тўғри қўллай олиш, яъни коммуникатив-прагматик жиҳатдан уларни мулоқотда адекват қўллай олиш лаёқати (яъни *гиперлингвабилитети-hyperlinguability*) ва у билан боғлиқ бир қатор бошка омиллар³ билан узвий боғлиқ. Иккинчи томондан олиб қаралганда, сўзлашувчи /ёзувчи/ ўз билимларини (хусусан, гиперболемалар бўйича билимлари мажмуаси, сўзлашувчининг гиперболемаларнинг структурал-семантик, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик, лингвостилистик жиҳатлари бўйича билимлари) бевосита тилда қўллаётганда нолингвистик омилларнинг когнитив, психологик ва социологик аспектлари ҳам лингвистик аспект билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш жоиздир. Бундай ҳолат гиперболемаларни тадқиқ қилишда уларнинг нафақат лингвистик (*структур-семантик, функционал коммуникатив-прагматик*) ва лингвостилистик жиҳатлари (*бўёқлари,*

функциялари, конвергенцияси), балки лингвокогни-тив, психолингвистик, социолингвистик ва лингвокультурологик жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, гиперболемаларнинг лингвистик жиҳатлари уларни вокелантирувчи вербализаторларнинг лисоний белгилик хусусиятлари, структурал-семантик жиҳатлари ва уларнинг мулоқотда қўлланиш қонуниятлари билан боғлиқ экан.

Гиперболемаларнинг лингвокогнитив жиҳатлари эса сўзлашувчи/ ёзувчиларнинг онгида, тафаккурида мавжуд бўлган универсал концептуал семантика, хусусан, “*муболага концептуал семантика*”си мазкур эмик бирликларнинг лингвокогнитив асосини ташкил қилишини эътироф этиш билан тушунтирилади (Қиёсланг: Вежбицкая 2001, 152).

Ҳар қандай концептуал семантика каби, “*муболага*” концептуал семантикаси ҳам мулоқот учун зарур бўлган семантикалар сирасига киради, чунки усиз (яъни мазкур семантика тил воситалари орқали вокелантирилмаса) мулоқот талаб даражасида кечмайди, тўлақонли бўлмайди.

Шуниси эътиборга молиқки, ҳар бир концептуал семантика, шу жумладан, “*муболага*” концептуал семантикаси ҳам, тилда сўзлашувчилар коммуникатив (*мулоқот*) мақсадлари (*интенциялари*) билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни амалга оширишга бевосита хизмат қилиши умумлисоний қонуниятдир. Онгдаги, тафаккурдаги ҳар қандай концептуал семантика тилда уни вокелантирувчи махсус воситалар, яъни вербализаторлар (*репрезентантлар ёки воқелантирувчи воситалар*) бўлишини сўзсиз тақозо этади.

Тадқиқ қилинаётган эмик бирлик саналмиш “*гиперболема*”ларнинг ўзига ҳос психолингвистик жиҳатлари ҳам борки, улар ёрдамида мазкур

² Муболагалашган семантикага эга бўлган эмик бирлик «гиперболема» ва этик бирлик “гипербола”хақида батафсилроқ қаранг: Карабоев 2015, 74).

³ Бу ерда тилда сўзловчининг “*коммуникасфераси*” (мулоқот олиб бориш бўйича билимлар камрови), “*коммуникалитети*” (коммуникация олиб бориш бўйича малака ва кўникмалари йиғиндиси) ва “*коммуникабилитети*” (коммуникация олиб бориш бўйича малака ва кўникмалардан фойдалана олиш лаёқати)(Хошимов 2015, 178) каби омиллар ҳам мавжуд.



бирликларнинг тилда сўзловчилар нутқида эмик бирлик, яъни “гипербола” бўлиб қўлланиши ва уларнинг функционал тавсифи ва таснифи масалалари тадқиқ қилинади. Демак, гиперболамаларни нутқда қўллаш учун уларнинг тил унсури сифатида шаклланиши ва қурилишида шундай бир муҳим психологик (тўғрироғи, психоллингвистик) вазият ва омил зарурки, улар гиперболамалар вербализаторларининг тегишли турини мулоқот эҳтиёжига кўра танлашга, уни тўғри қўллашга туртки беради ва бунга эришилади ҳам. Кўриниб турибдики, гиперболамаларнинг психоллингвистик аспекти ҳам тилда сўзловчилар коммуникатив-прагматик мақсадларини рўёбга чиқаришга бевосита хизмат қилар экан. Демак, коммуникатив-прагматик мақсадлар психологик вазиятда тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг кайфияти, нияти ва мақсадини айнан мулоқат учун хос ва мос қилиб воқелантириш учун туртки вазифасини ўтайди, шу йўсинда мулоқат эҳтиёжига кўра тил унсурлари танланади, қурилади ва қўлланилади, шундай равишда ботиний нутқ зохирий нутққа айланади (қиёсланг: Леонтьев 1969, 159; Бенвенист 1974, 31; Ван Дейк 1989, 137; Кубрякова 1991, 18; Langacker 1986, 1-2; Сафаров 2006, 18 ва ҳ.к.).

Таниқли тилшунос Ш.Сафаров таъбири билан айтганда, «моддий дунё идроки айни пайтда идрок этилаётган предмет–ходисалар ҳақида тушунча туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна – *концепт* сифатида шаклланиб, моддий ном олишини тақозо қилади. Бу хилдаги кўп босқичли *лингвопсихик фаолиятнинг натижалари* (натижа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишидан қатъи назар) кечишида асосий ролни *лисоний хотира ўйнайди*» (Сафаров 2006;18).

Демак, бу маънода олинганда бундай кўп қиррали “*лингвопсихик жараён*”нинг у ёки бу даражада кечишида тилда сўзловчининг “*лингво-*

сфераси”, “*лингвалитети*”, “*лингвабилитети*” билан бирга унинг “*коммуника-сфераси*” коммуникатитети” ва “*коммунабилитети*” билан, бевосита боғлиқ бир қатор бошқа бетакрор омиллар, яъни “*культуросфера*”, “*культура-литет*”, “*культурабилитет*” (Ҳошимов 2015, 216) каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз ва ўзбек тилларида муболаға бўйича фактик материалларнинг таҳлили шуни тасдиқлайдики, муболағалашган семантикали тил бирликлари, турли қурилмалар тилда сўзловчи /ёзувчи/нинг табиий *руҳий* ҳолатини ифодалашга бевосита хизмат қиладиган вербал воситалардир. Уларнинг муболаға орқали ҳиссиёт, эҳтирос, ҳаяжон ва шулар каби турли ички кечинмаларни ифодалаш имкониятлари чексиз. Масалан, муболаға орқали куйидаги сезги, ҳислар ва ички кечинмаларни воқелантириш мумкин: севги, муҳаббат, ишқ, нафрат (*ёмон кўришлик, кўра олмаслик*), ҳайратланиш, ажабланиш, ёлғизлик, бирга азият чекиш, қувониш, ғазабланиш, қаҳрамонлик, сотқинлик, гўзаллик, хунуклик (*беўхшовлик*), қобилиятлилик, қобилиятсизлик, қудратлилик, ожизлик, дўстлик, душманлик, ўхшатиш, ажратиб кўрсатиш, завқланиш, азобланиш, изтиробга тушиш, тўлқинланиш, камситилиш, мақталиш ва ҳ.к.⁴.

Одатда, тилда сўзлашувчилар ёки ёзувчилар ўзларининг турли табиий *руҳий* ҳолатларидан, ички кечинмаларидан келиб чиқиб, шундай тил воситаларига мурожаат қиладиларки, улар бундай вербал воситалар орқали объектив дунёдаги воқеа, предмет ва ходисаларнинг энг кучли даража ёки микдорининг тавсифини таъсирчан ва тўлақонли қилиш мақсадида муболағалаштириб ифодалашга эришадилар. Мазкур вербал воситалар тилда сўзлашувчиларнинг

ҳар бир ёзма шаклдаги фикр тиниш белгиси билан бойиган пайтда тиниш белгиларсиз матндан бирор фикр чиқариш анча мушкул. Тадқиқотчилар қадимги ёзма ёдгорликларда ҳозирги тиниш белгиларининг йўқлигини ўша давр ўқувчиларининг ёзилган фикрни тўғри англай олиш кўникмалари мавжудлиги билан изоҳлайдилар. Бундан шундай хулоса чиқадики, гапнинг чегараси матндаги фикр тугаллигига қараб аниқланган. Бу эса, ўрганилаётган давр тили грамматикасини билишни талаб этади. Буни кўк турк ёзувли матнларда қўлланган икки нукта (:) мисолида кўриб чиқсак:





B'ILGÄ:TOŃQQ:B'N'O'ZM:TBĞČILNÄ:QI LNTM (Малов 1951:56). Билга Тўнюкүк битигидан олинган мисолни С.Е. Малов куйидагича транскрипция ва таржима қилади: *Bilgä Toñuquq bän özüim Tabğaç ilinä qilintim* – “Я сам, мудрый Тоньюкүк, получил воспитание под влиянием культуры народа табғач” (Малов 1951:61,64). Қ. Содиқов эса ўзгача талқин этади: *Bilgä Toñuquq-bän. Özüim Tabğaç älinä qilintim* – “Билга Тўнюкүк-ман. Ўзим Табғач элида вояга етдим” (Sodiqov 2009:290,294). Биринчи таржимада кўпроқ график принцип устун. Иккинчиси мантиқ ҳамда гап қурилишига таянган ҳолда амалга оширилган. Шунга кўра, юқоридаги мисолдан кўк-турк ёдгорликларида қўлланган икки нукта (:) ҳар доим ҳам жумла ва сўзларни бир-биридан ажратмаган, нукта вазифасини бажармаган, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Икки нукта(:)нинг яна бир вазифаси – матнда сўзларни, қўшимчаларни бир-биридан ажратиш. Бунга “Сужи битиги”дан мисол келтирамиз: UYĞUR:Y'İR'N'T'Ä:YĞLQR:QN:TA:KL'T' M (Малов 1951:76). Жумлани С.Е. Малов куйидагича ўгиради: *Uyğur yirintä Yağlaqar qan ata kältim (?)* – “Я, Яглакархан-ата, пришел из уйгурской земли (*или ...* из уйгурской земли, называемой Яглакархан; *или ...* из уйгурской земли от Яглакар-




хана; по Г. Рамстедту: я пришелец в земле уйгурской)” (Малов 1951:76-77). Қ. Содиқов матнни қуйидагича талқин этади: *Uyğur yerintä Yağlaqar qanta kel(tim)* – “Уйғур ерига Яғлақар хон(юрти)дан келдим” (Содиқов 2009:64-66). Бу ўринда икки нукта (:) чиқиш келишиги (-ta)ни ўзи қўшилиб келган сўздан ажратган.

Кўк турк ёзувли матнларда икки нукта (:) билан бир қаторда бир нукта (•) ҳам ишлатилган. Мисол учун, “Ирқ битиги”да ушбу белги (қизил сиёҳда ) сўзларни, жумлаларни бир-биридан ҳамда қўшимчаларни сўзлардан ажратишга хизмат қилган: T'N':S'I':MN':YRN:KIČÄ:LTUN:ÖR'GİN':Ü ZÄ:OLURPN:MÖİL'Y'ÜR':MN':NČA:BİLİ DL'R':D'GÜ:OL (Tekin 1993:75) – *Tänsimen. Yarın-kečä altun örgin üzä olurupan, meñiläyür-men. Anča biliñlär, edgü ol* (“Танси (“осмон ўғли”, хит. император) ман. Эртаю кеч олтин тахт узра ўтириб, шодланаман. Шундай билинлар [бу иш] яхшидир”).


Кўк турк ёзувли ёдгорликлар орасида турли ишоратларга бой бўлгани, шубҳасиз, “Ирқ битиги”дир. Асардаги бўлимлар бир-биридан қора сиёҳли қўшалок келган бир () , икки () , уч () , тўрт () кичик думалокларнинг тизими билан ажратилган. Думалокларнинг ичи қизил сиёҳда. Бу тартибга асарнинг бошидан охиригача амал қилинган. Асарнинг бош ва охирида хитойча матн бўлиб, қўлёманинг 56 b-57a варақларида кўк турк ва хитойча матн устма-уст битилган. Улар бир-бири билан турли ранглар билан ажратилган: хитойча матн қорада, туркийси қизил сиёҳда. Асарнинг ҳар бир бўлими янги қатордан бошланган.

Турли ишоратлар уйғур ёзувли матнларда ҳам қўлланган. Монийчилар тавбаномаси “Хуастуанивт”нинг Санкт-Петербург қўлёмаси (SI D1 (SI 3159) анча эътибор билан, уйғур хатининг классик услубида битилган. Матн қора сиёҳда. Жумлаларни ҳамда қўшма гапларни ажратишда қизилда битилган қўшалок

икки нукта () бажарган: ... *Törtünč söki t(ä)ñri y(a)lawaçi burxanlarqa buyanči bögtägçi ariğ dintarlarqa bilmätin näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kirtü t(ä)ñri yalawaçi burxan[qa?] tipän ädgü qilinçl(i)ğ ariğ dintar tip kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñri nomın sözläsär biligsizin ötrü üzänd(i)m(i)z ärsär : nomuğ törüg yadturmatin tidt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı ökünür-biz yazuqda boşunu öt[ünür]-biz : M(a)nastar xirza ... [25-31 сатрлар] – “... Тўртинчи (бўлим). Бурунги тангрининг элчиси бурхонларга, тақводор, пок роҳибларга билмай туриб қанча ёзуқ қилган бўлсак, яна тангрининг садоқатли элчиси бурхонга деб, эзгу қилмишли пок роҳиб деб эътиқод қилмаган бўлсак, тангрининг қонунларини [яъни қутлуғ китобдан] сўзлаганда, билимсизлик билан унга қарши чиққан бўлсак, қонун-қоидаларни ёйиш ўрнига уларни тийган бўлсак, тангрим, энди ўқинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!” (Содиқов 2009:86-87,93-94; солиштиринг: Тугушева 2008:71).*

Асар 15 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим тугашидан сўнг икки энлик



очик жой () қолдирилган. Шундан сўнг кейинги бўлим бошланган. Бўлим бошланиши ва тугашида жумлани ажратувчи қўшалок нукта қўйилган.

Қўлёмза ўрама китоб шаклида бўлиб, матн ҳар икки четдан текисланган. Матн эстетик жиҳатдан чиройли чиқиши ҳамда варақни тўлдириб туриши учун қатор охиридаги баъзи ҳарфлар чўзиб ёзилган. Буни қўлёманинг 33-36, 38-41, 43-45 ва бошқа қаторларида учратиш мумкин (қўлёмзага солиштиринг: Тугушева 2008:72-73).



Кўлёманинг асосий матни қорада. Матннинг сўнги 159-160 қаторларидаги тарих эса қизилда битилган.

Турк-моний ёзуви ёдгорликларда ҳам матнни тушуниш учун ишоратлар қўлланилган. Жумладан, “Хуастуанивт”нинг Лондон нусхаси (Ог. 8202 (178) ҳам ўрама қоғоз шаклида китобат қилинган бўлиб, унда қўлланган кўш нукта асарнинг уйғур ёзуви Санкт-Петербург нусхасидаги каби гапларни, бўлимларни бир-биридан ажратиш учун хизмат қилади. Нукталарнинг ёзилиши ҳам бир хил: қора сиёҳдаги нукталар қизил думалокқа олинган. Асосий матн эса қора сиёҳда.

Икки нукта кўринишидаги белгини “Хуастуанивт” асарининг уйғур ҳамда моний ёзуви узиндиларида ҳам учратиш мумкин.

Умуман олганда, матнда қўлланган мазкур белгилар табиатига кўра барча турдаги матнларда учрамайди. Жумладан, илк ва ўрта асрларда яратилган васиқа, олди-берди шартномаларида бу каби ишоратлар йўқ. Уларни ўқиган ўқувчи матн мазмунидан гапни, фикрни ажрата олган.

Ушбу кўлёмаларда икки, баъзида уч рангдаги сиёҳдан фойдаланилган. Бу

берилган жумлаларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Ушбу ҳолат, ўрни билан, ҳозирда ишлатилаётган кўштирноқ, хат боши, бўлим номи кабиларнинг функциясини бажаради.

Ҳозир қўлланилаётган пунктуацион белгилар матнда жумлаларни, сўзларни бир-биридан нукта, вергул, кўштирноқ, икки нукта ва бошқа белгилар билан ажратади. Булар ўқувчига матнни қандай қилиб ўқиш ва тушунишга ёрдам беради. Пунктуацион белгилар ишлатилган матнни ўқиган ўқувчи қийналмасдан фикрни тушунади ва матн мазмунини англайди. Қадимги туркий матнларда бундай пунктуацион белгилар қўлланмаган бўлишига қарамай, уларда ўқувчи учун матнни англаш ва ундаги фикрни тушуниш учун турли ишоратлардан фойдаланилган. Буларга матннинг турли рангларда берилиши, матн ости ва усти белгилари, матн орасида жой қолдириш, сўзлар орасида турли белгиларнинг ишлатилиши ва бошқаларни келтириш мумкин. Бундай белгилар ўқувчига матн қандай тузилганлигини идрок этишга кўмаклашган. Шу орқали ҳар бир ўқувчи матндан англашилган фикрни тушунган.

Адабиётлар

1. Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.,-Л. 1951.
2. Назаров 1976 – Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. -Тошкент. Ўқитувчи. 1976.
3. Назаров 1996 – Назаров К., Эгамбердиев Б. Ўзбек тили ишора-имло қоидалари (пунктуация). -Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
4. Содиқов 1997 – Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). -Тошкент. “Маънавият”. 1997.
5. Содиқов 2009 – Содиқов Қ. Эски туркий битиклар.-Тошкент. 2009.
6. Sodiqov 2009 – Sodiqov Q. Turkiy til tarixi.-Toshkent. 2009.
7. Содиқов 2010 – Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзуви Ҳирот нусхаси. - Тошкент. 2010.
8. Тугушева 2008 – Хуастванифт. (Манихейское покаяние в грехах). Предисловие, транскрипция уйғурского текста, перевод Л.Ю. Тугушевой. Комментарий А.Л. Хосроева. Факсимиле текста. Санкт-Петербург: Нестор-История, 2008.
9. Tekin 1993 – Tekin T. Irk Bitig: The Book of Omens, Harrassowitz Verlag, Wiesbaden. 1993.
10. Шоабдурахмонов 1953 – Шоабдурахмонов Ш. Пунктуация қоидалари. Тошкент. 1953.



11. Шоабдурахмонов 1959 – Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. - Тошкент-Наманган. Фан. 1959.
12. Ғозиев 1969 – Ғозиев Ҳ.Ғ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Тошкент. Фан. 1969.
13. Ғозиев 1979 – Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти (пунктуацион белгилар, уларнинг вазифалари ва қўлланиш асослари).-Тошкент. Фан. 1979.

Алимухаммедов Р. Определение пунктуации в древнетурецких памятниках и текстах. Проблема пунктуации имеет важную роль в лингвистике. В узбекской лингвистике вопрос пунктуации изучена всесторонне. Несмотря на это, роль пунктуации в древнетюркских памятниках изучена неполно. В данной статье раскрывается проблематика пунктуации древнетюркских памятников с помощью рукописных источников. В нем анализируются пунктуационные и служебные знаки для понятий текста.

Alimuxammedov R. The punctuation marks, which helps to understand old Turkish. The problem of punctuation has an important role in linguistics. In the Uzbek linguistics problem of punctuation was studied comprehensively. Despite this, the role of punctuation in the ancient Turkic monuments studied incompletely. In this article is exposed the problems of punctuation of ancient Turkic monuments by using manuscript sources. The punctuation and service signs to understanding of the text are analyzed in it.



АВТОЙЎЛСОЗЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ШАКЛИЙ СТРУКТУРАСИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Валиев Тўйчи,

Қарши ДУ мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: *автойўлсозлик, лексик лакуна, терминосистема, атама тизими, содда термин, қўшма термин, жуфт термин, бирикма термин, икки узвли мураккаб термин, уч узвли мураккаб термин, тўрт узвли мураккаб термин, беш узвли мураккаб термин.*

Терминлар бошқа тил бирликларидан таркибий тузилмасининг мураккаблиги билан характерланади. Масалан, умумнутқда сўз бирикмаси шаклидаги бирликларнинг мустақил атов бирликлари сифатида қўлланилиши камдан-кам кузатилади. Айрим ҳоллардагина лексик лакуналар билан боғлиқ равишдаги бундай қўлланишларга дуч келишимиз мумкин [6, 258; 1, 215; 18, Б.49; 2; 5, 136-146; 9, 129; 10, 40-45; 11; 12, 77-83; 13, 3]. Лекин соҳавий нутқда бундай ҳолатлар кўплаб учрашига луғатлар асосида амин бўлиш мумкин: *давлат банкининг қимматли қозғаларнинг баҳосини эълон қилиши; минимал частотавий силжишли Гаусс манипуляцияси, вақт бўйича ажратилган дуплекс узатиш, соҳанинг эълон қилинмаган қайта танланиши, ахборотни (сигнални) қўлга киритишнинг кам-кам эҳтимоллиги*⁶. Бу ҳолат тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, бироқ терминлар жамиятнинг тор қатлами учун хослиги ва, аксарият ҳолларда, мавжуд тил воситалари, бирикмалар асосида ижод қилиниши билан боғлиқдир. Шунингдек, терминларнинг фақат соҳавий нутқда учраши, ўз-ўзидан, уларнинг кам

қўлланишини келтириб чиқариб, лисоний бирликлар сифатида умумистеъмол тил бирликлари каби "силлиқланмаслигига" сабаб бўлади ва бу терминосистемада мавжуд терминларнинг аксариятида формал-семантик номувофиқликка сабаб бўлади. Зеро, айтилганидек, бундай терминларда шаклан эркин бирикмалик, маъновий жиҳатдан эса яхлитланиш, муайян бир тушунчани ифодалаш тенденцияси устувор бўлади. Автойўлсозлик терминосистемасида ҳам бундай ҳолат яққол кўзга ташланади.

Кўп ҳолларда сўзларни, айниқса, терминларни шаклий жиҳатдан турларга ажратганда, бирдан ортиқ ўзакдан ташкил топган бирликларга нисбатан *қўшма, жуфт, мураккаб, таркибли, бирикмали, бирикма* терминлари ишлатилаверади.

Ўзбек техник терминологиясида баракали хизмат қилган тилшунос Р.Дониёров терминларни тузилишига кўра ўзига хос тарзда таснифлайди. У бирдан ортиқ лексик узвдан ташкил топган терминларни синтактик йўл билан ҳосил бўлган терминлар сифатида қарайди. Ўзбек тилининг техник терминологиясида яқка сўзли терминларга нисбатан синтактик усул билан ҳосил бўлган терминлар анча салмоқли ўринни эгаллайди. Бунинг боиси нимда? Бунинг сабаби шундаки, синтактик усул билан ясалган терминлар барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам муҳим номинатив манба саналади. Бунда олим тилшунос А.Н.Кожиннинг уларда

⁶ Мисоллар тадқиқотчи Х.Нарходжаеванинг "Жараён англаувчи терминларнинг ўзбек тилида туган ўрни" (- Тошкент: Фан, 2013) монографиясидан олинди.



ифодаланаётган у нарсанинг белгиси шундоққина ифодаланиб туради, улар билишсизликдан билиш сари ҳаракат жараёнида ижтимоий маълумотларни мустаҳкамлашда "сўздан иборат тўсиқни ошиб ўтишга ёрдам беради" деган фикрига методологик асос сифатида таянади [2, 97]. Олим синтактик усул билан ҳосил бўлган техник терминларни **от+от**, нисбий **сифат+от**, **сифатдош+от**, **жараён номи+от** типигаги кўринишларга бўлади. **От+от** типигаги терминларни I тип изофали, II тип изофали, III тип изофали турларга ажратади. Тилшунос бу терминларни ясашиш жиҳатидан синтактик усул билан ясалган ва тузилиш жиҳатдан кўшма терминлар номи билан атайди [2, 148].

Р.Дониёровнинг юқоридаги таснифларида айрим эътиборга молик жиҳатлар кўзга ташланади. Биринчидан, у синтактик усул билан ясалган терминлар сирасида феъл туркумига мансубларини ажратмайди. Иккинчидан, олим айрим синтактик усул билан ҳосил бўлган терминларнинг қолипларини морфологик (масалан, **от+от** типигаги), баъзиларини семантик (**жараён номи+от**) асосда белгилайди.

Умуман олганда, тилшунос Р.Дониёров терминларни тузилиш жиҳатидан содда ва кўшма турларга ажратади.

Тилшунос Н.Қосимов "Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари" (Сўз ўзлаштириш ва аффиксация масалалари) асарида бирдан ортиқ компонентли терминларни кўшма, жуфт ва гибрид турларга ажратади. "Ўзбек тили лексикасида илмий-техникавий тушунчаларни ифодаловчи кўшма терминлар салмоқли ўрин эгаллайди... Умумтилшуносликдаги **"кўшма сўзлар"** (**собственно-сложные слова**) терминига қиёсан терминологик системалардаги худди шу типдаги, яъни икки ва ундан ортиқ мустақил термин ёки терминологияларнинг ўзаро қўшилиб ҳосил қилинган янги лексик бирлик - янги

яҳлит терминга "кўшма термин" бирикмасини кўллаш мақсадга мувофиқдир"[14,47]. Бунда В.В.Виноградовнинг "сўз яшаш" соҳасида тилнинг ички ривожланиш қонунлари, айниқса яққол кўринади. Янги сўзларнинг ясашиши тилда аллақачон барқарорлашган ёки янги ўзакларнинг ажралиши ва янги аффиксал унсурларнинг кўлланилиши билан, шунингдек, сўз яшаш системасининг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ҳолда янгидан вужудга келаётган моделлар ҳамда сўз яшаш типлари бўйича амалга ошади" [3, 155] деган методологик табиатли фикрига таянган ҳолда иш тугади. Шу билан биргаликда, Н.Қосимов кўшма терминларнинг кўшма сўзлардан айрим жиҳатлари билан фарқланишини ҳам таъкидлайди. "Масалан, кўшма сўзлар барча мустақил сўз туркумлари доирасида амал қилиши мумкин. Кўшма терминлар эса асосан от туркуми доирасида амал қилади, кўшма сифатлар фақат терминэлемент, яъни бирикма терминнинг аниқловчи компоненти сифатидагина қаралади. Бу ерда шунини қайд этиш керакки, отдан бошқа сўз туркумларининг термин бўла олиши потенциал бўлиб, улар айрим олинган ҳолда термин бўла олмайди. Уларнинг терминологик характери контекстда аниқланади, масалан, феъллар бирикмалар таркибида ҳам термин бўла олмайди [14, 48]. Бунда олим қатор олимларнинг фикрларига методологик асос сифатида таяниб, тадқиқотчиларнинг мулоҳазаларини "улар фақат терминларнинг нутқий субститутларидир, фикрни ифодалаш воситаларидир, бироқ воқеа-ҳодисаларнинг номи бўла олмайди" тарзида умумлаштиради ва уларнинг ишларига ҳавола беради [7; 8; 17]. Китобда *темир йўл, музёра, устқурма, беш йиллик, учбурчак, гидролиз, антиоксидловчи, антикосинус, автобаза, автобензин, кинокомедия, карбонводород, электростанция* каби кўшма терминлар сифатида қайд этилади. Н.Қосимов фикрларига қўшилган ҳолда, эътироз сифатида феъл терминлар ҳам



терминосистемаларда кўплаб учрашгани айтиб ўтиш лозим. Масалан, автоўлсозлик терминологиясида *бургилаш, текислаш, шиббалаш, пайвандлаш* сўзлари терминологик моҳиятга эгаллигини кўришимиз мумкин.

Олим кўшма терминларнинг бир кўриниши сифатида гибрид терминларни ажратади. "Гибрид терминлар ўзбек илмий-техникавий терминологиясида кейинги йилларда пайдо бўлган янги типдаги кўшма терминлардир. "Гибрид" сўзи кенг маънода "турли тил элементларидан тузилган "дурагай" сўзлардир [1, 98]. Масалан, физикадаги квазизарралар термини гибрид сўз бўлиб, у лотинча *quasi* (сохта, ёлғон) сўз формаси ҳамда ўзбек тилидаги *зарра* сўзининг кўшилишидан ясалган. Демак, ўзбек терминологиясидаги гибрид кўшма терминлар, асосан, интернационал терминэлементлар сифатида грекча ва лотинча префиксал характерга боғлиқ морфемаларда иштирок этади. Масалан, авиасаноат, аэрофотосурат, гидротузлар, ультратовуш сингари гибрид кўшма терминларнинг биринчи компонентлари (*авиа-, аэро-, гидро-, ультра-*) ана шундай интернационал терминэлементлар, иккинчи компонентлари эса ўзбекча сўзлардир" [14, 56]. Н.Қосимовнинг фикрларига кўшилган ҳолда, ундаги айрим эътирозли нуқталарни ҳам қайд этиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки мазкур гибрид терминлар иккинчи компонентларининг барчаси ҳам, албатта, ўзбекча сўзлар эмас. Масалан, *саноат, сурат, зарра* каби сўзлар ўзлашма қатлам бирликларидир. Кейинги узвлари ўзбекча сўзлар бўлган гибрид терминлар автоўлсозлик терминосистемасида ҳам кўплаб учрайди, албатта. Масалан, *автоўл, автоўлсозлик, автоҳаракат, автоҳалокат* каби.

Олим жуфт терминларни ҳам ажратади. "Икки мустақил лексик маъноли компонентларнинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, умумлаштириш, жамлик каби маъноларни ифодаловчи сўз - жуфт терминдир. Жуфтлашувчи қисмлар

орасидаги тенглик муносабати ёзувда дефис билан кўрсатилади. Талаффузда бу қисмлар тенг фонетик чўққига эга бўлади, айтилиш вақтида, иккинчи ягона лексик урғу ёрдамида лексема бўлиб бирлашади" [14, 68]. Тилшунос *электрон-оптик, зичлагич-планка, тўқима-трикотаж, универсал-чопиқ* каби терминларни бунга мисол сифатида келтиради. Бундай мисоллар автоўлсозлик терминологияси тизимида ҳам учраб туради. Масалан, *битумли-грунтли, цемент-тупроқли, шлак-тупроқли, қатрон-бетонли, қум-асфальт-бетонли қоплама* каби.

Биз улардан терминларга нисбатан *бириқма* атамасини қўллашни маъқул кўраемиз.

Мураккаб терминини қўллаш маъқул эмаслигини бир неча сабаблар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, сўзлар каби терминлар ҳам шакл ва маъно бирлигидан иборат. Шу боисдан *мураккаб* атамаси қўлланганда терминнинг шаклининг ҳам, маъносининг ҳам мураккаблиги тушунилиши мумкин. Бу эса масала моҳиятининг яққол ифодаланмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, *мураккаб* атамаси сўзларга нисбатан қўлланганда, уларнинг ўзаклари миқдорига асосий эътибор қаратилади. Бу ҳолда бирдан ортик ўзакдан ташкил топган, кўшма сўз ҳолидаги терминлар ҳам, сўз бирикмаси шаклидаги терминлар ҳам англашилиши мумкин. Ҳолбуки, кўп ҳолларда *мураккаб* атамаси остида бирикма шаклидаги терминлар назарда тутилади.

Шунингдек, *бириқмали термин* атамасида ҳам маълум даражада мантикий хатолик бордек туюлади. Маълумки, *-ли* кўшимчасида "бирор нарсага эга" маъноси ҳам мавжуд бўлиб, *бириқмали термин* деганда, ўз-ўзидан, термин бирор-бир бирикмага эга деган маъно уқилади. Шунинг учун *бириқма термин* атамасини қўллаш ҳар жихатдан қулай.

Айтилганлар асосида биз автоўлсозлик терминларини шаклий



структурасига кўра дастлаб тўрт йирик гуруҳга ажратишни маъқул кўрамиз: -

- а) содда терминлар;
- б) кўшма терминлар;
- в) жуфт терминлар;
- в) бирикма терминлар.

Содда терминлар. Содда терминлар бир ўзақли бўлиб, уларда шаклий-маъновий яхлитлик кўзга ташланади. Мисоллар: *бурғилаш, шиббалаш, сачратмоқ, қирқиш, чопиш, планировка, планировкалаш, режалали, бўлиш, майдалаш, шоссе, итир, активатор* (кимёвий реакцияни тезлаштирувчи ва ферментларнинг таъсирини кучайтирувчи модда), *присадки* (қўшимчалар), *пушонка* (сўндирилган оҳак кукуни), *кипелка* (сўндирилмаган оҳак (қайнатма), *портландцемент, цемент, антисептик, арматура, чувиқ, гидроизол, изол, мастика* кабилар фикримизнинг далилидир. Содда терминларнинг от туркумига мансубларининг аксарияти ўзлашма қатламга мансуб бўлиб, асосан феъл туркумига мансубларигина ўз қатлам бирликларидир. Бироқ феъл термин-лексемаларнинг асос қисмлари (ўзақлари) аксар ҳолларда ўзлашма қатламга оид. Демак, шу асосда содда терминларни дериватив хусусиятлари асосида икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) содда туб терминлар: *сачратмоқ, қирқиш, чопиш, планировка, бўлиш, шоссе, итир, активатор, присадки, пушонка, кипелка, портландцемент, цемент, антисептик, арматура, чувиқ, гидроизол, изол, мастика* каби.

б) содда ясама терминлар: *асфальтлаш, бетонлаш, бетонли, чувиқли, шиббалаш* каби.

Кўшма терминлар. Кўшма терминлар бирдан ортиқ ўзақнинг тўла-тўқис кўшма сўзга айланишидан ҳосил бўлади. Автоўлсозлик терминлари тизимида кўшма терминлар кўплаб учрайди. Улардан айрим мисоллар I келтирамиз: *қаламтўсин, сувтўсиқ, пардадевор, равоққулф, чоктўлдирма, қозиқоёқ, музкесар, устўрнатма,*

тагтиралма, девустун, аетотранспорт, автоўл, автоўлсозлик, йўлсоз каби.

Жуфт терминлар. Жуфт терминлар автоўлсозлик атамалари тизимида кам учраши маълум бўлди. Улардан айрим мисоллар келтирамиз: *битумли-грунтли, цемент-тупроқли, шлак-тупроқли, қатрон-бетонли, қум-асфальт-бетонли* каби.

Бирикма терминлар. Айтилганидек, барча терминосистемаларда бирикмали терминлар миқдорининг устуворлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат автоўлсозлик терминосистемасига ҳам бирдай дахлдор дейиш мумкин.

Бирикма терминлар, бошқа мураккаб лексемалар каби бирдан ортиқ лексик бирлик (ўзақ) лардан ташкил топади ва кўп ҳолларда бирикма ҳолатида бўлади. Мисоллар: *ёй биссектрисаси, ёйлар орасидаги тўғри чизиқ, йўл қопламаси, йўл пойи, йўл четидаги ариқ* (кювет), *клотоид ёй, пландаги эгрилик чизиги, ёрдамчи ёй, вертикал бўйлама кесим юзидаги ёй* (чизиқ кривая в продольном профиле (вертикальная)), *бир қатор айланма эгри чизиқдан иборат бўлган ёй* (кривая коробовая), *айланма эгри чизиқ* (кривая круговая), *асосий эгри чизиқ, ўтувчи эгри чизиқ* (кривая переходная), *бир-бирига тесқари йўналган ёйлар* (криво обратное), *бир томонлама ёйлар* (криво односторонное), *қатнов қисми қиргоғи* (кромка проезжей части), *йўл ёқаси* (обочина), *қатнов қисми* (проезжая часть), *йўлнинг қўндаланг кесим юзаси* (профиль дороги поперечный), *йўлнинг бўйлама кесим юзаси* (профиль дороги продольный) кабилар.

Бирикмали терминлар структур жиҳатдан ўз ўрнида икки узвли, уч узвли, тўрт узвли, беш узвли ва х. турларга эга.

Икки узвли мураккаб терминлар. Икки узвли бирикма терминлар содда сўз бирикмаси шаклида бўлиб, уларда маъновий яхлитланиш кузатилса-да, шаклан ҳоким-тобелик муносабати сезилиб туради: *таъмир бригадаси, йўл ахборотномаси,*



қўприкларга оид ахборотнома, ўркаксимон ўнқир-чўнқир, қопламанинг нураши, мустаҳкамлик заҳираси (хўри), сирпаниш коэффиценти, тўшамаларнинг ўпирилиши, жорий таъмир, емирилиш репери, қопламадаги силжиши, қирра синиши, йўл хизмати, йўлни сақлаш, бордюрни тикламоқ, едирилиш қатлами, қор бўрони (қор уюмлари), қор тўсиқ, қорли машъал, қопламани тозалаш, музларнинг тирбандлиги, юкловчи, гилдиракли экскаватор, ишлаб чиқаришни автоматизациялаштириш, бургилаб ковламоқ, тебратиб зичлаш, трассани тиклаш, трассани маҳкамлаш (боглаш, мустаҳкамлаб қўймоқ), чокни тўлдириш, тупроқни майдалаш, индустриациялаштириш, тош ётқизиш, сачратиб сепмоқ, тупроқни сурмоқ, силжитиб бекитмоқ, чокни қирқиш, устки ишлов бериш, кромкани кесмоқ, айланиб ўтиш, четлаб ўтиш, қурилишни ташкил қилиш, тупроқни ағдармоқ, чим босмоқ, чим ётқизмоқ, тупроқни тақсимлаш, материалларни бўлиш, тупроқни қирқиш, йўлда аралаштириш, қурилмада аралаштириш, қатламни қирқиш, тупроқни мустаҳкамлаш, қияликни мустаҳкамлаш (ёнбағир), тупроқларни яхшиламоқ, тузатмоқ, тўсиқ ўрнатиш, қуришни уюштирмоқ, бетонга қараши, қопламани фрезерлаш каби.

Уч узвли мураккаб терминлар.

Бундай мураккаб терминлар эркин сўз бирикмасига қиёслаганда, уч мустақил луғавий маъноли бирликдан ташкил топган бўлади. Бошқача айтганда, уч узвли сўз бирикмаси занжири термин сифатида маъно ифодалайди ва бир тушунчани англатади. Улардан айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз: кучнинг таъсир вақти, қатламларнинг деформацияланиш хусусиятлари, рухсат этилган нисбий деформация, автомобилнинг динамик омили, кучнинг динамиклик коэффиценти, ортиқча юк коэффиценти, кучланишни камайтириш коэффиценти, эластикликнинг чўзиқлик модули, статик эластиклик модули,

эквивалент эластикли модули, гилдиракка тушаётган оғирлик, доимий таъсир қилувчи оғирлик, рухсат этилган чўкиш чегараси, йўл тўшамаси ўлчамлари, рухсат этилган чегарадаги эгилиш, йўл тўшамаси мустаҳкамлиги, плитанинг ҳисобланган қалинлиги, қопламанинг ёрилиш чидамлилиги, йўл тўшамаси эластиклиги, конструктив қопламанинг чидамлиги, текисланган тупроқ йўл, тузатилган тупроқ йўл, клинкер қопламали йўл, серговак асфальтбетонли пойдевор, дағал тошли пойдевор, қатнов қисми тоштахтаси, бетонли йўл қопламаси, қатрон-бетонли йўл қопламаси, қум-асфальтбетонли йўл қопламаси, қаттиқ йўл қопламаси, цемент-бетонли йўл қопламаси, шлакбетонли йўл қопламаси, шебенли йўл қопламаси, лойҳага қариш қатлам, зах қочирувчи қатлам, йўл пойи кенглиги, қатнов қисми кенглиги, жойдаги нуқтанинг баландлиги (белгиси), йўл ёнбағри қиялиги, тоғ ёнбағри ариги, йўл қиялиги коэффиценти, йўл қиргоғи нови, сизиб ўтказувчи кўтарма каби.

Тўрт узвли мураккаб терминлар.

Бундай терминлар автойўлсозлик терминлари тизимида нисбатан камлиги билан характерланади. Мисоллар: эмульсия минералли қўйма қоришма, намлик ва иссиқликнинг ўзгариши, музлаган қатламнинг қабарши коэффиценти, майда шағалли йўл қопламаси, йўл қопламасининг капитал типни, қўйма материалли йўл қопламаси, содда типли йўл қопламаси, бир қатламли йўл қопламаси, ўтиш типдаги йўл қопламаси, аралаштириш усулли йўл қопламаси, гилдирак ўқиға тушаётган оғирлик, қаттиқ бўлмаган йўл тўшамаси ҳисоби, келтирилган оғирлик кучи схемаси, ишлов бериш билан маълум шаклга киритмоқ, йўлга ажратилган жойни тозалаш, йўл қисмини тарам-тарам қилиш, қоришмани босиб текислаб қўйиш, йўл тўшамасини мустаҳкамлаш коэффиценти, йўл тўшамасининг иш коэффиценти, кўприкнинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги



ҳужжат, йўл тўшамаларининг ишлаш қобилияти каби.

Беш узви мураккаб терминлар.

Автоўлсозлик терминлари тизимида санокли микдорда бўлса-да, беш узви бирикма терминлар ҳам учраб туради. Мисоллар: *сингдириши (шимдириши) усулида қурилган йўл қопламаси, қаттиқ жисмли йўл тўшамаси ҳисоби, тупроқни узунаси бўйича бошқа жойга кўчириши (бўйлама), йўлнинг қатнов қисми четини мустахамламоқ.*

Кузатишлардан маълум бўладики, ўзбек тили автоўлсозлик терминологияси тизимида олти ва ундан ортиқ узви терминлар учрамайди.

Автоўлсозлик терминлари тизимида учрайдиган кўп узви терминларнинг аксарияти умумнутқда сўз бирикмаси сифатида ҳам ишлатилади ва уларнинг таркибидаги ҳар бир мустақил луғавий маъноли бирлик ўз автосемантиклигини тўла сақлаб қолади. Терминологик тизимда улар, гарчи эркин бирикма шаклида бўлса-да, бошқача айтганда, эркин бирикмалик хусусиятини

маълум даражада сақлаб қолган бўлса-да (яъни бирикма таркибидаги бирликларнинг мустақил урғуга эга эканликлари, боғланишнинг синтактик қонуниятларга тўла мослиги, таркибидаги бирликларнинг ўрни билан ўз морфологик шакллари ўзгартириб туришлари каби белгиларга эгаллиги), фақат асосий омиллар, яъни бир илмий-техникавий тушунчани англатиши, бошқа тилларга баъзиларининг бир сўз билан таржима қилиниши каби уларни термин-бирикмалар сифатида қараш имконини беради. Шунингдек, терминологик тушунчаларни ифодаловчи формал воситалар мавжуд бўлмаганда, уларнинг ўрнини тўлдирувчи лакуналарнинг иш кўриши, бу лакуналарнинг вақт ўтиши, ижтимоий тараққиёт натижасида яхлитланиб, таркибий қисмларининг шаклий жиҳатдан ҳам жипслашиб бориши оқибатида янги мураккаб таркибли терминлар вужудга келади ёки лакуналар мустақил тил бирликлари билан алмаштирилиб, бошқача айтганда, тўлдирилиб бораверади.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2-е. - М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1969.
2. Быкова Г. В. Лакунарность как категория лексической системологии. - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003.
3. Виноградов В.В. Вопросы современного русского словообразования // Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. -М., 1975.-С. 155.
4. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. -Тошкент: Фан, 1977.-Б.97.
5. Жельвис В. И. К вопросу о характере русских и английских лакун // Национально-культурная специфика речевого поведения. - М.: Наука, 1977. -С. 136-146.
6. Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н.Ярцева. -М.: Сов. Энциклопедия, 1990.
7. Мадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. - Тошкент, 1966.
8. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. - Тошкент, 1982.
9. Марковина И. Ю., Васильченко Т. А. Интеркультурные лакуны в тексте с невербальным компонентами // Лакуны в языке и речи: Сб. науч. Трудов / Под ред. проф. Ю.А.Сорокина, проф. Г.В. Быковой. - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. - С. 129.
10. Махонина А.А. К вопросу о классификации межъязыковых лакун //Язык и национальное сознание. Выпуск 4. - Воронеж, 2003. - С. 40-45.



11. Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). - Владимир, 1975.
12. Огурцова О. А. К проблеме лакунарности//Функциональные особенности лингвистических единиц: Сб.трудов Кубанского ун-та, 1979. -С. 77-83.
- 13.Сорокин Ю. А. Лакуны еще один ракурс рассмотрения //Лакуны в языке и речи: Сб. науч. трудов / Под ред. проф. Ю.А. Сорокина, проф. Г.В. Быковой. - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. - С. 3.
- 14.Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари (Сўз ўзлаштириш ва аффиксация масалалари). - Тошкент: Фан, 1985.-Б. 47.
- 15.Мадалиев Б. Сложные слова в современном узбекском языке: Автореф.... дисс.канд. филол.наук. -Ташкент, 1956.
- 16.Раҳматуллаев Ш., Ҳожиёв А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. - Тошкент, 1966.
- 17.Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. - Тошкент, 1963.
- 18.Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати: Филолог студентлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун . - Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 144 б.

Валиев Т. Структура терминов автомагистральной промышленности в формировании их структур. Структура терминов автомагистральной промышленности повторяет образ строения терминов прочих сфер. Изначально термины делятся на простые и сложные по своему строению. Сложные термины бывают парными и составными. Составные термины образовались от фразеологических терминов и могут иметь от двух до пяти составляющих. Термины автомагистральной промышленности не бывают из шести составляющих.

Valiyev T. The types of autoway construction in according their structure. The forms of road building and the forms on the field are analyzed. The terms (on this sphere) are divided into simple and compound ones. Compound terms can be in paired and complex ones. Complex terms came out of phrase terms and can be classified into several groups.



ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИДА МАВЗУЛАР КЎЛАМИ (Аёллар адабиёти мисолида)

Турдиева Ойдин,

Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси

Таянч сўз ва иборалар: Эрон, ҳикоя, жуда қисқа ҳикоя, ҳикоянавислик, аёллар ижоди, аёл образи, анъанавий ва янги талқин, руҳий ҳолат, психологик портрет, руҳият манзараси, сюрреализм, магик реализм.

XX аср 80-чи айниқса, 90-йиллар эрон ҳикоянавислигининг ўзига хослиги адабиёт майдонига аёл ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келгани, аёл ижоди ва аёл образининг янги талқин этилиши билан характерланади. Улар Симин Донешвар, Шахрнуш Порсипур, Ғаззоли Ализода, Гули Тараққий каби ўз ижодий фаолиятларини Эрондаги 1979 йилги инқилобдан олдин бошлаган адибаларнинг анъаналарини давом эттириб, аёллар ижодиётини янада бойитдилар. 80-йиллардан кейин ижод эта бошлаган аёл ёзувчилар доирасига Маниже Жонқўли, Самира Аслонпур, Захро Завориён, Важиҳе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужжор каби истеъдодли адибалар киради. Уларнинг ҳикояларида бир одамнинг оддий ҳаёти мавзу бўлиб, қаҳрамонларнинг қалбига чуқурроқ кириш, кўнгил кечинмаларини теранроқ ифода этиш етакчи тамойилга айланди. Бу ҳолат исломий жамиятдаги аёлнинг мавқеи ҳақида шаклланган тасаввур ва тушунчаларга зид келса ҳам, ҳақиқий адабий ҳодиса сифатида рўй берди. Бир даврда яшаб, ижод этаётган бу адибалар яратган кўплаб асарларда типологик умумийлик мавжуд. Типологик умумийлик уларни ҳаёт материални танлашда, уни бадиий идрок қилиш ва баҳолаш мезонларида кузатилади. Инқилобдан кейинги давр эрон ҳикоянавислиги ҳақида гапирганда, сўнгги авлод ёзувчиларидан Шахриёр Маданипурнинг эътирофи эътиборга молик: “Бугунги давр, назаримда ўтиш даври. Бу ўн йилликнинг (Эрон Ислом инқилобидан кейинги 10 йил назарда тутилмоқда) энг муҳим хусусияти тажриба шижоатидир. Бу наслнинг

аввалгилардан фарқли жиҳати балки дунёга қараш тарзидир... Инсон ҳеч қачон бу асрадагичалик ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида ўйга толмаган”.⁷

Замонавий эрон адибалари ўз асарларида шижоат билан янги услублар, янги мазмун ва янги шакллар қўллаб бошладилар. Бу адибаларнинг ҳар бирининг ижоди ўзига хос бўлиб, унинг асосини аёл образини яратиш ташкил қилди. Лекин, биз аёл образига ёндашишда ўзгаришларни кўрамай. Энди уларнинг аёл қаҳрамони бутунлай эзилган, мазлума, ҳақ-ҳуқуқсиз ёки “сифа” (“вақтинчалик никоҳ”) қурбони бўлган муштипар эрон аёли эмас, балки аксарият ҳолларда саводли, иродали, замонавий аёлдир. Албатта, унинг муаммолари кўп, бу муаммолар шахсий ҳаёти, оиласи, эри билан боғлиқ. Аммо аёлнинг бу муаммоларга муносабати, характери олдингига нисбатан бошқача тус олади. Бу муносабатларни биз адибалар ҳикояларининг қисқача таҳлили орқали кузатамиз.

Бугунги кунда самарали ижоди билан эрон ҳикоячилиги тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ёзувчилардан бири Важиҳе Али Акбари Сомонийдир. У 1976 йили Техронда таваллуд топган. Ёзиш истаги унда ўсмирлик йилларидаёқ пайдо бўлган. В. Сомонийнинг “ترا من چشم در راهم”⁸ (“Кўзларим йўлингда”) ҳикоялар тўпламида унинг 7 та ҳикояси жой олган. Улар “ايستگاه آخر” (“Охири бекат”), “ترا من زیر” (“Кўзларим йўлингда”), “چشم در راهم” (“Ёмғир остида”), “برگی از یک

⁷حسن مير عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد دوم ص 1043
⁸تورا من چشم در راهم. وجیهه علی اکبری سامانی تهران (2008)



زندگی (“Хаётдан бир варақ”), “ نصير خان” (“Насирхон”), “چشم به راه” (“Йўлга кўз тикиб”), “پلهای شکسته” (“Синган кўприклар”) хикоялари бўлиб, мавзу жиҳатдан жамиятнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларига бағишланган.

Важиҳе Али Акбари Сомонийнинг “زیر باران” (“Ёмғир остида”) ⁹ номли хикоясида ҳозирги куннинг энг долзарб саналган муаммоларидан бири – кўкрак саратони касаллигининг аёл руҳиятига таъсири қаҳрамоннинг туйғулар манзарасини яратиш орқали ёритиб берилган. Хикоядаги воқеалар бош қаҳрамон - Аёл (хикояда унинг номи берилмайди) тилидан хикоя қилинади. Унда оила, эр-хотин муносабати, руҳий ҳолат тасвирлари орқали унинг психологик портрети яратилади. В.Сомоний табиат тасвирини қаҳрамон руҳи, психологиясига мос равишда чиза олади, уларни уйғунлаштириб юборади. Хикоянинг сюжетини бош қаҳрамоннинг кўкрак беги саратонига чалиниши билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг қаҳрамон руҳиятига таъсири тасвири ташкил қилади. Хикоя сюжетига илгари сурилган асосий ғоя инсоннинг ҳаёт қийинчиликлари олдида чекинмаслиги, доимо умид билан яшаш кераклигидир.

Истеъдодли адибалардан 1972 йилда туғилган Маниже Жонқули 90-йилларда ижодий фаолият билан шуғулланишни бошлаган. Маниже ҳам В. Сомоний каби ўз хикояларида, асосан, аёллар образига мурожаат этади. Унинг “بیگانه” (“Бегона”) ¹⁰ хикояси шаҳид кетган ўғлини хотирлаб маърака қилаётган бир бева, ёлғиз яшайдиган аёл ҳақида. Она ўн саккиз йил олдин фарзандини урушда йўқотган, бироқ бу хотира фақатгина она қалбида мангу яшайди. Хикояда хотира муқаддаслиги ғояси етакчилик қилади.

1962 йилда Техронда туғилган, 80-йилларда ижод эта бошлаган яна бир адиба

Захро Завориён бўлиб, унинг “ممنوعیت محبت” (“Муҳаббатни ман этиш”) ¹¹ хикояси аёл вафоси, садоқати ҳақидаги чиройли севги хикоясидир. Воқеа суд залидан ёш оиланинг ажралишидан бошланади. Дастлаб бахтли оила бошига мусибат тушади: ёш эр Фуад ногирон бўлиб қолади. Лекин севикли хотини Афсона эрининг ногиронлигини кўтаради, унга меҳр бериб қарайди. Бироқ ногирон эр билан ёш умрини хазон қилишни истамаган Афсонанинг ота-онаси бу ҳолнинг давом этишига қарши. Улар қизларини Фуад билан ажрашишга мажбур қилишади. Суд уларни ажратади. Афсонанинг кўнгли, гарчи улар энди эр-хотин бўлмасалар-да, Фуадда қолади. Ота-она зўравонлиги қизларини бахтсиз ҳаёт кечиришга мажбурлайди.

Юқорида келтирилган аёллар ижодидан намуналар бизга эрон ҳаётидан турли манзаралар, яшаш тарзи, оилавий муносабатлар тўғрисида озми-кўпми хабар беради. Аммо замонавий эрон адабиётида аёл кўнглини тўла англашда, қалби тубига етиб боришда, унинг барча сир-асрорларини кашф этишда таниқли адиба Розия Тужжорга тенг келадигани топилмайди.

Розия Тужжор ўзига хос бир услубда ёзадики, унинг асарлари фалсафий мушоҳадалар билан бойлиги, тил ва услуб гўзаллиги ҳамда ижтимоий муаммоларнинг ўртага кўйилиши жиҳатидан бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ажралиб туради. Р.Тужжор хикоялари қаҳрамонларининг аксарияти аёллардир. Унинг қаламига мансуб “هم سيب” (“Ҳам олма, ҳам юлдуз”) ¹² тўплами йигирма иккита хикоядан иборат. Шулардан ўн еттита аёллар образи марказий ўринни эгаллайди ва фақат бешта хикоядагина эркаклар бош қаҳрамон сифатида гавдаланганлар, бироқ уларда ҳам олдинги хикояларда бўлгани каби аёл персонажларнинг фаол иштироки сезилиб

⁹ Шу асар, 99-с.

¹⁰ Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. Стр. 54.

¹¹ Шу асар, 149-с.

¹² راضیه تجار. هم سيب هم ستاره. تهران 1386/2007



туради. Аёллар бевосита ёки билвосита эркаклар тақдирига дахлдордирлар.

Р.Тужжорнинг “سفر به ريشه ها” (“Ватанга сафар”)¹³ ҳикояси уйидан узоқ юртларга ўқишга кетган эроний қиз ҳақида. Етти йилдан кейин у ватанига қайтиб келади, келганида эса кўп нарса ўзгарган – ота-она ҳовлиси ҳувиллаб қолган; уйлари эскириб, бузилиб, нураб кетмоқда; ёшликдаги дўсти Мажид оғир касалга чалинган; фаол, истеъдодли дугонаси оиласида ўралашиб қолган; бошқа танишлари ўзгариб кетган. Қаҳрамон қиз бу хорғин жойларни, тўкилаётган ота уйини ташлаб кетиши мумкин, чунки хорижда уни бошқа – фаровон ва тинч ҳаёт, турмуш қурмоқчи бўлган йигит кутмоқда. У ватанига сафар қилиб яна хорижга қайтиш ниятида келган эди. Лекин қиз уйда қолади, диёрини бошқа тарк этмайди. У бу ерда қолиши керак. Уйини, ҳовлисини, дўстларини жонлантириши керак.

Р.Тужжорнинг “قاب انتظار” (“Соғинч қобиғи”)¹⁴ ҳикояси 1980-1989 йилларда бўлиб ўтган Эрон-Ироқ урушида ўлган аскарнинг хотини кундалиги шаклида, иккинчи шахсга, яъни ёш келиннинг эрига муурожаати шаклида ёзилган. Унда ҳам эронликлар ҳаёти аниқ, равшан ифодаланган. Наврўз байрамини кутиш, бу байрамда тайёрланадиган таомлар, урф-одатлар, расм-русумлар, кийимлар, келиннинг қайнонага бўлган ҳурмати кўрсатилган. Келин эрининг ўлганлиги тўғрисида маълумотнома олган бўлса-да, унга эри ҳаётдек, гўё узоқ сафарга кетгандек туюлади. Ҳикоя муҳаббат, садоқат ва вафони тараннум этади.

هم سيب هم ستاره – (“Ҳам олма, ҳам юлдуз”)¹⁵ ҳикояси бир-бирларидан совуган, бефарзанд эр-хотин ҳақида. Ҳикоя услуби шоирона, қисқа, лўнда жумлалар, сўз санъатлари билан безатилган. Эр доим ўз қоронғи хонасида расм чиқариш билан

овора. Қалбан ёлғиз қолган аёлнинг ҳис-туйғулари жуда нозик, жозибали ифодаланган. Бутун ҳикоя давомида “ухлаётган гўзал аёл”га ўхшатишган тоғ образи жуда кўп такрорланади. Унинг назарида бу ухлаётган гўзал аёл жуда мағрур ва бахтли, қаҳрамоннинг ташвишлари унга ёт. Лоқайдлик, малоллик билан суғорилган ҳаётдан кетиб, ўша тоғ чўққисига чиқиш ва мағрур тош аёлга айланиш қаҳрамоннинг армонига айланади. Адибанинг аксарият ҳикоялари каби “Ҳам олма, ҳам юлдуз” ҳикоясида ҳам аёлнинг ҳис-туйғулари биринчи ўринга кўтарилган бўлиб, унда мавҳум бир ҳазинлик ҳукм суради.

Мана шундай ажиб маҳзунлик кайфияти уйғотадиган яна бир ҳикоя “زمرمه باغ” (“Боғнинг ҳиргойиси”)¹⁶ ҳикоясидир. Бу ҳикояда қишлоқ ҳаётидан бир лавҳа, қишлоқ қизининг аччиқ тақдири тасвирланган. Қаҳрамон оддий қишлоқ қизи Набот, ота-онаси негадир унга нисбатан ноҳақлик қилиб, сингилларини узатиб юборишган, уни эса уй ишларини қилиш учун олиб қолишиб, мактабда ўқитишмаган, вақтида турмушга беришмаган. Ота оғир касалдан вафот этади, уларнинг боғи эса сўлиб қолади. Сўлаётган боғ ёш умри ўтиб, ҳануз онаси олдида қолиб кетаётган хаста қизга қиёсланади.

Р.Тужжорнинг “زن شیشه ای” (“Шиша аёл”)¹⁷ ҳикояси таъсирли, ҳазин ҳикоя. Аёл тақдири, оғир касалга чалинган аёлнинг ҳолати тасвирланган. Аёл қалби нафис ишланган шиша гулдонга қиёсланган. Бу аёл яшашни, севилишни истарди. Ўзи эрини севар, ундан ҳам шуни кутарди. Аёл яна яшаши мумкин эди. Бироқ эрининг лоқайдлиги, унинг хиёнати ҳаёт учун курашолмай, ҳалок бўлишига – шиша каби парча-парча бўлиб кетишига сабаб бўлади.

Адиба ҳикояларининг аксариятида ҳаёт қийинчиликлари, машаққатлари тасвирланган бўлса-да, бошқа

¹³ Шу асар, 107-с.

¹⁴ Шу асар, 131-с.

¹⁵ راضيه تجار. هم سيب هم ستاره. تهران 1386/2007 ص 138

¹⁶ Шу асар, 243-с.

¹⁷ Шу асар, 95-с.



хикояларидан фарқли равишда ўқувчида бир оз хурсандчилик уйғотадиган “راز آن ستاره” (“Ўша юлдузнинг сири”) ¹⁸ номли севги мавзуси ҳам бор. Бўйи етган қиз ногирон онаси билан яшайди. Онанинг бутун танаси ишламайди, у доимо кизининг қаровига муҳтож. Қизисиз она кичкинагина ишни ҳам, бирон- бир ҳаракат ҳам қила олмайди. Касал онани деб қиз ўз бахтидан воз кечади. Чиройли, аммо ҳазин бу хикоя садоқат, вафо, масъулият ва ушалмаган бахт тўғрисида. Балки орзулар ушалар, чунки хикояда хотима йўқ, у китобхонга ҳавола қилинган. Китобхонни хикояга ижодий ёндашишга ундайди. Инсон эса эзгуликка ишонади.

Адибанинг “عروج” (“Парвоз”) ¹⁹ хикояси севги, ишқ мавзусида. Ҳикоя шоирона услубда ёзилган. Қаҳрамон – шаҳарлик қиз, у отаси билан қишлоққа келишни яхши кўради. Йигит эса қишлоқ муаллимининг ўғли. У ишбилармон, нуфузли, тадбиркор инсон. Улар турмуш курадилар. Ҳикоя иккинчи шахсга (аёлнинг севган кишига, яъни эрига) мурожаат қилиб ёзилган. Қаҳрамон аёл шахсияти табиат билан бирлашиб кетади. Қишлоқ манзаралари, дарё, узумзорлар, боғлар, кун ва тун ҳам аёлнинг изтиробларига шерикдек гўё. Асарда қисқа, ифодали бадиий жумлалардан фойдаланилган. Р.Тужжорнинг “Парвоз” хикоясидаги шоирона услубни насрий шеърга қиёслаш мумкин.

“نگهدارى لاله در باد سخت است” (“Шамолда лолани асраш қийин”) ²⁰ хикояси сюрреалистик хикоялар жумласига киради. Ҳикоя бош қаҳрамон Нозанин исмли аёлнинг ўз-ўзига мурожаатидан иборат бўлиб, монолог сифатида ёзилган. Мазкур хикоя қаҳрамоннинг ёлғизлиги, бахтсизлиги, машаққатлари ҳақида. Ҳикояда Нозаниннинг турмуш тафсилотлари, ҳар бир бажарган уй юмушлари кўрсатилган. Нозаниннинг

монологи орқали унинг болалигидан то ўрта ёшли давригача бўлган муддат кўз ўнгимизда гавдаланади. Мазкур хикояда ҳам адиба аёл қалб кечинмаларига катта аҳамият берган. Ҳикояда олдинги хикояларидаги каби маҳзунлик ҳукмрон, жуда кўп жойлари мавҳум, мажозларга бой.

Р.Тужжорнинг “آرام. شب به خير” (“Хайрли тун”) ²¹ хикояси магик реализм услубида ёзилган хикоя. Бу хикоя совуған муҳаббат, бегоналашган эр-хотин, лоқайд эр, эрининг заррача бўлса-да меҳрига муҳтож аёл ҳақида. Эрининг лоқайдлигидан озор чеккан аёл унинг эътиборини жалб қилиш учун кўп ҳаракат қилади. Эри эса телевизордан кўзини узмайди, соябон ушлаган аёл расмини чизади. Эрининг эътиборини ўзига қаратолмаган аёл ниҳоят соябонни олиб ўзини деразадан ташқарига ташлайди. Шамол уни ўзи билан олиб кетади. Бу эпизод Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили” асари қаҳрамонининг ҳаёт азобларидан безиб чойшабга чиқиб осмонга учиб кетганини эслатади.

“هفت قدم رنج تا باغ نارنج و ترنج” (“Апельсинзоргача етти қадам ранж”) ²² хикояси мажозий, сюрреалистик унсурларга бой. Асрлар давомидаги аёлнинг қисмати ҳақидаги хикоя. Аёл доимо эркак билан бирга, яхши онлари ҳам, ёмон кунлари ҳам эркак билан боғлиқ. Эркак ҳам зулм ўтказувчи, ҳам халоскор. Бу иккиси – аёл ва эркак ўртасида доим ришта бор. Бу хикоя оддий сюжетли бир воқеани баён этувчи хикоя эмас, балки фалсафий-ахлоқий маъноларга, мулоҳазаларга тўла хикоя ҳисобланади. Бу хикоя қаҳрамонлари – аёл ва унинг эри. Етти қадам – аёл яшаган даврларнинг етти босқичи: олдин ибтидоий, кейин кўчманчи саҳровий, кейинроқ феодал ва ҳоказо. Қаҳрамон аёл бир нечта даврларда яшайди. Ёзувчи барча хикояларида бўлгани каби мазкур хикоясида ҳам ўзига хос образлар топадики, биз ҳеч қайси адибларда бундай

¹⁸ راضيه تجار. هم سيب هم ستاره تهران 1386/2007 ص 67

¹⁹ راضيه تجار. هم سيب هم ستاره ص 25

²⁰ Шу асар, 155-с.

²¹ راضيه تجار. هم سيب هم ستاره ص 261

²² Шу асар, 83-с.



образларни учратмаймиз. Ҳар бир ранж аёлнинг яшаган даврини англатади: Биринчи ранж унинг ибтидоий жамоа тузуми давридаги ғордаги ҳаёти билан боғлиқ. Иккинчи ранжда ўтовдаги кўчманчилар ҳаёти ва шу ҳаётдаги аёлнинг ўрни, учинчи ранжда қамалга олинган ўрта асрлар шаҳри, унда асир олинган аёл тақдири, тўртинчи ранж кўп хотинли оиладаги тўртинчи хотин тақдири, бешинчи ранж боласи эри томонидан тортиб олинган аёл тақдири, олтинчи ранж оғир меҳнатдан томирлари чиқиб кетган аёл, еттинчи ранжда ҳозирги кунда аёлнинг тақдири, ўрни, қисмати тасвирланган. Мана шу даврларда яшаб ўтган аёлнинг ҳар бир лаҳзаси эркак билан боғлиқ. Аёл ҳамиша заиф, ҳимояга ва эътиборга муҳтож инсон сифатида гавдаланади. Буларнинг барчаси – аёлнинг турли даврларда яшаб чиқиши қаҳрамоннинг тасаввурида содир бўлади. Тўғрироғи, хотира каби бир-бир аёлнинг ҳаёлидан ўтади. Ҳикояда ғайриоддий элементлар кенг ўрин тутаяди, улар реалистик деталлар билан ғалати тарзда бирикади.

Сўнги йилларда форс адабиётида ҳикоянинг “داستانک” ёки “داستان کوتاه کوتاه”²³ атамаси билан номланадиган жуда қисқа шакли оммалашган. Адабиётшунос олим Муҳаммадризо Рузбех “داستانک”ни ҳикоянинг бир шакли сифатида қараб, унга қуйидагича таъриф берган:

“Достонак” ҳикоядан кичикроқ (1000-1500 сўздан иборат) асар бўлиб, кўпинча, Антон Чеховнинг ҳикоялари каби ҳикоя хусусиятларидан кам баҳраманд бўлади”²⁴.

Серкирра ижодкор Розия Тужжор ҳикоянинг айнан мана шу шаклида ҳам қалам тебратиб, бир қанча қисқа ҳикоялар муаллифига айланди.

Унинг “طلوع” (“Қуёшнинг чиқиши”)²⁵ ҳикояси жуда қисқа ҳикоялар туркумига киради. “Қуёшнинг чиқиши” ҳикояси лирик, шоирона тилда ёзилиб, унда ҳаётий лавҳа акс этган. Бу ҳикояда биз Эрон урф-одатлари билан танишамиз. Масалан, онанинг ўз қизига “она қизим”, “онажоним” каби сўзлар билан мурожаат қилиши, оғир касал бўлишига қарамай, ибодатини қанда қилмагани, ўз аҳволини яхши билганидан қизидан рози-ризолик сўрашлари, буларнинг бари барча мусулмон шарқи кишиларига хос хусусиятлар чиройли тасвирлар билан жуда қисқа-лўнда ифодаланган.

“تصویر های شکسته” (“Синган тасвирлар”)²⁶ ҳикояси ҳам жуда қисқа ҳикоялар туркумига киради. Ҳикояда ҳаёт манзаралари синган ойнанинг бир парчасида ўз аксини топади. Синган ойна парчасини атрофни кўра оладиган қилиб велосипедига ўрнатиб олган ўн икки ёшли боланинг кўчалар бўйлаб қилган сайри тасвирланган. Тасвирлар фақат эзгуликни кўрсатадилар. ХХI аср бошларида ёзилган мазкур ҳикоя охирида бола тинч-осойишта ҳаёт билан бирга ҳарбийларни кўради. Бутун халқ ва ҳарбийлар инқилоб томонида эканликлари ҳикоя мазмунидан билиниб туради. Р.Тужжор ислом инқилоби ғалабасидан кейинги илк даврларни чиройли манзаралар билан кўрсатиб берган.

Розия Тужжорнинг айрим ҳикояларини бир маротаба ўқиб чиқиш етарли эмас. Биринчи маротаба ўқиганда кўнгилда муайян туйғулар уйғонади. Яна бир бор ўқишга эҳтиёж пайдо бўлади. Қайта-қайта ўқиш мобайнида эса янада чуқурроқ маънолари, ҳикоянинг пинҳоний, махфий томонлари, тағмаънолари кашф қилинади гўё.

Унинг қаҳрамонлари мураккаб шароитга ўралиб қолган, тақдир, замона, муҳит улар ҳаётига таъсир қилади ва ҳаётларида из қолдиради. Адиба кул ранг

²³ جمال میر صادقی. ادبیات داستانی. قصه. رمانس. داستان ص 274

²⁴ کوتاه. رمان. تهران. 1376
²⁴ Муҳаммадризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Т.2012. 178-с.

²⁵ راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص 167

²⁶ راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص 189



рангдаги, машаққатларга тўла дунёни кўради, уни тасвирлайди ва асарини тушкун руҳда яқунлайди. Бу унинг ижодига хос бўлган яна бир хусусиятлардан биридир.

Муҳожирликда яшаб, ижод қилаётган Эрон замонавий ёзувчиларидан бири Зўйо Пирзод 1952 йил Ободон шаҳрида дунёга келган. Ўша ерда ўрта мактабни тамомлаган. Зўйо Пирзод, асосан, қисқа ҳикоя жанрида ижод қилади. Қисқа ҳикояда ҳаётни кенг қамраб олиши, воқеаларни жозибали манзараларда чизиб бериши жиҳатидан унинг “یک زندگی” (“Бир аёлнинг ҳаёти”) ²⁷ ҳикояси ўзигача яратилган бошқа ҳикоялардан ажралиб туради. Ҳикоя қари аёлнинг гуллаган дарахтга қараб туриши билан бошланади. Бу кекса аёл ҳаёти давомида неча марталаб мана шу дарахтнинг гуллашини кузатган. Ҳозир эса унинг кўнглини неча марталаб шод этган дарахтнинг навбатдаги гуллаши унга ҳеч қандай шодлик бахш этмайди. Вақт ўтиб бормоқда. Аёлнинг эса тобора мадори кетиб бормоқда. Ҳар бир инсон кексайган чоғида ўтмиш ҳаётига назар ташлагани сингари, аёл ҳам шу дарахт билан боғлиқ ўтказган дамларини бир-бир кўз олдида келтиради. Аёлнинг ҳаёти унинг шу дарахт гулларини илк бор кўрганидан бошлаб, ўзи ва оиласининг ўтган умри-ю, ҳозирги ҳолатигача бўлган дамларни эслаб, хотирасида бутун бир давр гавдаланади. Аёлнинг энг эзгу хотиралари шу дарахт гуллари билан боғлиқ. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳикояда дарахт гуллари аёлнинг ўтмиши билан шунчаки биргаликда берилмаган, албатта. Дарахт гуллари ҳикояда мустақил рамзий образ сифатида гавдаланади. Аёл характеридаги кўпгина қирралар дарахтнинг гуллаши билан уйғун ҳолда очила боради. Дарахт гуллари аёлнинг илк бора янги келинлигида, кейин она бўлганида, сўнг эса фарзандининг бахтини кўргандаги ҳолатида, ниҳоят кексайганидаги ҳис-туйғуларини сезади,

юрак сирларини гўё тушунади. Аёл ҳаётининг энг бахтли ва қайғули дамларида шу дарахт гуллари унга шерик бўлган. Адиба мазкур ҳикоянинг ҳар бир воқеасида инсон умрининг бир даврини тасвирлаб беради. Шу қисқа сатрларда бутун бир ҳаёт гавдаланади. Ўтган умр гўё сарҳисоб қилинади. Аниқ сюжетга эга бўлмаган мазкур қисқа ҳикояда умрбод гуллаётган дарахт – ўтаётган умр рамзи. Одам умрининг гуллаётган, янги ниҳол чиқарган дарахт билан қиёсланиши жаҳон адиблари (Пушкин, Толстой ва бошқалар) асарларида ва афсона, мифлар, эртақларда ҳам кўп учрайди.

Зўйо Пирзоднинг мана шундай ҳажман қисқа “همسایه ها” (“Қўшнилар”) ²⁸ ҳикоясини ҳам мулоҳаза, мушоҳада уйғотувчи, анъанавий сюжетсиз ҳикоялар жумласига киритиш мумкин. Икки аёлнинг оилавий ҳаёти бир маромда давом этади. Балки бу бахтдир: эрталаб туриб нонушта тайёрлаш, болаларни мактабга кузатиш, кутиб олиш, тушлик тайёрлаш ва ҳоказо. Ёзувчи қаҳрамоннинг ички кечинмаларига тўхталмайди, айтмоқчи бўлганларини хатти-ҳаракатлар орқали кўрсатиб беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1979 йилги инкилобдан кейин форс адабиёти майдонига аёл ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келди, аёл ижоди ва аёл образи янги талқин этила бошлади. Замонавий Эрон адабиётида аёл кўнглини тўла англашда, қалби тубига етиб боришда, унинг барча сир-асрорларини кашф этишда таниқли адиба Розия Тужжор ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг ҳикояларида аёл образига янги талқин кузатилади, яъни унинг ҳикояларида анъанавий мазлума шарқ аёли эмас, балки зиёли, ўз овози ва эркига эга аёл образи тасвирланади. Адиба ҳикояларида шоирона услубни қўллайди. Унинг ҳикояларига хос хусусиятлардан бири маҳзунлик кайфиятининг устунлигидир. Розия Тужжорнинг ҳикоялари воқеаларга бой эмас, балки ушбу ҳикоялар инсоннинг,

²⁷ زویا پیرزاد. سه کتاب. تهران 2006. ص 28

²⁸ زویا پیرزاد. سه کتاب. تهران 2006. ص 6



айниқса аёлларнинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатдир.

Адабиётлар

1. 2004. حسن مير عابدينى. صد سال داتان نوبيسى ايران. جلد دوم/تهران 2004
2. 2008. تورا من چشم در راهم. وجيهه على اكبرى سامانى تهران 2008
3. Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. СПб. 2010.
4. 1386/2007. راضيه تجار. هم سيب هم ستاره تهران 1386/2007
5. 1997. جمال مير صادقى. ادبيات داستانى. قصه. رمانس. داستان کوتاه. رمان. تهران. 1997.
6. Мухаммадризо Рузбеҳ. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Т.2012.
7. 2006. زويا پيرزاد. سه كتاب. تهران 2006

Турдиева О. Разнообразие тематики современного иранского рассказа (на материале женской литературы). В данной статье рассматривается творчество иранских писательниц, как Маниже Жанкули, Самара Асланур, Захро Завариён, Важихе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужжор. Анализируется специфические, особенности, а также тематика и проблематика их рассказов.

Turdiyeva O. Subject varieties of the motermsdern iranian story (on a material of the female literature) The article discusses woks of the Iranian female writers, as Manije Jankuli, Samara Aslanpur, Zahro Zavariyon, Vahihe Ali Akbary Samani, Roziya Tujjor. The originality, features, subjects and problematic features of their stories are analyzed



ТАРЖИМА – ТАЪСИР ЁХУД “УЧИНЧИ” АДАБИЁТ

Жабборов Салим Жабборович,

Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

Илёсов Фаррух,

Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти

Калит сўзлар: *омухталашмоқ, сўра, “учинчи”, “ўзига хос” адабий асар, аруз, вазн, ритм, парадигма, метрик.*

“Таржиманинг қанчалик қусурлари кўп бўлишидан қатъи назар, таржима қилсак ҳам, таржима қилинсак ҳам – буни катта бахт деб билиш лозим,”- деган эди буюк олмон шоири И.В.Гёте. Дарҳақиқат, Гётенинг қанчалик ҳақ эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бадиий таржима ҳар қандай адабий янги ғоя, янги образ, янги сўз ва ибора, янги сюжет, янги жанрлар билан бойиб боради. Натижада аслият билан таржима тили омухталашиб, “учинчи” ўзига хос адабий асар юзага келади. Мисол тариқасида И.В. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”ни, Ҳ. Ҳайненинг “Фирдавсийнома” асарини, Т.Тўланинг “Қўвваи қаҳқаҳа” драматик асарини, А.Ориповнинг “Жаннатга йўл”, Э.Воҳидовнинг “Тирик сайёралар” асарларини айтиб ўтишимиз мумкин. Демак, “таржима - таъсир” масаласи тасодифий ҳол эмас, балки диалектик қонуниятдир.

Маълумки, И.В. Гёте яшаган давр шарқ адабиётини, урф – одатини, яшаш тарзини чуқур ўрганган даврга тўғри келди. У ўзи яшаган вақтдаги шарққа оид барча адабиётларни мутолаа қилди. Инглиз шарқшуноси Ҳ.Бромснинг таъкидлашича, у 48 та шарққа оид китобни ўрганиб чиққан. И.В.Гёте ёшлигидан Страсбург университетида устози Ҳердернинг раҳнамолигида шарқ адабиётини ўрганишга киришган эди. Кейинчалик Ваймар Герцоги Карл Августнинг таклифига биноан, француз адиби Вольтернинг “Муҳаммад” трагедиясини немис тилига таржима қилишга киришади. Лекин нима сабабдандир охирига етказмайди, чунки трагедиянинг мазмуни

унга маъқул келмайди. Вольтер Муҳаммад алайҳис - салом ҳаётини ўта салбий талқин қилган эди. Бизнингча, мана шу ҳолат унга маъқул тушмайди. “Муҳаммад” трагедиясини таржима қилиш жараёнида у “Ҳадис”ларни, “Қуръони Карим”ни, пайғамбар Муҳаммад алайҳис-салом ҳазратларининг таржимаи ҳолини сидқидилдан ўрганиб чиқади. Ҳатто араб тилини ўрганишга ҳаракат қилиб, “Қуръони Карим”дан 10 та сурани немис тилига таржима қилади. Унинг ўзи пайғамбар Муҳаммад алайҳис – салом ҳақида драматик асар ёзишни режалаштиради. Бизгача асарнинг “Muhammades Gesang”, яъни “Муҳаммад монологи” етиб келган холос.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шарқ шоирларидан Низомий Ганжавий, Анварий, Саъди Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий каби етук шарқ шоирлари асарларининг европа тилларига ва, хусусан, олмон тилига таржима қилиниши олмон маънавиятининг янада юксалишига, бойишига олиб келди. Натижада олмон шеърлятида янги жанр – аруз жанри юзага келди. Бу жанрни олмон шеърлятига биринчи бўлиб олиб кирган шоир И.В.Гёте ҳисобланади.

Маълумки, “вазн” арабча сўз бўлиб, ўлчов, тарози каби маъноларни ифода этади. Демак, вазн шеърини нутқни насрий нутқдан фарқ эттирувчи шеърят асосларидан бири. Вазн ритмик нутқ бўлган шеърнинг асосий компонентларидан бири, жамловчи атамалардан биридир. Шеър қайси вазнда бўлишига қараб, бармоқ вазни, аруз вазни каби махсус атамалар қўлланилади.



Шеъррий ритм оҳангдорлик ва мусиқийлик вазн тури ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳосил бўлади. Бармоқ вазни шеър мисраларидаги ҳижолаарнинг бир текисда такрорланиб келишига асосланади.

Масалан, бармоқ вазнида ёзилган 9 ҳижоли шеър мисраларидаги ҳижолаарнинг гуруҳланиши – туруқлар тузилиши ҳар хил: 3-3-3 тарзда ёки 4–5 шаклда келади ва ўзига хос оҳангдорликни ҳосил қилади.

Ишлаган чарчашни билмаган
Иш севган кучли қиз Аноргул
3 3 3 (Уйғун)

Водийларни яёв кезганда
Бир ажиб ҳис бор эди менда
4 5 (Ҳ.Олимжон)

“Аруз вазнидаги шеърда ритм – оҳанг мисраларда чўзиқ ва қиска ҳижолаарнинг, рукнларнинг бир текисда такрорланиши билан вужудга келади” [3: 47].

Шарқ шеърятига катта ихлос ва муҳаббат билан ёндашган буюк олмон шоири И.В.Гёте ўзининг машҳур “Ғарбу Шарқ девони”ни яратишда аруз вазнига мурожаат қилиб, “Зулайҳонома” китобининг интиҳоси

“In tausend Formen magst du dich verstecken” ғазалини яратишга ҳаракат қилади ва бизнинг назаримизда маълум ютуқларга эришади. Шоирнинг ушбу ғазалига эътиборингизни жалб этмоқчимиз:

In tausend Formen magst du dich verstecken,
Doch , Allerliebste , gleich erkenn ich dich,
Lu magst mit Zauberschleyern dich bedecken,
Allgegenwärtige , gleich erkenn ich dich.

An der Cypresse reinstem , jungen Streben,
Allschöngewachsne , gleich erkenn ich dich.
In des Canales reinen Welle leben,
Allschmeichelhafte, wohl erkenn ich dich.

Wenn steigend sich der Wasserstrahl entfaltet,
Allspielende , wie froh erkenn ich dich .
Wenn Welke sich gestaltend umgestaltet,
Allmannigfaltige , dort erkenn ich dich.

An des geblünten Schleyers Wiesenteppich,
Allbuntbesternte schön erkenn ich dich
Und greift umher ein tausendarmger Eppich,
O, Allumklammernde , da kenn ich dich.

Wenn am Gebirg der Morgen sich entzündet,
Gleich , Allerheiternde, begrüß ich dich ,
Dann über mir der Himmel rein sich ründet,
Allherzerweiternde , dann atm ich dich

Was ich mit äußerem Sinn , mit innerm kenne,
Du Allbelehrende , kenn ich durch dich.
Und wenn ich Allahs Namenhundert nenne,
Mit jedem klingt ein Name nach für dich.

Маълумки, И.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”дан айрим шеърлар

М.Шайхзода, С.Салимов, Н.Муҳаммадиев томонидан таржима қилинган эди.



Таржимашунос Салим Жабборовнинг таъкидлашича, “Ғарбу Шарқ девони” даги 12 китоб мазмунан бир – бири билан чамбарчас боғланганлиги сабабли, шеърларни бўлиб-бўлиб таржима қилиш мумкин эмас. Асар тўлиғича бошдан-охиригача таржима қилиниши лозим. Шундагина ўқувчи “Ғарбу Шарқ девони” ҳақида, унинг мазмуни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мумкин. Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз.

Биз узоқ вақтлардан буён орзу қилганимиз 2011 йилда амалга оширилди. Таниқли шоир, таржимон, олмон тили бўйича мутахассис

С. Салимов И.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” ни тўлиғича таржима қилиб нашр эттирди. Буни албатта ўзбек маънавиятида улкан ҳодиса деб биламыз. Таржима аслият билан қиёсланганда, нима сабабдандир

“In tausend Formen magst du verstecken” ғазали ва “Темур ва қиш” шеъри таржима қилинган эмас. Ҳар иккала шеърнинг ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра асарда ўз ўрни бор эди. Шу боис, қуйида Салим Жаббор ва шоир Машраб Маҳмуд томонидан амалга оширилган ғазалнинг таржимасини келтирамыз:

Қадди шамшодинг кияр бўлса, гар минг хил либос,
Марварид дурлар ичида сарвиноз танийман сани,
Ҳеч ғуборсиз юзларингни тўсса жоду чойшаби,
Ишқли қалбим сан томондур, сарвиноз танийман сани,
Сийм танлар даврасида кўрк бўлиб турсанг ёниб,
Сарв бўйли дилбарим, ондин зиёд танийман сани,
Шодлиги кўксига сиғмай, қувноса сув тўлқини
Шарқираб оққон ҳаётда моҳтоб танийман сани.

Мавжланиб турса дилингда ложивард ирмоқлар,
Сан аларнинг томчисида офтоб танийман сани,
Гар само узра кийсалар булутлар минг хил либос,
Шох булутлар бағридаги бир хитоб танийман сани.

Борлиқ узра яшнамиш зангор қўшиқлар суврати,
Шу қўшиқлар жисмида гул юзли моҳ танийман сани,
Борлиғинг бўстони олга кўшиб гуллар бўйи,
Сарв гулсан дилбарим, сирли сабо танийман сани.

Тонг чашмин нурларидан баҳраманддир тоғлар,
Саждалар этгум санга ишқда шох танийман сани,
Гар бошим узра урса чарх само ғилдираги,
Қалбима малҳам, бенуқсон бир ҳаво танийман сани.

Борлиғим, қалбим майин ҳисларга то таслимдур,
Сан аларга шоҳсан, тенгсиз наво танийман сани,
Юз агар қўл боғласам рўйи тангрим олдида,
Ҳар каломим мавжида сан бир худо танийман сани.

Ғазал шарқона шеърий вазнда, яъни аруз вазнида яратилган бўлиб, аруз вазнининг қонун – қоидаларига, яъни бўғинларнинг қисқа ва чўзиқлигига эътибор қилинган. Ғазал 24 мисрадан иборат бўлиб, 12 байтни ташкил этади ва ҳар бир байт *а*, *б* шаклда қофияланган.

Гёте ғазалнинг ўзига хос ритмини, оҳангини ва мусикавийлигини сақлаш мақсадида биринчи ва учинчи мисралардаги бўғинлар бир хил сонда бўлишлигига эътибор берган. Масалан:

In tausend Formen magst du dich verstecken,



Doch , Allerliebste, gleich erkenn ich dich

Биринчи мисрада 11 та бўғин мавжуд, иккинчи мисрада эса 10 та бўғин мавжуд. Демак, ҳар бир байт *а,б* шаклда қофияланиб, бир хил ритми сақлаш мақсадида ғазалнинг бошидан охиригача биринчи мисрада 11 та, иккинчи мисрада эса 10 та бўғин такрорланиб келган. Натижада ғазалда ўзига хос муסיқийлик, оҳангдорлик юзага келган. Юқорида айтилганидек, аруз вазнининг ўзига хос хусусияти бўғинларнинг бир хиллиги эмас, яъни бўғинларнинг қисқа ва чўзиқ ўқилишидир. Эътибор беринг:

In tausend Formen magst du dich verstecken,

Doch, Allerliebste, gleich erkenn ich dich

байтининг парадигмаси қуйидагича бўлиши мумкин :

-V- - - - V - - V -
- V - - V - V - - -

Демак, бармоқ ва аруз системаларининг бир – биридан фарқи қанчалик катта бўлмасин, уларнинг асосида маълум даражада бирлик ҳам мавжуд.

Ҳар икки ритмик системада ҳам мисраларнинг метрик жиҳатдан тенглиги, даставвал, уларга кирган бўғинларнинг сон жиҳатидан бир хиллиги билан тайин

этилади. Арузда мисрани ташкил этган бўғинларнинг “сифат” жиҳатидан ҳам бир тартибда келиши ва бу тартибнинг байтда мутассил такрорланиши қоидаси ҳам мисрада бўғинлар сонининг бир миқдорда бўлиши қоидасини бекор қилмайди, балки системани янги имкониятлар билан бойитади”(2: 299).

Юқорида айтганимиздек, “In tausend Formen magst du dich verstecken” ғазали “Зулайхонома” нинг интиҳоси бўлиб, шоир Зулайхо мисолида ўз муҳаббатини энг сўнгги поғонага қадар баралла куйлади. Аллоҳнинг 99 номида зоҳирий баён қилиб, Ҳаққа эриштиради. “Ҳотамнинг Зулайхога муҳаббати умуминсонийликка ва абадий етукликка бўлган муҳаббатдир. Шу муҳаббат туфайли у ўзини қурбон қилишга тайёр. У ҳаёт мазмунини шунда деб билади. Ўлим ва ҳаёт ! Ўлим Гёте фикрича, ҳаётнинг интиҳоси эмас, балки ҳаёт дебочасидир” (4 : 11).

Хуллас, буюк олмон шоири И.В.Гёте олмон шеърятига шарқона жанр, яъни аруз вазнини олиб кирди. Аруз вазнидан руҳланган Платен, Рюккерт каби шоирлар олмон тилида аруз вазнида кўплаб ғазал ва рубоийларни яратиб, олмон шеърятига шарқона руҳ , шарқона маъно ва мазмун олиб кирдилар.

Адабиётлар

- 1.Goethe I. W. West - östlicher Divan – Stuttgart , 1819
2. Иззат Султон .Адабиёт назарияси - Тошкент, 1980
3. Ҳ.Ҳомидий ва бошқалар . Адабиётшунослик терминлари луғати – Тошкент : “Ўқитувчи ” 1967.
4. С.Жабборов. И.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” Матн.Талқин.Таржима. Автореферат – Тошкент, 1995.

Jabborov S., Ilyosov F. Translation, influence or “the third” literature. The article discusses the information and interpenetration of oriental literature in the works of Goethe.

Жабборов С., Илёсов Ф. Перевод, влияние или «Третья» литература. В данной статье рассматривается вопрос о взаимовлиянии и взаимопроникновении восточной литературы по творчеству Гете.



“АХБОРОТ БОРАСИДАГИ ХАВФСИЗЛИК”, “АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ”, “ИНФОРМАЦИОН ХАВФСИЗЛИК” КАТЕГОРИЯЛАРИ ХУСУСИДА

Холиқов Элбек,
ЎзМУ мустақил изланувчиси


Калит сўзлар: ахборот хавфсизлиги, информацион хавфсизлик, реал воқелик, сиёсий, ижтимоий онг.

Инсоният ўз тараққиётининг юксак марраларига эришиб, энг ривожланган технологиялар кундалик турмушнинг ажралмас қисмига айланганлиги, демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кенг рўёбга чиқиши, эркин фуқаролик жамиятини куриш каби мақсад-муддаолар планетар ғоя ролини ўйнаётганлиги, ўзга давлатлар ҳисобидан манфаат кўришдек ғаразли мақсадлар ўта маккорона ва кўз илғамас воситалар билан амалга оширилиши ҳозирги даврнинг воқелигига айланди. Бинобарин, “информацион хавфсизлик” тушунчаси бугун ҳар қачонгидан ҳам бой мазмун-моҳият касб этган. Шунга биноан, “информацион хавфсизлик” тушунчасига давр воқелиklarини фалсафий-сиёсий жиҳатдан мушоҳада этган ҳолда замон ва макон нуқтаи назаридан таъриф бериш зарурати вужудга келади.

Авало “ахборот хавфсизлиги”, “информацион хавфсизлик”, “ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчалари ўртасида фарқ борми-йўқми, деган саволга жавоб бериш зарур.

Русчадаги “информационная безопасность” атамаси ўзбек тилига икки шаклда: *ахборот хавфсизлиги ёки ахборот борасидаги хавфсизлик* шаклида таржима қилинган. Оммавий ахборот воситаларида, илмий адабиётларда бу икки терминнинг икки хил маънода қўлланганини учратиш мумкин: *техник* (компьютер вируслари, электрон ахборотнинг ўғирланиши, айғоқчи дастурлар ва ҳоказолардан ҳимояланиш) ва *психологик* (зарарли ахборотнинг инсон онги ва онг остига, феъл-атворига таъсиридан ҳимояланиш). Яъни, бу термин “ахборот-техник

хавфсизлик” ва “ахборот-психологик хавфсизлик” маъноларида қўлланмоқда.



Юқоридагилардан келиб чиқсак ҳамда ахборот ва ахборот технологияларининг жамият ҳаётининг турли соҳаларига кириб бориши жадал кечаётгани, келгусида бу жараён янада чуқурлашувини эътиборга олсак, терминларни ишлатишда яқдил тўхташга келиш зарурлиги, билъакс муайян чалкашликлар юзага келиши мумкинлиги маълум бўлади.

Мисол учун, “ахборот хавфсизлиги” тушунчаси русчадаги икки хил ҳодисани англатувчи “*безопасность информации*” ва “*информационная безопасность*” терминларининг таржимаси ҳисобланади (инглизчада бу икки хил ҳодиса бир хилда “*information security*” шаклида ифода этилади).

Бизнингча, “ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчаси, “ахборот хавфсизлиги”, “информацион хавфсизлик” терминларидан анча кенг қамровга эга бўлиб, бу иккаласини ўзида мужассам этади.



Бевосита “ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчасини кўриб чиқадиган бўлсак, Россия Федерацияси қонунчилигида “... унинг ахборот соҳасидаги манфаатлари ҳимоялангани ҳолати тушунилади, ҳимояланганлик ҳолати шахс, жамият ва давлатнинг балансга келтирилган манфаатлари йиғиндиси билан белгиланади”.

Қозоғистон Республикаси қонунларига кўра эса, “ахборот борасидаги хавфсизлик–давлат ахборот ресурсларининг, шунингдек, ахборот соҳасида шахснинг ҳуқуқлари ва жамиятнинг манфаатлари ҳимояланганлик ҳолати” дир.

Россиялик тадқиқотчи В.Лукьянов фикрича, “жамоат хавфсизлиги – инсонлар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, атроф-муҳит ва жонли табиатга зарар етказиш имконини истисно этувчи реал воқелик ҳолатидир”

Яна бир россиялик олим М.Стюгин ахборот борасидаги хавфсизликни “... эркин ахборот тизимининг (хавфсизлик субъектининг) зиддиятда унга қўйилган мақсадга мос ҳолда фаолият юритишнинг мақсадли режимини белгилаш ва кичик тизимлар ҳолатини ўзгартириш йўли билан амалга ошириш имконини берувчи инфор­мацион устуворликдир” деб таърифлайди.

Ҳозирда ахборотнинг ишончилиги масаласи янада долзарб­лашган. Агарда бундан 20-30 йиллар авваллари ахборотнинг ишончсизлиги инсон билимининг саёз­лиги ёки янглишиш билан тушунтирилса, эндиликда бундай ноҳолислик кўпинча қасдан содир этилмоқда. Натижада, хорижий ОАВ томонидан тарқатилаётган ҳар қандай ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириб кўриш зарурати юзага келмоқда. Шу нуктаи назардан рус сиёсатшуноси И.Пеньков ахборотнинг ўзини ва уни истеъмол қилувчи инсон ва жамиятни хавфсизлик объекти сифатида қараш ғоясини илгари суради.

Информацион хавфсизлик масаласи кўтарилганда шахс ва фаол ижтимоий субъект сифатида ҳар бир инсоннинг психикаси бевосита инфор­мацион

омилларга ўта таъсирчанлигини эътиборга олиш керак. Агарда бундай омиллар салбий таъсирга эга бўлса, унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларида (бу ўринда, аниқроғи, ҳаракатсизлигида) намоён бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга бузғунчи таъсирни келтириб чиқаради. Шу боис ахборот-руҳий хавфсизлик долзарб масаладир.

Ахборот борасидаги хавфсизлик тушунчасининг қонунчилик асослари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда демократия умуминсоний принцип­ларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади (13-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга (25-модда), ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга; амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир (29-модда), диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (31-модда), давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади (42-модда).

Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунида “ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчасига қуйидаги таъриф берилган: “ахборот борасидаги хавфсизлик – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати” дир.

Қонуннинг 14-моддасида жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига “демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш; қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик; жамиятнинг маънавий,



маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш; миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш” йўли билан эришилиши таъкидланади.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги “ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чоратadbирларни амалга ошириш; давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш; Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш; урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишга, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш” йўллари билан таъминланиши белгиланган.

Кўриниб турибдики, мазкур қонунда қўлланган “ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчаси “информационная безопасность” тушунчасини ҳам техник, ҳам информацион жиҳатдан қамраб олган.

Назаримизда, техник соҳадаги хавфсизликни, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш, технологик жараён ва ахборот ресурсларига зарар етказиши мумкин бўлган техник таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини ахборот хавфсизлиги деб, маълум шахс, гуруҳ ва жамият онгининг таъсирдан ҳимояланганлик ҳолатини информацион хавфсизлик деб қўллаш лозим.

Шу боис, назаримизда, ўзбек тилининг имкониятлари ва нуфузини инкор этмаган ҳолда, ўз мақсадимизни ифодалаш учун “информацион хавфсизлик” атамасини қўллаш илмий, назарий, методологик ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан Цицероннинг аниқ “*таъриф ҳар қандай масалани тадрижий ўрганишининг таянч нуқтаси бўлмоғи зарур, токи айнан нима ҳақда мулоҳаза юритилаётганлиги тушунарли бўлсин*”, деган фикрини тасдиқлаймиз ва хавфсизликнинг ахборот билан боғлиқ қайси шакли назарда тутилаётгани терминнинг ўзиданоқ маълум бўлади. Бу таклифни илгари суришга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман” дея “информацион” сўзини қўллаганини асос сифатида келтириш мумкин.

Информацион хавфсизлик инсоннинг салбий таъсирлар, ёвуз кучлар ва зарарли ғояларнинг оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилишидан ҳимояланганликдир.

Ахборот хавфсизлиги инсоннинг ёвуз, қонунга хилоф хатти-ҳаракатидан ахборотнинг (ахборот ресурсларининг) ҳимояланганлигидир.

Шундай қилиб, информацион хавфсизлик – ахборот муносабатларининг



шундай ҳолатики, унда ахборотнинг салбий таъсиридан сиёсий, ижтимоий онг, инсоннинг “мен”лиги, реал воқелик ҳимояланган бўлади.

Информацион хавфсизлик амалда хавфсизликнинг бошқа шаклларида тубдан фарқ қилади. Дейлик, кўз илғамас экологик ёки радиациявий хавфсизликни олсак, унинг касофатини одамзод ҳис қила олади. Информацион хавфсизликка путур етганини сезиш мушкул, уни фақат ақл ва мушоҳада орқали англаш мумкин.

Хулоса шуки, “...бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”. Информацион хавфсизликни таъминлаш ана шунинг учун ҳам алоҳида аҳамиятли ва масъулиятлидир. Ахборотни тарқатишнинг техник имкониятлари кенгайиб, ОАВ сони мунтазам ошиб бораётгани ҳам бу борадаги вазифаларга алоҳида долзарблик бахш этади.

“Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш

керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад-инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлидир”:

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Техник соҳадаги хавфсизликни, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш, технологик жараён ва ахборот ресурсларига зарар етказиши мумкин бўлган техник таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини ахборот хавфсизлиги деб, маълум шахс, миллат, халқ ва жамият онгига таъсирдан ҳимояланганлик ҳолатини информацион хавфсизлик деб қўллаш лозим. “Ахборот борасидаги хавфсизлик” тушунчаси, “ахборот хавфсизлиги”, “информацион хавфсизлик” терминларидан анча кенг қамровга эга бўлиб, бу иккаласини ўзида мужассам этади.

Информацион хавфсизлик – ахборот муносабатларининг шундай ҳолатики, унда ахборотнинг салбий таъсиридан сиёсий, ижтимоий онг, инсоннинг “мен”лиги, реал воқелик ҳимояланган бўлади

Адабиётлар

1. Қаримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-ж. –Т.: Ўзбекистон, 1999, б.85.
2. Қаримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, б.13-14
3. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” қонуни “Ведомости Олий Мажлиса Республикаси Узбекистан”, 1999, № 9, ст. 219
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” қонуни //“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2003, 3-сон, 18-модда.
5. Ахборот хавфсизлигига оид терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Фан, 2009, 36-бетда
6. Доктрина информационной безопасности Российской Федерации http://www.rg.ru/oficial/doc/min_and_vedom/mim_bezop/doctr.shtm



7. Закон Республики Казахстан «О национальной безопасности Республики Казахстан» от 26 июня 1998 года № 233 (<http://www.pavlodar.com/zakon/?dok=00120&uro=08001>)

8. Лукьянов В. Административные правонарушения, посягающие на безопасность // Российская юстиция. 2001. № 8.

9. Стюгин М. Информационная безопасность «по существу» (<http://psyfactor.org/autors/styugi№.htm>)

10. Пеньков И.А. Информационная безопасность Российской Федерации (политологический анализ) // Аналитический вестник Совета Федерации Федерального Собрания России. 2005, № 14(266.) стр. 12.

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон”, –Т.: 2009, б.13.

12. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003, 3-сон, 18-модда.

13. Цицерон. Об обязанностях, –М.: Наука, 1975, стр.60.

Холиков Э. Безопасность в сфере информации и категориях безопасность информации и информационных безопасность. В статье сделана успешная попытка внести ясность в понятие-категорию «безопасность информации» и информационная безопасность. Автор статьи данную проблему рассматривает в сопоставительно-типологическом плане с законодательство РФ и Казахстана.

Xolikov E. The security on the frield of information. The article deals with the category of “informational security”. The author comprises typologiculy the law of Regeian Federation and Kuzachistan.



ЗАРАФШОН МИНТАҚАВИЙ РЕГИОНИМЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Жўраев Шаҳриёр,

Самарқанд давлат университети катта илмий-ҳодим изланувчиси

Калит сўзлар: ономастика, антропоним, регионим, лексик-семантик гуруҳ, минтақа, ҳудуд, ўзлашма қатлам, икки тиллик, сема, туркийшунослик, исм, ном, этноним, топоним, ёдгорлик.

Маълумки, ном маънавият кўзгуси ҳисобланади. Шу боис қадимдан бола исмлари қабилалар урф-одатлари билан алоқадорликда қўйилган. Аста-секин антропонимлар ҳам инсоният маданиятини пайдо бўлиши жараёни билан боғлиқ ҳолда юзага кела бошлайди. Бу ўринда профессор Ш. Сафаровнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтишни ўринли, деб ҳисоблаймиз: “Ҳар қандай маданият атроф-муҳит таъсирида тараккий қилиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан дастлабки ўринда воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқи жиҳатдан ажралиб туради... Маданият ҳеч қачон қотиб қолган ҳодиса сифатида талқин этилмаслиги лозим, у тараккий қилиб боради, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади, бошқа маданиятлар билан қоришиб боради.” [Сафаров 2007:63].

Бу эса антропонимларнинг маълум даражада лаҳжа ва шевалар билан боғлиқлигидан далолат беради. Чунки киши номлари инсоннинг моддий-маънавий олами қуршови ҳамда жамият ривожини билан боғлиқ ҳолда оила аъзолари даврасида, муайян кишилар жамоаси нутқида юзага келади ва ўша ҳудуд анъана ва удумларига мос равишда ифодаланади. Шу боис ҳам антропонимлар маълум ҳудуд этносининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган бўлади. Проф. Ш. Сафаров таъкидлаганларидек: “Ментал ва лисоний категорияларнинг ўзаро муқобиллашуви уларнинг воқелик боғлиқлигида бўлса ажаб эмас. Лисондаги таснифий белгилар инсонни олам билан боғлайди” [Сафаров 2015:205].

Шу боис ҳам антропонимлар системасини адабий тил доирасида ҳамда

муайян ҳудуд-минтақалар доирасида ҳам ўрганиш мумкин. Э. Бегматов ўзбек антропонимиясининг умумий масалалари [Бегматов 1965], Н.Хусанов адабий ёдномалар антропонимлари [Хусанов 2000]. Х. Дониёров ўзбек тили қипчоқ лаҳжаси [Дониёров 1979:97/107], С. Раҳимов Хоразм минтақавий антропонимияси [Раҳимов 1998] материалларини таҳлил қилишда маълум даражада муваффақиятларга эришганлар. Айни бир пайтда маълум бир ҳудудда яшовчи турли оилага мансуб тиллар антропонимларининг маъно ва шакллари, қўлланилиш доираси, умумий ва ўзига хос томонлари ҳамда уларнинг минтақага хос хусусиятлари ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилган эмас. Бундай исмлар ономастик бирликларнинг бир тури сифатида С. Раҳимов тадқиқотида регионим деб юритилган [Раҳимов 1998:4].

Зарафшон минтақаси қадимдан турли миллат ва элатлар макони бўлиб келган. Илк ўрта асрларда кечган этномаданий жараёнларнинг ўзига хослиги “турк-суғд” даври сифатида қаралиб, ҳудуддаги ҳозирги этнослар учун муҳим компонент бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Этник жараёнларнинг хилма-хиллиги, ушбу минтақани ватан тутган этнослар борасида турлича қараш, фараз ва мулоҳазалар ҳалигача давом этмоқда. “...ҳанузгача на сак-массагетлар, на юзжилар ва тоҳарлар, на хунлар ва эфталитларнинг қайси этник гуруҳга ва тиллар оиласига мансублиги масаласи ўз ечимини топган эмас. Уларни гоҳ туркий, гоҳ эроний этнослар сифатида талқин қилиш давом этмоқда...” [Хўжанов ва б, 2001:14]. Ёки “Хитой тарихчилари туркий ва суғдларни битта халқ сифатида билиб, уларни бир-биридан ажратмайди ва



бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Уларни яхлит ўрганиб, воқеаларни баён қилади” [Хўжанов 2004:60]. Бу эса мазкур ҳудуд аҳолисининг сўзлашув нутқидан муштаракликлар натижасида тиллараро ўзлашмаларнинг юзага келишига олиб келган.

Исмларнинг пайдо бўлиши ҳақида Г.Морган қуйидагиларни қайд этган: “Қадимги ибтидоий жамиятда ... қабилани номлашда унинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг аъзоларини ўша ном билан аташга асос бўлган. Ҳар бир қабиланинг ўз номи бўлиши билан бирга унинг аъзолари ўша хусусият асосида бири иккинчисига таъсир кўрсатган. Мана шу пайтдан бошлаб шахс исмлари икки хил категорияда фаолият кўрсатган. Биринчи категорияси бўйича болаларни, иккинчи категорияда эса ёшларни номлашган. Болалар маълум ёшни тўлдириши билан иккинчи ном билан аташган: одатда бу жараён 16-18 ёшгача биринчи ном, ундан кейин эса иккинчи категорияли ном бериш билан амалга оширилган. Қабиланинг навбатдаги йиғилишларидан бирида янги исм расмий эътироф этилган” [Морган 1984:47-48].

Демак, шахс исмлари серияси қабила номи, қабила тотемига, мазмунига мувофиқ келувчи сўзлар воситасида юзага келади. Қадимдан Зарафшон водийсида яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари тилларига хос аналогизмлар анча бисёр. Тожик тилида Турсун, Ўлмас, Ортиқ, Очил, Ўринбой, Ойдин, Кумуш сингари ўзбекча номлар учраши табиий.

Ўзбек халқ оғзаки ижодий намуналарида ҳам жуда кўплаб тожикча антропонимлар учрайди: Жаҳонгир, Шаҳриёр, Зебо, Ширин, Замонгул, Бастам, Бобо (бек), Баҳром, Дилором ва бошқалар.

Ўзбек дostonчилик мактабининг йирик вакиллари Эргаш Жумабулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоирлар ҳам Зарафшон минтақасидан етишиб чиққан. Улардан ёзиб олинган юздан ортиқ дostonларда ўзбекча ҳамда маълум миқдорда тожикча исмлар ҳам ишлатилганлиги икки халқ ўртасидаги

алоқалар тарихи узоклигидан далолат беради. Қадимги туркий исмлар изоҳи Ўрхун-Энасой, Унгин маданий ёдгорликларида, М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул ҳақойиқ” ҳамда “Ўзғузнома” сингари асарларида ҳам учрайди.

Ҳудуд регионимига тегишли қадимий туркий (Бўта, Бўка, Билка), суғдча (Новкат, Яздон, Давжон, Хуршид, Паризод), форс (Остон, Меҳрангиз, Анушервон, Хисрав), юнон (Самандар, Зумуруд/Зумрад, Гаранфил(чинни гулдак кўркам киз), Биллур) тилларига оид исмлар ҳозирги пайтда ҳам қўлланилмоқда.

Юртимизга ислом динининг кириб келиши билан аста-секинлик билан бошқа ҳудудлар қатори Зарафшон водийси аҳолиси ўртасида ҳам маҳаллий ва арабча исмлар ёнма-ён ҳолда қўлланиши урф бўла бошлади. Бу жараён дастлаб зодагонлар, руҳонийлар оиласида қўлланди. Бу ҳолатни тезлаштириш мақсадида уларга арабча хожа (хурматли, эътиборли хўжайин, бошлик, билимдон, доно олим) унвони берилди бошланди [Бегматов, 2007, 463]. Уларнинг исмлари Валихожа, Аҳмадхожа, Муҳаммадхожа сингари шаклларда номлана бошланди. Аста-секинлик билан мусулмон динининг таъсири кучая бориши оқибатида маҳаллий аҳоли ўртасида араб тилига хос исмлар кенг тарқала бошланди. Болаларнинг Оллоҳга, Муҳаммадга ва имомга қулоқ солиши ва бўйсуниларини ёдга солиб туришлари учун уларни муборак номлар билан аташ одат тусига кира бошлади: Расул, Муҳаммад, Раҳмон, Қуддус, Малик, Жаббор, Азиз, Ғафур, Зоҳир, Ҳалим, Қаюм, Карим, Жалил, Ҳафиз, Қодир, Самад, Воҳид ва бошқалар ёки уларга ўзбекча ё тожикча сўзлар қўшиш орқали ҳам исмлар ҳосил қилина бошланди: Аллоберди, Худойберди, Худойдод, Раззоқбой, Муҳаммадқул, Валижон, Боситхон, Миртўра ва бошқалар. Аёллар исмлари ҳам соф арабча (Хадича, Муниса, Карима) ёки арабча номга



махаллий сўзларни кўшиш (Хадичабону, Мохинур, Бибиражаб, Бувисаида, Бибижамол) орқали исм кўйиш одат бўла бошлади.

Мўғуллар истилоси оқибатида Дархон, Баходир, Чиннихон, Туман, Норин, Норингул сингари исмлар кириб келди.

Руслар босқини ва коммунистик мафкура таъсири билан Флора, Тельман, Эрлис, Элмира, Эльбрус, Клара, Мая, Венера, Индира, Элеонора, Бернора, Берта сингари исмлар ҳам урф бўлган эди.

Оддий халқ сўзлашув нутқида эса кўпроқ касб-кори билан боғлиқ лақаб ва уруғ номи билан аташ одат тусига кирган: Аҳмадбой, Эшмат чойхоначи, Иброҳим лақай, Исоқ кенагас, Абдурайим жуз, Қудрат сарой, Акрам найман, Мусурмон араб, Улуғбек орлот ва ш.к.

XX аср бошларида, асосан, зиёлилар орасида –зода (Сўфизода, Шарифзода, Муллазода, Холикзода) –ий, -ия, -вия (Садриддин Айний, Исомиддин Салохий, Музайяна Алавия) сингари кўшимчалар ҳамда кўшимчаларсиз (Ҳамид Олимжон, Шукр Саъдулла, Салим Кенжа, Раҳим Муқим) номлаш одат тусига кирган эди. Бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ўтган аср 30-йилларининг иккинчи ярми ва 40-йиллардан бошлаб русча шаклдаги фамилиялар отасининг исмларига ўтказила бошланди. Натижада, отаси ёки бобоси исмига –ов//ова, ев//ева, кўшимчалари (Самадов, Бобоев, Акбарова, Тешаев)ни кўшиш расмий тус олди. 50-йиллар охирига келиб ота исмига ҳам –ович//овна, -евич//евна кўшимчалари кўшилиши белгилаб қўйилди: Тошматович, Икромовна, Шералиевич, Жўраевна каби.

Мустақиллик йилларидан бошлаб исм-шарифлар Давлат тили қонунига асосланган ҳолда расмийлаштирилмоқда. Бу ҳақда қонуннинг 15-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, отасининг исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар”.

Эндиликда ҳудуд аҳолиси исм-шарифларини қонунга мувофиқ равишда

ўз хошишига кўра русча ёки тарихий-анъанавий шаклда расмийлаштирилмоқдалар. Аҳмедов, Убайдуллаев, Беҳбудий, Меликзода, Акбар Сафар ўғли, Муниса Акрам қизи ва ҳоказо.

Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи аҳолиси ўртасидаги икки тиллилик ҳозиргача давом этиб келаётганлигини ҳудудга хос антропонимлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Йиғилган материаллар таҳлили уларнинг таркиби қўйидаги лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ)га тегишли эканлигидан далолат бериб турибди:

1. Қариндошлик муносабатини ўзида мужассам этган ЛСГ: Отабек, Бобоқул, Отахон, Энахон, Дадабой, Додарой, Падарбой, Оғабек, Оғажон, Отажон, Жиянбой ва ҳоказо.

2. Сиёсат билан боғлиқ номларни ифодаловчи ЛСГ: Хонкелди, Хонзода, Тенглик, Ғалаба, Омон, Шоҳакбар, Шоҳжаҳон, Шаҳаншоҳ, Салтанат, Қозибой ва б.

3. Диний мартаба ва унвонларга хос ЛСГ: Мустафо хожи, Содиқ муфти, Муфтулла, Мутавалли, Шароф имом, Аҳмад мулла, Собир қори, Нурбой домла, Қаландар, Шайхназар ва х.

4. Инсон кайфияти билан боғлиқ жараённи ифодаловчи ЛСГ: Севинч, Хурсандой, Хурсанбой, Қувондиқ, Элшод, Хушвақт, Хушдил, Хушнуд, Шоди ва б.

5. Гўзаллик, нафосат ва кўтаринкилик сингари тушунчалар билан боғлиқ ЛСГ: Азиз, Зарифа, Нафосат, Чаман, Гулистон, Латифа, Малоҳат, Саодат, Гўзал, Зебо, Латиф ва х.

6. Гул номларига тегишли ЛСГ: Савсар, Лола, Райҳон, Нилуфар, Гулбахор, Жасмина, Наргиза ва б.

7. Жасорат, қаҳрамонлик, ботирлик ва мардлик каби тушунчалар билан алоқадор ЛСГ: Баходир, Ботир, Ғолиб, Қаҳрамон, Зафар, Мардон, Жасур ва б.

8. Афсонавий қаҳрамонлар номларига тегишли ЛСГ: Алпомиш,



Самандар, Гўрўғли, Барчин, Рустам, Сухроб ва б.

9. Турли жой номлари билан боғлиқ ЛСГ: Тошканбой, Қўқонбой, Мадина, Маккабой, Сурхон, Афғон, Гурлан, Нажиб ва б.

10. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи ЛСГ: Вафо, Одил, Илҳом, Назокат, Инсоф, Адолат, Нажим ва б.

11. Табиат ходисаларига тегишли ЛСГ: Булутбек, Қоржов, Ёмғир, Қорёғди, Ёмғиркелди, Туман, Жала, Бўрон, Тошқин, Селбиби, Чақмоқ, Яшин ва б.

12. Аёллар номини ифодаловчи компонентлардан иборат ЛСГ: бону (Ситорабону), хоним (Латофатхоним), нисо (Савринисо), бека (Хадичабека), бегим (Нигорабегим), ой (Юлдузой), хон (Фотимахон) ва б.

13. Ҳарбий унвон ва мансаблар билан ифодаловчи ЛСГ: Сардор, Зобит, Лашкар, Аскар, Сарбоз ва б.

14. Ой ва ҳафта кунлари номларини ифодаловчи ЛСГ: Душанбой, Чоршанби, Жумабек, Ойжума, Сунбула, Асад, Қавсбой, Мезон, Жумагул, Мухаррам//Ашурбиби, Рамазон, Рўзибой, Ражабой, Шариф ва б.

15. Этноним билан боғлиқ ЛСГ: Ўзбек, Қозоқ, Тожик, Қирғиз, Марқа, Қўнғирот, Найман, Манғитбой, Лақай, Фалғар(и), Мастчойи, Помир(и), Турк, Афғон ва б.

16. Касб-хунар ва улар билан боғлиқ номларни ифодаловчи ЛСГ: Овчи, Темур, Ўроқ, Болта, Теша ва б.

17. Ширинликлар номларига тегишли ЛСГ: Шакар, Навод(т), Асал, Ширин, Толлибой, Қандолат ва б.

18. Қимматбаҳо метал номлари билан боғлиқ ЛСГ: Олтин, Тилла, Дурдона, Кумуш, Нукра, Олмос, Бриллиант, Зумрад ва б.

19. Коинот билан боғлиқ номлардан иборат ЛСГ: Юлдуз, Ситора, Хулкар, Хуршид, Офтобой, Ойгул, Баҳром ва б.

20. Мева номлари билан ифодаланган ЛСГ: Олмагул, Бодомгул,

Пистагул, Нокгул, Гилосой, Хурмо, Анора, Аноргул, Анжирой ва б.

21. Сабзавотлар номлари билан боғлиқ ЛСГ: Карамбой, Сабзи, Сабзигул ва б.

22. Полиэкинларига хос ЛСГ: Қовунбой, Қовоқбой//Кадибой ва б.

23. Гул семаси билан ҳосил бўлган ЛСГ: Гулзода, Гулмурод, Гуландом, Гулҳаё, Гулмира ва х.

24. Киши тана аъзолари номларига хос ЛСГ: Бошмон, Бошбек, Сарвар, Сардор ва х.

25. Қуш номларини ифодаловчи ЛСГ: Бургутбой, Лочинбек, Хўрозбой, Тўтибиби, Қумри ва б.

26. Ҳайвон номларига тегишли ЛСГ: Арслон, Бўри, Йўлбарс, Қоплон, Гург, Марял, Жайрон, Қундуз, Самандар, Кўчқор, Қўзи ва б.

27. Водийга хос географик номлар билан аталган ЛСГ: Сангзор, Бухорбек, Жомбой, Пайшанба, Конигул ва б.

28. Маросимлар билан боғлиқ ЛСГ: Ҳайитбой, Ҳайитгул, Рўзибой, Рўзигул, Оразгул, Наврўз, Наврўза, Мустақил, Қурбон, Қурбоной ва б.

29. Чақалоқнинг жисмоний ва рухий ҳолатини ифода этувчи ЛСГ: Очилбой, Тўлавоё, Ортиқ, Зиёд, Зиёда, Холмон, Тўхта, Истода, Нортой, Норхол, Маҳкам, Тувалбой ва б.

30. Ота-онанинг фарзандга бўлган орзу-умидларини ифода этувчи ЛСГ: Орзугул, Избосар, Эргаш, Суюн, Умид, Умида ва б.

31. Топонимга ўтган антропонимларга тегишли ЛСГ: Султон бобо кўприги, Улуғбек маҳалласи, Хўжа Аҳрори Вали қишлоғи, Шодимурод ресторани, Мадинабек қаҳвахонаси ва б.

32. Шахснинг лақаби ёки жамоавий лақабга тегишли ЛСГ: Қорабой оқсокол маҳалласи, Имом маҳаллати қишлоғи, Уста Болта Жўрақулов кўчаси, Аҳмад полвон маҳалласи, Лайлибек маҳалласи ва б.

Хуллас, Зарафшон водийсида яшовчи икки тили бир халқ регионимлари ўзига хос хусусиятларга эга. Минтақада Истам,



Додар, Мардон, Истат, Холмон, Яздон сингари антропонимлар худудга хослиги билан ажралиб туради.

Албатта, мазкур худудда яшовчи ўзбек ва тожик халқлари тилларига бошқа қадимги туркий сўғд, форс, юнон, араб, мўғул, рус, инглиз тилларидан сўз ва терминлар турли хил даврлардаги босқинчилик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маданий сингари ҳолат ва

вазиятлар тақозоси билан кириб кела бошлаган.

Минтақада ҳам сўғдча, ҳам қадимий туркий тилга хос антропонимларнинг учраши, ўзбек ва тожик тиллари уларнинг вориси эканлигидан далолат бериб турибди. Худудга хос регионимларнинг тадқиқ этилиши тилшунослигимиз олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АҚД.-Тошкент, 1965.
2. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. -Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.
3. Морган Л.Г. Древнее общество... –Ленинград: наука, 1984.
4. Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси.НДА.-Тошкент, 1998.
5. Дониёров Х. Қипчоқ диалектлари лексикаси. –Тошкент: Фан 1979.
6. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах: Сангзор, 2006.
7. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Тошкент: ВАҲОЗ, 2015.
8. Ҳусанов Н. А. XV аср ўзбек адабий ёдномалари антропонимларининг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. АДД. -Тошкент, 2000.
9. Давлат тили ҳақидаги қонун. –Тошкент: Ўзбекистон 2005.
10. Хўжанов А., Хўжанов К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. –Тошкент: Маънавият, 2001.
11. Хўжанов А. Хитой манбаларида сўғдийларга оид айрим маълумотлар//Ўзбекистон тарихи, 2004, №1, 60-бет.

Жураев Ш. Обсуждение регионимов Зарафшанского региона. Статья посвящена к обсуждению регионимов узбекского и таджикского языков как наследников турко-согдийского языка. Анализируется причины взаимно пласты этих регионов, данных языков. Классифируется более трицаты лексико-семантические группы этих регионов

Jurayev Sh. Discussions upon regionalisms of Zarafshan region. The article deals with the regional studing of Uzbek and Tajik languages as the generation of old Turkish and Sogdian lived in Zarafshan value. There have benn offered more then 30 lexico-semantic groups.



ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТЬ КАК КОГНИТИВНАЯ КАТЕГОРИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА

Халилова Алие,

преподаватель Узбекского государственного университета мировых языков

Ключевые слова: категория интертекстуальности, прецедентный текст, принимающий текст, интертекст, ментальные пространства, аллюзивная антономазия, концептуальная интеграция.

гармонии тела и духа, делает его одним из величайших психотерапевтов всех времен, еще до того как сложилась эта наука». До нас дошла одна занимательная история: некий принц страдал депрессией, сопровождавшейся бредом. Он считал себя коровой, отказывался от пищи и требовал, чтобы его зарезали (эта мания известна сейчас под названием «синдром Котара»). Ибн Сина притворился, что он разделяет бред больного, предстал перед ним с ножом в руке, а затем ошупал «безумного», распластанного по его приказанию на земле со связанными руками и ногами, и произнес: «Он слишком худ, надо его откормить». Больной немедленно согласился есть и обрел сон. Он выздоровел, так как «истинный аппетит и сон — те два основных элемента, восстановление которых, несомненно, приводит к быстрому выздоровлению меланхолика». Авиценне мы обязаны также «серьезным исследованием памяти (запоминание и припоминание), навязчивых идей, снов, галлюцинативных восприятий, потери чувствительности, внушенной воображением или страстью, и многих других сходных состояний». Слейм Аммар заключает: «В эпоху Ренессанса хотели сразу и немедленно превзойти и греков, и арабов. Леонардо да Винчи делал все возможное, чтобы уничтожить анатомию Авиценны, но он пользовался его терминологией, так как другой в то время не существовало». Однако популярность Ибн Сины была столь велика, что еще в 1909 г. в Брюсселе на медицинском факультете читался курс о его врачебном искусстве. Главным энциклопедическим трудом Ибн Сины является «аш-Шифа» («Книга исцеления»), состоящая из 18 томов и посвященная проблемам логики, физики, математики и метафизики.

Ибн Сина не был далек от жизни, какими часто представляются нам философы: перед нами встает образ



человека земного, обладавшего поистине разносторонними талантами.

Неудивительно поэтому, что даже Данте в своей «Божественной комедии» («Ад», IV, 143-4) поместил его в Лимбе, в чистилище, рядом с Аверроэсом (Ибн Рушдом) и великими языческими философами. Такое отличие равносильно причислению к лику святых. И своих работах Ибн Сина продолжал традиции аль - Кинди (ум. 842 г.) и аль – Фараби (ум. 950 г.), развитые затем Аверроэсом (1126-1198). Поскольку Аверроэс преподавал в Кордрве, он был при жизни более известен на Западе, чем на Востоке. В Европе он прославился благодаря своим комментариям к трудам Аристотеля. Учение Ибн Сины, напротив, нашло широкую поддержку в странах, где был распространен шиизм и где оно изучалось в подлиннике. Позднее благодаря латинским переводам оно изучалось в подлиннике, оказало глубокое влияние на развитие европейской мысли.

Следует отметить, что синтез аристотелизма и неоплатонизма, осуществленный Ибн Синой, был сделан им на основе философию и ислам, Ибн Сина утверждал, что ислам можно понять только в свете философских категорий. Он считал, что Пророк являлся полноправным философом и что молитва не отличается от философского созерцания. Здесь Ибн Сина имел в виду рационалистическую философию Аристотеля, причем даже неоплатонистская иерархия умов не могла удовлетворить мистицизм ислама. Это также послужило поводом для резкого осуждения его рационализма.

Сегодня, спустя много веков, нетрудно понять, что это оппозиция представителей ортодоксального ислама была почти неизбежна, поскольку философия Ибн Сины противоречила Корану. Его главным противником был аль – Газали (1058-1111), который пришел в философию как скептик и позднее превратился в мистика и ортодоксального теолога. Его мистицизм, также как мистицизм Ибн Сины, носил

неоплатонистский характер, но его философские взгляды в целом противоречили Аристотелю. Аль – Газали объявил Ибн Сину и его предшественника аль – Фараби еретиками. Это уничтожающее обвинение нанесло серьезный ущерб учению Ибн Сины в странах суннизма, однако почти не повлияло на его распространение в шиитских странах. Аверроэс пытался опровергнуть доводы аль – Газали, но проклятию великого мистика суждено было остаться в памяти потомков. Философия навсегда утратила свое недолгое влияние на суннизм; Ликей Аристотеля превратился, в лучшем случае, в придаток мечети.

После аль-Газали большинство мусульманских философов стало проводить резкое различие между ортодоксальной философией, с одной стороны, рациональным философским представлением о мире – с другой. Попытка Ибн Сины объединить два течения завела его в бесплодную пустыню, разделявшую эти оазисы восточной мысли. Но его учение о логике пустило корни и расцвело в христианских монастырях, а оттуда в разных вариантах проникло в церкви и университеты Западной Европы. Таким образом, в XII-XIII вв. Ибн Сина благодаря латинским переводам стал одним из основателей средневекового аристотелизма.

Главный научный спор того времени велся вокруг вопроса об основных понятиях логики. Схоласты часто цитировали Ибн Сину, и некоторые из них, как, например, Альберт Великий (ум.1280 г.) и его ученик Фома Аквинский (ум.1274 г.), наиболее влиятельный мыслитель католицизма, несмотря на свою критику его учения, считали его достойным восхищения. Другие, такие, как Уильям Оккам (ум.1349 г.), ошибочно искавший в его учении доводы в поддержку номинализма (*Summa totius logicae*, I, 14), неверно истолковывали его труды. Как бы то ни было, произведения Ибн Сины и Аверроэса изучались с таким пристальным



вниманием, что возникали опасения, что это может повредить развитию университетской мысли. Несмотря на то что учение Аристотеля являлось общепризнанным, оно не могло носить черты арабского или греческого влияния и, чтобы лучше служить задачам церковной логики и эпистемологии, было латинизировано.

И все же Ибн Сину следует считать основоположником схоластики. То, что Аристотель называет «формой в душе», он переводит арабским словом ма'на, т. е. «понятие» или «назначение». Наука того времени давно уже нуждалась в этом ключевом термине, ранее всегда переводившемся на латынь словом *intentio*, что означало «природный знак в душе». Оно отличается по значению от современного слова «интенция», т. е. «намерение, стремление, цель», и несколько не совпадает с понятиями, употреблявшимися Аристотелем и Ибн Синой, тем не менее схоластики пользовались им достаточно широко.

Вслед за Порфирием (ум.304 г.), учеником Платона и представителем неоплатонизма, Ибн Сина проводит различие между естественными знаками “первого и второго понимания”. Логика, считает он, имеет дело с ма'ни, т. е. «понятиями» второго понимания, другими словами, с абстрактными понятиями, примененными к первому пониманию в восхождении от известного к неизвестному. Именно в это время начался долгий спор о значении слова «интенция», который продолжался вплоть до зарождения современной логики. Исследуя формы мышления, который обладают логическими свойствами, но которые в свою очередь не являются неотъемлемыми признаками отдельных предметов, хотя и проявляются в них, Ибн Сина наметил пути развития логики.

Другой задачей его психологизированной логики стали поиски законов мышления, которые достаточно долго считались правильными и которые смогла заменить только современная формальная логика, согласно которой знаки в душе не являются формулами.

И наконец, Ибн Сина внес неоценимый вклад в развитие философии и логики, установив строгое различие между логическими и онтологическими универсалиями. Эта градация была безоговорочно принята католической наукой. Ибн Сина считал, что универсалии существуют в трех видах: «до вещей», «в боге»; «в вещах», в качестве всеобщей природы отдельных предметов; и «после вещей», благодаря способности человеческого мышления к абстракции. Таким образом, «созерцая цветущие сады земного мира», последователи разных религий имели возможность пользоваться одним и тем же логическим учением и объединять представления о созерцаемом со своими представлениями о рае. Существует, однако, различие между наукой логикой и ее применениями.

Роль Ибн Сины как связующего звена между тремя культурами поистине огромна. Он стал посредником между греческой и арабской культурами, интерпретировал греческую медицину и философию в исламском варианте. Труды его и в той, и в другой областях обогатили средневековую науку. Творчество Ибн Сины, жившего тысячу лет назад, должно вдохновить нас на новые открытия и помочь избежать ошибок в понимании чужой культуры. Остается надеется, что и наше время окажется богато такими мудрыми философами, которые смогут способствовать возведению мостов между различными культурами.

Литература

1. Henri Corbin. “Histoire de la philosophie islamique”. Paris.: Gallimard. 1964. p.239
2. Henri Corbin. Avicenne. L'Encyclopaedia universalis. II, p.955



3. Абу Али Ибн Сино. Канон врачебной науки в 10-ти томах. Медицинская литература. 1996, т.5, с. 165.

Muminova O., Melikova M. “Mediator between three worlds”. Philosopher, who is able to disclose essence and importance of own age and own culture, who is equally oriented both in our and other cultures – is a mediator between different worlds. Ibn Sina (Avitsenna) was such a person who bridged medieval Islamic world with Christian culture, culture of East and West. Works of Ibn Sina help us to avoid mistakes in understanding other cultures.

Мўминова О., Меликова М. Уч дунё ўртасидаги воситачи. У ўз даври ва маданиятининг мазмуни ва аҳамиятини очиб беришга лаёқатли, бизнинг ва бегона маданият соҳасида бир хил мўлжал ола биладиган файласуф – турли дунё ўртасидаги воситачидир.

Шундай инсонлардан бири Ибн Сино (Авиценна) бўлиб, у ўрта аср ислом ва христиан, Шарқ ва Ғарб маданияти орасига дарча қўйди. Ибн Синонинг ижоди бизга бегона маданиятни тушунишда хатога йўл қўймакликка ёрдам беради.



К ВОПРОСУ О РОЛИ ПРАВОВОГО ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЁЖИ В ФОРМИРОВАНИИ ЕЁ АКТИВНОЙ ЖИЗНЕННОЙ ПОЗИЦИИ.

Азизова Азиза Ульмасовна,

преподаватель Самаркандского государственного института иностранных языков

Ключевые слова: образование, знания, права и обязанности человека, правовое воспитание, правовая культура, идейно-просветительская работа с молодежью.

В своей книге «Свое будущее мы строим своими руками» Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов отмечает, что «просвещение – это основа развития общества, единственная сила, способная спасти его от неизбежной катастрофы».

Не зря, испокон веков человечество стремилось раскрыть нераскрытое, понять непонятное и озарить темноту. Человек всегда стремится к свету - к святой энергии знаний. Знания, навыки, умелость и старательность всегда ценились на Востоке, а ученые и мыслители, созидатели и творцы неизменно пользовались глубоким уважением и почетом. Недаром в узбекской пословице говорится: «С колыбели до могилы будь в поисках знаний» («Бешикдан то кабргача илм изла»). Ведь учение - свет, а не учение - тьма. Например, в «Авесте», в основной книге зороастризма с более чем 2700 летней историей, рекомендуется детей с самого детства обучать навыкам. В частности, в ней содержится наставление о том, что «если у тебя будет сын, отдай его в школу в детстве, так как учение свет глаз». Процесс образования является многогранным и охватывает целые комплексы учений. На протяжении всей своей жизни человек формально и неформально получает знания, учится и воспитывает себя. И в правду, своевременно полученное правильное воспитание, образование спасает нашу жизнь и делает нас счастливыми.

Формирование справедливого гражданского общества и построение демократического правового государства во многом зависит от уровня организации и эффективности гражданско-правового

образования. Образование в области прав человека - это процесс, посредством которого люди узнают о своих правах и правах окружающих.

Существует множество определений образования в области прав человека и подходов к нему, но лучше всего оно определяется теми целями, к которым оно стремится. Долгосрочной целью образования в области прав человека является создание такой культурной среды, в которой все понимают, защищают и уважают права человека. Следует отметить, что у разных людей представления о наилучшем или наиболее подходящем способе достижения поставленной цели могут отличаться и это вполне естественно. Даже у двух людей, двух групп или двух разных культур никогда не будет одинаковых потребностей, и никакой образовательный метод не удовлетворит всех людей, все группы и все общества в равной степени.

Некоторые утверждают, что современная концепция прав человека сформировалась в XVIII веке и нашла свое выражение в Декларации независимости США 1776 года и Французской декларации прав человека и гражданина 1789 года. Однако следует отметить, что многие из ключевых идей прав человека уже существовали в культуре и обществе восточных и западных стран еще в древние времена. Например, высокую ценность человека можно проследить в Исламе, где много говорится о защите пленных, иноземцев и иноверцев, особое внимание уделяется защите чести и достоинства женщин.

На сегодняшний день самым важным документом является,



несомненно, Декларация прав человека, принятая ООН 10 декабря 1948 года. В Плате действий ООН на Десятилетие образования в области прав человека (1995-2004гг) образование в области прав человека определяется как «... усилия по обучению, распространению и информированию, которые предпринимаются для создания всеобщей культуры прав человека путем привития знаний и навыков, формирования позиций и которые направлены на: укрепление уважения к правам человека и основным свободам; всестороннее развитие человеческой личности и чувства человеческого достоинства; содействие взаимопониманию, терпимости, равенству полов и дружбе между всеми нациями. обеспечение для всех людей возможности эффективно участвовать в жизни свободного общества;

Право на образование в области прав человека является самым фундаментальным правом человека, поскольку только посредством эффективного осуществления данного права, человек знакомится с другими правами и свободами, которыми он наделен. Нельзя считать нормальным для общества, претендующего на цивилизованность, пренебрежительное отношение к правам человека со стороны как высших государственных чиновников, так и массы граждан. Более того, некоторые граждане зачастую не задумываются, а иногда и не догадываются о том, что происходит, это относится как к тем, кто нарушает, так и к тем, чьи права нарушаются. В этом отношении, многое объясняется недостатком систематизированных знаний о правах человека, что необходимо исправить посредством дальнейшего повышения эффективности образовательных программ в области прав человека.

Воспитание всесторонне развитой личности начинается с раннего детства, и оно неотъемлемо взаимосвязано с приобретением знаний, включая и образование в области прав человека.

Наблюдения последних лет показали, что формирование правосознания, правовой культуры, а в следствии и активной жизненной позиции молодёжи нашего государства идёт поэтапно на основании « Национальной программы по подготовке кадров », где по школьной программе, учебной программе колледжей и лицеев, изучаются такие предметы как « Основы духовности», «Конституция Республики Узбекистан», «Правоведение» и далее, поступив в ВУЗ, молодые люди закрепляют и углубляют свои знания в этом направлении. Какие основные права и обязанности должны знать наша молодёжь? Опыт в этой сфере показывает, что она должна знать, прежде всего, основной закон страна – это конституция Р.Узб. свои личные права и свободы - это право на жизнь, на свободу мысли, личную неприкосновенность, право избирать и быть избранными в представительные органы власти, право на труд и на отдых, право на образование и квалифицированное медицинское обслуживание. А из обязанностей - это соблюдение верховенства закона в стране, оберегать историческое, духовное культурное наследие, бережно относиться к окружающей среде, нести военную или альтернативную службу в порядке установленным законом и далее.

От правового образования молодёжи зависит их мироощущение, оценка своей роли в обществе, активная жизненная позиция. В чём это проявляется: в поведении дома, на улице и в учебных заведениях, их интерес к историческому прошлому своей страны, желание внести свой посильный вклад в сохранение культурных, духовных ценностей. Активное участие в общественной и политической жизни государства и общества, работа в ННО, вступление в политические партии, достижения в науке и искусстве, культуре и в спорте, овладение навыками информационных технологий, изучение иностранных языков, участие в различных грантах.



Образование есть основа демократии, и древнее изречение о том, что учитель создает нацию актуально и в наши дни. Многое зависит от компетентности и профессионализма педагогов и наставников, которые сами должны быть патриотами своего государства, беззаветно отдающими все свои силы и знания, чтобы сделать жизнь лучше и этим энтузиазмом вдохновить молодое поколение.

Если дать знания, но не научить действовать, молодёжь будет пассивной и беспомощной. Если научить действовать, но не привить необходимые знания и навыки по правам человека, то вырастут

самоуверенные и некомпетентные карьеристы и политики. Если не сформировать нравственных ценностей, то получатся умелые и знающие манипуляторы, равнодушные и безжалостные к нуждам окружающих.

С этой точки зрения, самой главной и, пожалуй, самой сложной задачей является не только снабжение молодёжи правовыми знаниями, даже не научить их действовать в рамках правового пространства, а сделать так, чтобы они сами хотели жить и поступать по справедливости для того, чтобы сделать жизнь проще и честнее.

Литература

1. Каримов И.А. Свое будущее мы строим своими руками, Т.7, Т.- «Узбекистан», 1999.
2. Каримов И.А. Высокая духовность – непобедимая сила. Т. 2009.
3. Из наставлений Адурбады. Изведать дороги пути праведных. пехлевийские назидательные тексты. Введение. Транскрипция текстов, перевод. Комментарий. Глоссарий и указатели О.М. Чунаковой. М., 1983.
4. Саидов А.Х. Международное право человека: Учебное пособие/Отв. ред. акад. Б.Н. Топорнин. М., 2002.
5. Резолюция ГА ООН 48/184 от 23 декабря 1994.
6. План действий ООН на десятилетие образования в области прав человека, 1995-2004гг.

Azizova A. On role of legal education of youth in forming active life stands. Success of reforms in all spheres of society`s life depends on education, where important role is played by education in the field of human rights. At present, formation and increase of sense of justice, legal culture is considered to be important issue in formation of personality developed in numerous directions, and formation of active life stand. We can entrust the future of our country only to such youth.

Азизова А. Ёшларнинг фаол ҳаётий позицияси шаклланишига ҳудудий таълимнинг роли масаласига доир. Жамият ҳаётидаги ислохотлар, таълимнинг муҳим унсури бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга боғлиқдир. Ҳозирги кунда баркамол шахсни тарбиялашда ёшларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, пировардида фаол ҳаётий позициясини шакллантириши долзарб муаммодир. Фақат шундай ёшларга мамлакатимиз келажагини ишониб топширишимиз мумкин. Мақолада ҳуқуқий онг, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга оид масалалар апрофлича ёритилган.



БИР ШЕЪР ТАЛҚИНИГА ДОИР

Жабборова Дилафруз,

ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси

Калит сўзлар: туйғулар оқими, илоҳийлашган образ, севги қиссаси, текст, гўзаллик тимсоли, темурийлар, шайбонийлар.

Сўнгги давр танқидчилигида Чўлпон шеъриятининг турли хил талқинлари яратилмоқда. Шоирнинг машҳур “Гўзал” шеъри ҳақидаги кузатишлар ҳам фикримиз далилидир. Таниқли чўлпоншунос олимлардан О.Шарафиддинов ва Н.Каримовлар мазкур шеърга ғоят юксак баҳо берадилар. Шеърни шоирнинг муҳаббат бобида яратилган ва инжа туйғуларга йўғрилган бадий мукамал асар сифатида баҳолашади. Жумладан, О.Шарафиддинов “Чўлпон” номли рисоласида “Унинг шеърий меросида соф лирика катта ўрин тутади. Бу лириканинг бир қисми адабиётнинг мангу қўшиғи – муҳаббатга бағишланган, қолганлари эса... мана ман деб кўриниб турадиган муайян мавзу йўқ. Уларда шоир бирорта ҳаётий деталь ёрдамида ёхуд бирор аниқ воқеа баҳонасида ўз қалбининг тубидаги туйғуларини очади... “Гўзал”, “Бинафша”, “Сирларинг”, “Қаландар ишқи”, “Галдир”, “Суйган чоғларда” каби шеърлар ҳам шундай асарлар жумласидандир. Улар Чўлпоннинг руҳият оламининг энг юксак чўққиларига кўтарилганидан далолат беради. Бу шеърларни жаҳон лирикасининг энг нодир намуналари билан бемалол бир қаторга қўшиш мумкин”²⁹, деб ёзади. Мунаққид ушбу қарашлардан келиб чиқиб, шоирнинг “Ваҳм”, “Қаландар ишқи” шеърлари қаторида “Гўзал” шеърини ҳам таҳлилга тортади.

“Бу шеърда ёрнинг гўзаллиги ғоят нафис ифодаланган – у тушда ҳам, ўнгда ҳам, оққа кўмилганда ҳам, кўмилмаганда ҳам бениҳоя гўзал, у юлдуздан-да, ойдан-да, кундан-да гўзал, хатто ой ҳам, юлдуз

ҳам, кун ҳам унга ҳавас қилади, унинг қаршисида ўзларига ўзлари хунук кўриниб кетишади, андишага тушишади, уялишади...

Бундай шеърлар ҳар қандай одамга руҳий бардамлик бахш этади, унинг қалбини шаффоф нурларга чўлғайди, алланечук енгил торттиради”³⁰.

Ушбу кўчирмалар гувоҳлик бераётганидек, мунаққид шеърни муҳаббат мавзусида ёзилган асар сифатида баҳоламоқда ва ошиқнинг ёр – гўзал ишқида бедор ёнишларини инсон руҳиятининг инжа туйғулари сифатида талқин этмоқда.

Наим Каримов ҳам шеър таҳлилида шунга яқин қарашларни баён этади. Мунаққид ушбу шеър таҳлилига киришаркан, энг аввало, шеърият ҳақида, унинг жозибаси, инсон маънавий оламига, ҳис-туйғуларига кўрсатадиган ижобий таъсири ҳақида сўз очади.

“Ўзи, аслида, шеърият инсон дилини ардоқлаш учун, ундаги ғуборни пуркаб ташлаш учун дунёга келган. Шоир ҳам, аввало, ўз қалбини тўлдириб юборган туйғулар оқимини шеъриятнинг сеҳрли уммони томон йўналтиришга интилади. Ана шундай туйғулар оқими, одатда, гўзаллик билан учрашув натижасида, ундан нурланиш натижасида, электрланиш натижасида пайдо бўлади. Чўлпоннинг машҳур шеърларидан бири “Гўзал” деб номланган бўлиб, унда ҳам аёл қиёфасидаги ана шу нафосат олами билан учрашув нашидаси, аниқроғи, ана шу нафосатни кўмсаш туйғуси тараннум этилган”³¹. Н.Каримов шеърдаги гўзални

³⁰Ўша манба. –Б.42-43.

³¹Каримов Н. Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Т.: 1991. –Б. 49.

²⁹Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т.:1991. - Б. 40-41.



“аёл қиёфасидаги нафосат” дея таърифлайди ва лирик қаҳрамон(шоир)нинг бедор кечинмалари ушбу нафосатни кўмсаш туйғуси эканига урғу қаратади. Мунаққид фикрича, шеърдаги маъшуқа ҳаётдаги реал аёл тасвири бўлмай, балки афсонавий хислатларга эга илоҳийлашган дилбар тимсолида келади.

Кўриниб турибдики, устоз О.Шарафиддинов ва Н.Каримовларнинг шеър ҳақидаги дастлабки муштарак қарашлари – унинг соф лирикага оид шеър сифатида тавсифланишидир. Мунаққидлар шеърдаги нафосат оламига йўғрилган лирик кечинмани, поэтик образ ва ифодадаги жозибани шоир поэтик маҳорати сифатида баҳолайдилар. Ҳар икки мунаққид фикрига кўра шеърдаги гўзал - “маъшуқа” илоҳийлашган ёр тимсолида келади. “Севгилисининг бунчалар гўзаллиги эса ошиқни – **ер одамни(таъкид бизники – Ж.Д.)** алланечук хавотирга солади”³².

Н.Каримов фикрича, шоир “...номаълум дилбарнинг бу илоҳийлашган образи орқали илоҳийлашган севги қиссасини яратишга эришди”³³.

Ҳар иккала олим ҳам шеър таҳлилига бундан ортиқ тўхталиб ўтирмай унинг жаҳоний баҳосини беради ва бизнингча, ортиқча таҳлилга ҳожат ҳам йўқ: яъни шеърнинг зоҳирий ва ботиний маъносидаги уйғунлик “илоҳийлашган севги қиссаси”ни куйлашдир.

Энди иккинчи қараш – шеърдаги гўзалнинг миллий озодлик рамзи эканлиги ҳақидаги талқинларга эътиборни қаратсак. “Гўзал” шеърининг бундай талқинини адабиётшунос Д.Қуронови “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси”³⁴ номли кўлланмасида кўрамиз. Олим Чўлпоннинг бир қатор шеърларини давр билан, шоир ҳаёти ва дунёқарашига оид манбалар

билан бир бутунликда таҳлил қилишга ҳаракат қилади, таҳлилда биографик методдан фойдаланганига урғу қаратади. Олим мулоҳазаларига кўра “...конкрет асарни “текст” деб оладиган бўлсак, унинг мазмун –моҳияти фақат “контекст”дагини тўла намоён бўлиши мумкин”³⁵. Ушбу қарашлардан келиб чиқиб, олим шеър маъносини иккига –зоҳирий ва рамзий-ботиний маъноларга ажратади. Унга кўра зоҳирий мазмунда мумтоз адабиётимизга хос анъанавий севги-муҳаббат мавзуси куйланган бўлса, рамзий маъносида юртнинг миллий озодлик мотиви ифода этилган. “Шоир дилидаги миллий истиқлол орзуси унинг ижтимоий-эстетик идеали мақомига кўтарилган эди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, “маъшуқа” Чўлпон учун миллий озодлик рамзи эди, шу боис ҳам шоир уни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяди”³⁶, -деб ёзади олим бу ҳақда.

Н.Каримов 2003 йилда чоп эттирган “Чўлпон” номли маърифий романида “Гўзал” шеъри талқинига яна бир бор тўхталиб, юқоридаги каби қарашларга муносабат билдириб, гўзал ким деган саволга куйидагича жавоб беради:

“Бундай лирик ҳарорат ва жозоба билан тўлиқ сатрларда шарафланган гўзал қизил рўмолли Хуррият эмас, балки жамики гўзаллик тимсоли – Соҳибжамолдир. Чўлпон улуғ рус шоири Александр Блок сингари, ҳусни жамолда беназр бўлган номаълум хонимнинг образини чизган. Бизнинг устозларимиз ҳам шу шеърни ишқий лириканинг гултожи сифатида севиб ўқиганлар”³⁷. Кўриниб турибдики, олимнинг ушбу фикрлари гарчи номи келтирилмаса-да Д.Қуронови қарашларига жавобан айтилаётгани англашилиб турибди.

Бироқ, шунга қарамай, бу хил фикрларнинг бошқа олимлар кузатишларида ҳам учраши уларнинг илмий “даъво”ларининг қай даражада

³²Шарафиддинов О. Чўлпон. –Т.: 1991. –Б.43.

³³Каримов Н. Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Т.: 1991. –Б. 50.

³⁴Қуронови Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. –Т.: 1997.

³⁵Ўша манба, 30-бет.

³⁶Ўша манба, 30-бет.

³⁷Каримов Н. Чўлпон.Маърифий роман.-Т.:124.



асосланганлигини ўрганишни тақозо этади. Жумладан, Й.Солижонов “Зулматдан нур кидирганлар” номли қўлланмасида “Чўлпоннинг “Халқ”, “Гўзал”, “Кўнгиш”, “Куз”, “Бинафша”, “Бузилган ўлкага”, “Мен ва бошқалар”, “Кўзғолиш”, “Алданиш”, “Эркинлик истаги” сингари ўнлаб шеърларида эрк туйғуси, истиқлол умиди ёрқин ифодаланган”,³⁸ деб ёзса, филология фанлари доктори И. Эрматов “Чўлпон шеърларида коннотация кудрати”³⁹ номли мақоласида “Гўзал” шеъри таҳлилларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосага келади:

“Хулоса қилиб айтганда, “Гўзал” шеърининг марказида турган рамз Чўлпон умрининг охирига қадар фақат тушларида кўрган, у мансуб бўлган миллат вакиллари эса қарийб бир юз қирқ йилдан кейингина ўнгида эришган миллий озодлик экан”⁴⁰.

Кўриниб турибдики, олимларнинг хулосаси бир хил бўлиб, шеърдаги “гўзал” рамзий образ сифатида миллий озодлик ғоясини ифодалашга йўналтирилгани таъкидланмоқда.

Шеър талқинидаги бундай турлича қарашлардан табиий савол туғилади: мадомики, шеър талқинида устувор икки хил қараш вужудга келган экан, унинг қайси бири ҳақиқатга яқинроқ? Аслида-ку, талқинларнинг бундай ранг-баранглиги герменевтиканинг ютуғи ҳисобланади. Зеро, адабий-танқидий талқинлар субъектив қарашлар ҳосиласи сифатида қанча хилма-хил бўлса адабиёт илми шунча ютади. Бироқ, айти пайтда, талқинлар бадиий матн билан қай даражада боғланган ёки илмий жиҳатдан асосланган, деган масала асосий мезон эканини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Таъкидлаш жоизки, қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси жўшмаган, ўз ижодининг муайян бир йўналишини ватан ва миллат мадҳи билан беэмаган бирорта

шоир ёки ёзувчини топиш амримаҳол. Шу маънода ватан ва миллат фидойиси бўлмиш Чўлпон ижодини юксак ватанпарварлик руҳида битилган ва миллий озодлик мотивлари билан суғорилган асарларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу типдаги шеърларида шоир ўз концепциясини аниқ-тиниқ баён этади, ўткир публицистик руҳ билан суғорилган ижтимоий-эстетик мазмун миллатни юрт озодлиги йўлида курашга чорловчи пафос даражасига кўтарилади. Бунга мисол қилиб “Бузилган ўлкага”, “Амалнинг ўлими”, “Ўзбегим”, “Кишан”, “Тун”, “Кўзғолиш” ва бошқа кўплаб шеърларини келтириш мумкин.

Д. Қуронов “контекст” сифатида келтирилган омиллар - шеър ёзилган вақтдаги руҳий ҳолат, давр руҳи, “Алданиш” ва бошқа таҳлилга тортилган шеърлар олим хулосаларини асослашга хизмат қилмайди. Чунки мунаққид фикрини асослаш мақсадида “Гўзал” шеъри атрофида айланади-ю, лекин шеърнинг ўзини таҳлилга тортиб, “мана бу сатрлар ёки образлар миллий озодлик ғоясига ишора”, деб кўрсатмайди. Аксинча, шеърдаги етакчи поэтик образлар – “ошиқ” ва “маъшуқа” образларини “...улар шеърнинг мазмун тизимида бир унсур, холос”, дея бирёқлама хулосага келади. Ваҳоланки, олимнинг ушбу фикрларидан кейин келтирилган шеър структурасига оид таҳлиллар бу образлар шоир эстетик идеалини ифодаловчи асосий поэтик образлар эканлигини асослашга хизмат қилади. Зеро, шеърдаги бошқа поэтик унсурларни – юлдуз, ой, шамол, кун каби образларни бир нуқтада жамлаб, муайян мақсадга йўналтираётган асосий поэтик образлар – бу ошиқ ва маъшуқа образидир. Айнан шу образлар гўзал маъшуқа ишқида ёнаётган ошиқнинг бедор қалб кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Буни олимнинг ўзи ҳам кузатувлари давомида эътироф этади.

Филология фанлари доктори Т.Ёрматов мақоласида ҳам шу фикр илгари сурилади. Муаллиф мақолада, чўлпоншунос Н.Йўлдошевнинг шеър ҳақидаги

³⁸Солижонов Й.Зулматдан нур кидирганлар. – Т.:2007. –Б.65.

³⁹Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба ва технология мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: -Б.57-60.

⁴⁰Ўша манба, 60-бет.



фикрларини инкор этар экан, шоир шеърда ошиқ бедорлиги ёки маъшуқа гўзаллигини мадҳ этиш билан чекланмагани, "...бу тасвир ёнғоқнинг пўсти каби эканлиги, шеърхон учун керакли мағиз эса бутунлай ўзга мазмун ва бадийий ғоя билан суғорилганлиги аён бўлади"⁴¹, деб ёзади. Олимнинг ўз фикрларини асослаш учун келтирган талқинларига тўхталишдан олдин, айтиш жоизки, Чўлпоннинг поэтик маҳоратини намён қилувчи гўзал мисраларда битилган тасвирларни "ёнғоқнинг пўсти"га ўхшатиш унинг эстетик диди, шеърини нафосатни қай даражада ҳис қилишини тўла англатиб турибди.

Мақолада "Гўзал" шеъридан келтирилган кўчирмадан кейин олим қуйидагича фикрларни ёзади:

"Герменевтика қоидаларига амал қилган ҳолда мисралардаги сўзлар талқинига эътиборни қаратадиган бўлсак, "кеча" сўзи, аёнки, қоронғиликни англатади. Қолаверса, "кўк" сўзи "осмон"га кундузги ёруғлик шароитидагина маъно жиҳатдан уядош бўла олади. Аммо Чўлпон "кеча"нинг олдидан атайлаб қоронғи изоҳловчисини келтиради, қоронғи осмоннинг ўрнига эса "кўк"ни қўллади. Шеър "Қоронғу кечадан кўкка кўз тикиб" дея бошланади. Агар биринчи мисра "Кечаси осмонга кўз тикиб" дея бошланганда, номинатив маъно сақланиб, семантик коннотацияга асосланган рамз юзага келмаган бўлур эди"⁴².

Очиғи, ушбу мулоҳазаларни ўқиган китобхон олимнинг нима демоқчилигини англаши қийин кечади. "Кеча"нинг "қоронғулик"ни англатиши, "кўк"нинг осмонга фақат "кундузги ёруғлик шароитида уядош?" бўлиши ҳақидаги ажабтовур талқинларни қўя турайлик-да, шеърнинг дастлабки мисраси ҳақида "Агар биринчи мисра "Кечаси осмонга кўз тикиб"

деб бошланганда, номинатив маъно сақланиб семантик коннотацияга асосланган рамз юзага келмаган бўлур эди", деган қарашларига эътибор қаратайлик. Муаллиф бу ўринда "кўк" сўзи фақат кундузга нисбатан, "осмон" эса кечага қўлланади, демоқчидай туюлади. Ахир, кечанинг ҳам, кўкнинг ҳам кўплаб синонимлари бор ва шоир шеърдаги поэтик мақсаддан келиб чиқиб, энг ифодавийини қўллаши табиий. ("Кеча **оқшом фалакда**//Ой бўзариб ботганда. **Зухра юлдуз** милтираб // **Хира** ханда отганда". А.Орипов). Бинобарин, юқоридаги мулоҳазаларни ўқиганда, "Нега энди шоир поэтик гўзал ифода ўрнига жайдари, бадийликдан йироқ сатрларни ёзиши керак экан", деган эътирозни билдиргингиз келади. Қолаверса, "Қоронғу кеча" бирикмаси матнда поэтик ифодадан ташқари вақт, пайт маъноларини ҳам англатиб келмоқда. Яъни, ҳали ой чиқиб, атроф ёришмаган, қоронғи тушиб фақат ёруғ юлдуз чиққан палла, деган маъноси борки, вақт тушунчаси ошиқнинг кечаси билан бедор ҳолатини ушбу тасвирдан кейинги ой, тонг шамоли, кун образлари орқали ифодаламоқда. Бинобарин, шеърдаги юлдуз, ой, шамол, кун каби поэтик образлар шоирнинг эстетик мақсадини ифодалаш учун бир нуқтага жамланган унсурлардир.

Олим фикрини давом эттириб, кеча ва кундузнинг "символик" хусусиятини қуйидагича кенгайтиради: "Айрим китобхонлар роман сарлавҳасидаги (гап "Кеча ва кундуз" романи ҳақида кетяпти – Д.Ж.) "кеча"ни ўтган замон (феодализм), "кундуз"ни эса шўролар даври(социализм) деб тушунишади. Чўлпон "Кундуз"ни халқимизнинг темурийлар, шайбонийлар ва уч хонлик давридаги миллий мустақиллигининг символи, "Кеча"ни эса большевиклар бошлаган кўпоровчилик, зўравонлик ва қирғиндан иборат қоронғи йўлсизликнинг рамзи сифатида қўллаган бўлса-чи?"(58-бет).

Албатта, олим томонидан айтилаётган бу мулоҳазалар яхши ният билан, Чўлпондек "элни мажнун бўлиб"

⁴¹Бадийий асарларни шарҳлаб ўрганиш:тарих, тажриба ва технология. –Т.: 1014.-Б.58.

⁴²Бадийий асарларни шарҳлаб ўрганиш:тарих, тажриба ва технология. –Т.: 1014.-Б.58.



севган буюк шоир ижодини халқ ва миллат тақдири билан узвий алоқадорликда талқин этишдек олижаноб туйғу орқали айтилаётгани, шубҳасиз. Бирок, бундай қарашлар бадииятни, нафосат оламини сўз санъати воситаси-ла кашф этувчи сифатида ангай олишимиз лозимлиги хақида ўйга толдиради.

Мақола муаллифининг “Кун”(“Кундуз”) Чўлпон талқинида юқорида фараз қилганимиздек, халқимизнинг Русия истибдодига қадар бўлган миллий мустақил турмушини англатгудек бўлса, у “Гўзал”ни ўша пайтда “бир кўрдим” дейишга ҳақли бўлиб чиқади, “Кеча” вакиллари бўлган Юлдуз, Шамол ва Ой эса уни энди фақат тушларида кўрадилар. Поэтик мантиқ ипининг уланишини қаранг! У энди бизга “Гўзал” ниманинг рамзи эканлигини аён қила бошлайди”(60 бет), деган мулоҳазаларини

ўқиб, шеърни ифода тарзига зид тарзда, яъни “Кун”ни ўтмишдаги мустақиллик даври? деб, “Кеча”ни эса шўролар босқини даври сифатида ўз “қолип”ига солиб, уни “мантиқ ипининг уланиши” дея таърифлашда қанчалик сунъийлик бўлса, халқимизнинг мантиқан асосланган “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ” деган мақолидаги ҳақиқатларга шунчалик зиддир. Зеро, чўлпонлар ўз жонларини тикиб курашган, орзу қилган “Кундуз” – шўролар салтанати - “кеча” қулагандан кейин эришган миллий мустақиллигимиз - бугунги кунимиздир.

Муаллифнинг ушбу мулоҳазалари Чўлпоннинг ҳар бир шеърини ижтимоий мазмунни биринчи ўринга чиқариб таҳлил қилиш, баъзан тадқиқотчини боши берк кўчага киритиб кўйишига ёрқин бир далилдир.

Жабборова Д. К интерпретации стихотворения Чулпана “Гузал”. В настоящей статье в сравнительном аспекте изучены различные интерпретации стихотворения Чулпана “Гузал”.

Jabborova D. About an analysis of a verse. In this article in the comparative aspect we studied different interpretations of the poem Chulpan "Guzal" in literary criticism.



ТИЛШУНОСЛИК ФАНИДАГИ ЖУДОЛИКЛАР

Охирги икки-уч йил давомида миллий тилшунослигимизнинг забардаст дарахти бироз силкингандай бўлди. Кўп йиллардан буён бу дарахтнинг гавдасидан мустаҳкам ўрин олган, унинг шох отиши, сермева бўлишига мадад бериб, лозим бўлганда – ушбу мевадан, бошқалар ҳам ҳузур топишига замин яратиб турган шахслар бўлмиш академиклар Азим Ҳожиёв, Эргаш Фозилов, профессорлар Эрнест Бегматов, Абдуҳамид Нурмонов, Абдузухур Абдуазизов каби тилшунослик илмининг алломалари рихлатни маъқул кўрдилар. Маълумки, ўзбек ёзув тизими робита-ю усулларга бой, шу жумладан, кўп нукта қўйиш амали ҳам ўз ифода имкониятига эга. Аммо биз, юқоридаги рўйхатни ушбу восита мавжудлигида кўришни истамаган бўлар эдик. Қаники йўғон қилиб нукта қўйиб, рўйхатни тугатиб қўяқолсак! Афсусларки, бу бандасининг ихтиёридаги амал эмас экан (ўзбек ёзув услубияти ҳам бу ерда ожизлик қилар экан). Оламда улкан ҳаётий ҳақиқат мавжуд: ер юзида ҳеч бир жонзот боқий қола олмайди. Куръони Каримда битилганидек, “Ер юзидаги барча жонзот фонийдир. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг ўзигина боқийдир” (“Роҳман” сураси).

Ана шу ҳақиқат олдида барчамизнинг бошимиз эгик, ожиз эканлигимизга яқинда яна бир бора ишондик. Мустақил ва ҳур юртимизда “Хотира ва қадрлаш” кунини нишонлашга тайёргарлик кетаётган бир пайтда яна икки сафдошимиздан ажраб қолганлигимиз ҳақидаги машъум хабарни эшитиб, қайғуга чўкдик. Қайғурмасликнинг иложи йўқ. Кўп йиллар давомида ҳаммамиз ҳавас ила боқиб юрганимиз буюк олим, давлат арбоби академик Ғанижон Абдурахмоновдек инсон бизни тарк этса-ю, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас профессор Абдуҳамид Неъматов устоз ортидан боқий дунёга ташрифни орзу қилиб қолса. Начора! Ўлим – барчанинг тақдирида: “Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир” (“Оли Имрон” сураси). Дунёдаги барча нарса ўлчовли яратилганидек, ҳаёт ҳам ўлчовлидир. Бироқ шу ўлчовли замонда ўзидан из қолдириш, олийжаноб мукаддас амалларни бажариш барчага ҳам тақдир этавермайди. Ғанижон ва Абдуҳамид акалар тақдирла чароғон инсонлар эдилар, уларга Аллоҳ инъоми насиб этган бўлиши билан бир қаторда, бу инъомни бошқалар билан баҳам кўриш бахтини ҳам буюрган эди.

Ғ.Абдурахмоновнинг она тилимиз тарихига оид асарларини ўқимаган туркийшунос бўлмаса керак. Домланинг туркий тилларнинг қадимги даврдаги ҳолати, тараққиёти борасида билдирган фикрларини дунёдаги ҳамкасблари эслаб, такрорлаб туришни ўзлари учун фарз, деб ҳисоблайдилар. Айниқса, ўзбек тили грамматик тизими, қўшма гап синтаксисига хос мавзулар тадқиқи йўлини танлаганлар устоз меросидан доимо баҳрамандирлар. Бу зот яратган дарсликлар эса доимо талабалар китоб жавонидан муҳим жойни эгаллаб келмоқда.

Саркарда Пётр қурган шаҳардаги қиролича Екатерина асос солган университетда таҳсил олган Ҳамид Неъматов устозлари ўғитига амал қилиб, “ҳақиқий илм соҳа тарихидан бошланиши” ҳақидаги ақидага амал қилди ва номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини XI-XX асрларда битилган ёзма ёдгорликлар матнларининг морфологик хусусиятлари таҳлилига бағишлади. Олим ҳар қандай лисоний шакл бир пайтнинг ўзида бир нечта микротизимларга қўшилиши мумкинлиги тилнинг очиқ система эканлигидан дарак



беришини қайд этаётиб, бу системанинг турғунликдан йироқ туришини, унинг узлуксиз тараққиёт этиб боришини таъкидлашдан ҳеч қачон чарчагани йўқ. Худди шу таъкид лингвистик таҳлилнинг негизида диалектик мантиқ амаллари туриши кераклиги ҳақидаги методолог ғояни олға суришга туртки берган бўлса, ажаб эмас.

Абдуҳамид аканинг тафаккур диалектикаси баркамоллиги ва мантикий асосга эга эканлигига биз кўп мартаба гувоҳ бўлганмиз. Камина-ю ходимларингиздан бири Фанлар Академиясининг Петербург шаҳридаги аспирантлар уйида домла билан қўшничилик қилган бўлса, қолганлари ул зотга шогирд тушиш бахтига муяссар бўлишиб, баҳс-мунозара юритишган, муҳокамаларда иштирок этишган. Айтиш жоизки, бу мунозаралар доимо пурмазмун, завқли ва самарали кечганлигини эслаймиз. Зеро, домла суҳбатда демократ ва бахрикенг бўлишни ёқтирса-да, ўз фикри, ғоясини бошқалар онгига сингдиришнинг ҳам устаси эди. Бу устамонлик, айниқса, профессор Неъматовнинг кўп йиллик ижоди мақсадига айланган субетанционал тилшунослик ғояси тарғиботида яққол сезилади. Дарҳақиқат, домла ва у киши тарбиясини кўрган, таълимини олган шогирдларнинг тинимсиз изланишлари зоя кетмади ва субстанционал-систем тилшунослик йўналишидаги тадқиқотлар натижасида мактаб ва олий ўқув юртлари ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар саҳифаларида ўз аксини топди.

Абдуҳамид ака илдам тарғиб қилган ғоялардан яна бири граудиномия назарияси бўлиб, бу назария негизида ҳам тил бирликларининг систем муносабатлари ҳамда фалсафада етакчи ўринларда турадиган шакл ва мазмун уйғунлигига асосланган тамойиллар туради. Бир пайтлар машҳурликда ҳеч кимдан қолишмайдиган америкалик олимлар Э.Сепир ва Д.Болинжирлар бошлашган ишни бухоролик тилшунос қойилмақом қилиб охирига етказди ва ҳозирги кунда бу назария турли тиллар мисолида синовдан ўтаётганлигидан барча хабардор.

Ҳа, ўзбек тилшунослиги Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Неъматовлар сирасидаги дарғаларидан жудо бўлди. Бу албатта, оғир жудолик! Бироқ бу зотлардан улкан илмий мерос қолаётганлигини ҳам унутмайлик ва шу меросдан унумли фойдаланиш, уни бойитиб, дунё илм аҳлига кўз-кўз қилиш издошлар, шогирдлар зиммасидаги шарафли бурчдир. Муқаддас ҳадисларидан бирида айтишича, “Кимки илм истаб қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдур”. Илм йўлида шу заҳмат чеккан Ғанижон Абдурахмонов ва Абдуҳамид Неъматов сингари устозларни Аллоҳ ўз дарғоҳига қабул этгани рост бўлиб, уларнинг жойини жаннатдан берсин!.

Ш.Сафаров, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова.



XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Нашриёт-таҳрир маркази

Мухаррирлар	–	С.Хайитов,
	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Б.Ибодуллаев

Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 15.03. 2016.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма №114. Times гарнитураси.





ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА

МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.
- Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.
- Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.
- Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).
- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралик билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.
- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.
- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида куйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.
- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.
- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.
- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.
- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.
- Мақоланинг ўзбек, рус ва ингиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Олий Аттестация Комиссиясининг филология фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган “Хорижий филология” илмий-услубий журнаliga обуна давом этаяпти.

Обуна нархи:

1 йилга	80 000 сўм
6 ойга	40 000 сўм

Мурожаат учун манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.

Самарқанд давлат чет тиллар институти “Нашр-матбаа маркази”.Тел: 231-13-42